

R 496

Guliston

2014/4

*Qushday uchib, quchog'ingdan dunyo kezdim,
Kezib-kezib topganlarim sog'inch bo'ldi...*



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ЎЗЛА УЎБЕКИСТОНИМ!



Бир танишимни байрам билан табрикладим. Жавоби ғалатироқ бўлди: бу кун байрамга ўхшамасмиш, байрам сал узоқроқдан бошланса, тузукмиш, байрам кайфияти йўқ экан у кишида. Бунга бир нарса дейиш қийин. Чунки... Чунки байрам кўнгил ҳолати аслида. Кўнгил ҳолати эса – ҳар биримизнинг ички оламимиз маҳсули. Кайфиятимиз байрамона бўладими-йўқ, бари шу мукаммалу мураккаб кўнгилга боғлиқ. Аслида байрам санасининг бошқа кунлардан кўп фарқи йўқ. Буям замон деб аталмиш мангу узлуксизликнинг шартли бир бўлаги. Лекин ўйлаб қаралса, одамзотнинг кўрган кунининг ҳаммаси ҳам умр эмас. Бу кунларнинг кўпчилиги шунчаки тириклик. Одам яшаган барча кунлари билан эмас, балки одамдай кечирган умри билан мукаррамдир.

Ko'ngil bayrami

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади...

▶ Одам ўз ҳаётидаги байрамларни кўпайтириш учун яшайди. Ҳаётдан ўрнини топган одамнинг байрамлари кўп бўлади. Ҳаёти фаровон халқнинг ҳам. Аммо байрамнинг байрам эканини туйиш учун одамдан ўз фикри, қараши, ҳақиқати, эътиқодига эга Шахс бўлиш талаб қилинади. Фақат шундай Шахсгина ўзини ўзи мансуб миллату мамлакатдан айро кўрмайди. Уларнинг қувончидан қувониб, ташвишидан қайғуради. Миллату мамлакат шахсдан ташқарида эмас, балки унинг юрагига кўчган бўлади. Шундай Шахс байрам учун бировдан кайфият кутмайди. Байрамонга кайфият ўзи келади. Негаки, байрам фақат ҳар кунгидан тўқисроқ тузалган дастурхон эмас, кўнгилинг кўтаринки ҳолати! Кўнгилинг эса ҳашар йўли билан кўтариб бўлмайди.

Қанчалик бепарво бўлмасин, одам туғилган куни бошқачароқ кайфиятда бўлади. Туғилган кун-ку фақат ўзингга тегишли ҳодиса. Лекин байрам кўпники. Айниқса, мустақиллик сингари сиёсий байрамлар бутун миллат аҳлига дахлдор. Бундай кунни туймоқ, ўзи ва атрофидагиларда байрам кайфияти уйғотмоқ учун одам кундалик ташвишлардан баландроқ юксала олиши керак. Бу байрам – миллатнинг улғу орзуси ушалган кун. Бунга бошқа кунлардан айрича муносабатда бўлиш ўша неъматнинг шукронасини аниқлатади.

Айтайлик, фарзандимиз туғилган кун ёки барчамиз бирдек қувонч ва умид билан кутадиганимиз, махсус тайёргарлик кўрадиганимиз янги йилни нишонлашга ярайдиган кайфиятни кимдир яратиб берадими?! Йўқ! Ҳаммамиз ўз ҳолимизча бунга тайёрмиз. Ўз-ўзимиздан бу кунни байрамга айлантириш, кўнгилдагидек ўтказишга ҳаракат қиламиз. Нега энди бошқа байрамларда ташқаридан байрамонга кайфият кутамиз?!

Байрамни байрамига муносиб нишонлаш учун, аввало, шу куннинг моҳиятини, байрамнинг мазмунини англаб етмоқ лозим бўлади. Шунда, ҳатто, ўзимизга бевосита тегишли бўлмаган бирор санани ҳам чинакамга байрам қила оламиз. Дейлик, 8 мартнинг эркакларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Аммо бу кунга оналар, опа-сингил ва қизларига ҳурматини яна бир бор билдириш имкони деб қараган эркак бу кунни чин дилдан байрам қилади.

Бу рангин дунё қатъий интизом асосида тараққий этади. Глобаллашган оламда каттадир, кичикдир барча нарса-ҳодиса муайян қонун-қоидалар, меъёрлар асосида мавжуд. Ҳатто, ўзаро кундалик муомаламиз ҳам маълум маънода юридик амалиётдир. Буларнинг барчасини Конституция меъёрга солади. Бахту бахтсизлигимиз, қувончу ташвишимиз, боримизу йўғимиз шу қонунлар, охир-оқибат, Конституцияга боғлиқлигини ҳис қилгандагина 8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни чин байрамдек кутамиз, нишонлаймиз. Қолаверса, Конституция Ватанимизнинг мустақил паспорти мақомидаги ҳодиса.

1 сентябрь – Мустақиллик куни. Истиқлол авлоди

бўлмиш ёшлар учун бу кун, шубҳасиз, энг улғу, энг азиз байрам. Шу куни барча телеканалларда, табиийки, байрамонга дастурлар тақдим этилади. Кичкинтойлар бошқа давлатлар каналларидаги байрамонга бўлмаган кундалик дастурларни кўриб, ҳайрон қолишади: нега бу каналларда байрам йўқ? Асосийси, қувонтирадигани, бу ҳайрат, бу ҳолат чин дилдан. Улар ўзларининг бу қувончларига бошқаларнинг ҳам шерик бўлишларини, уларнинг байрами барчада бирдек нишонланишини истайдилар. Бу – катталар ҳам ибрат оладиган ҳолат, кўнгил ҳолати. Шу кўнгил ҳолатига тушган одамгина шахслашган бўлади.

Мустақиллик, озодлик ҳам кўнгил ҳолати. Мустақил давлат фуқароларининг кўнгли ҳам, жисми ҳам мустақил бўлиши лозим. Бугун ўзбекистонликлар дунёнинг истаган бурчига истаган маҳалда истаган сабаби билан бориб-келаверади. Бу ҳол шунчалик табиий туюладики, худди доим шундай бўлгандай, бунга шукрона талаб қилинмайдигандай, буни алоҳида таъкидлаш шарт эмасдай. Бугун юртимизда дунё миқёсида долзарб муаммолар юзасидан халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Аҳамият беринг, биз бунга шунчаки иштирокчи эмас мезбонмиз. Бугун чин устасини тан олишга “маҳкум” спортнинг муҳим мусобақаларида бизнинг иштирокчимиз одатий ҳодиса. Бугун спорт дунёсида авваллари бошқаларга қўшимча сифатида тиркалиб юрган юртимиз номи барчага таниш, ҳатто, бизнинг спортчиларимиз мутлақ “эга”лик қиладиган спорт турлари ҳам бор. Бундаги ютуқларимиз табиийдек қабул қилинади. Бугун футбол ҳакамлари орасида дунё бўйича энг юксак рекорд юртимиз ўғлонига тегишли. Бугун халқаро санъат танловлари ғолиблигини юртдошларимиз кўлдан бермай келаётгани дастлабки даврлардагидек чуқур ҳаяжонга туширмай ҳам кўйди бизни. Бугун авваллари фақат телевизорда кўриб, ҳавас қилганимиз бинолар юртимизнинг олис гўшаларида ҳам қурилмоқда. Кечагина йўлларидан кун бўйи ўн беш-йигирмата улов ўтиб турадиган юрт бугун дунё талашиб оладиган автоларни ишлаб чиқараётир. Буларни юрагига кўчирмаган одамда кўтаринки кайфият бўлмайди. Демак, кўнгил кўтаринкилиги шукроналикка ҳам боғлиқ экан.

Бу каби бугуннинг шукронага сабаб, аяб-асрашга арзийдиган эришиқларига фақат мустақиллик сабаб. Шуни билган, шу ишларга нимадир ҳисса кўшиш иштиёқида яшайдиган, шунга муносиб умр кўрадиганлар учун мустақилликдан ортиқ байрам бўлмаса керак?! Кўнгилга мана шу қаноатни жойлаганлар бу кунни нишонлаш учун кайфиятни бировдан сўраб ўтирмайди. Бу кўнгиллар бу кунни муносиб тарзда кўркам байрам қила олади. Зеро, кўркам кўнгиллилар юртига байрамлар ярашади. Кўнгил байрами муборак бўлсин барчамизга!

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Manzura SHAMS

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbirlar:

Mashrab NURINBOYEV,

Ahmad TO'RA

sahifalash va dizayn:

Azamat Fayzullayev,

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Nilufar HAYITOVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

Mahmud ISMOILOV

*O'zbek Milliy akademik
drama teatri direktori*

Suvon Najbiddinov

*"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori*

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Baxtiyor Sayfullayev

*O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori*

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori, professor

Jahongir QOSIMOV

*"O'zbekkino" Milliy agentligi
Bosh direktori*

Rustam QOSIMOV

*"O'zbekiston pochta"
OAK Bosh direktori*

Ushbu sonda:

Fayzulla TOLIPOV

Toshkent darvozalari

Abdusaid KO'CHIMOV

*Iftixordan yetdi boshim
osmonga*

Boymirza O'ROQOV

Chechan aytimchi

Sherzod PIRMATOV

San'atdan yaralgan saodat

Baxtiyor NURIDDINOV

Nurbola

Turonbeka JABBORLI

Sahnada urg'u o'rni

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvoohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

"Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84_{1/8}. Buyurtma №73. Adadi: 1020 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq.

Bosmaxonaga 14.08.2014- yilda topshirildi. Bosishga 14.08.2014- yilda

ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.

Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz



ГЕРБ

*Куёшдан меҳр-зиё давра қурган сарҳадда
Икки дарё мавж урар, бош узра мовий осмон.
Шарқона ўй-тафаккур азалий қадриятда
Фурури тоғ миллатнинг шаънига сўйлар достон.*

*Дил покиза халқига ризқ бўлди пахта, бугдой,
Бошоқлардан ранг олди чаноқда эзгу ният.
Оппоқ орзулар сари қанот қоқади Хумой,
Саккиз қирра юлдузда ой тимсоли саодат.*

*Мадҳияси жаранглаб, ҳилтираса байроғи,
Шон-шуҳрати намоён тенглар ичра тенг шараф:
Дўст деб эътироф этар бутун дунё қароғи
Ўзбекистон аталмиш давлат гербига қараб!*

Ҳаёт ШОДМОН


Toshkent darvozalari

Маълумки, ўтмишда махсус дарвозалар Марказий Осиё шаҳарларининг муҳим ўзига хосликларидан бўлган. Дарвозалар нафақат аҳолининг, меҳмонларнинг шаҳарга кириш-чиқиши учун хизмат қилган, балки муҳим стратегик объект, шаҳар чегарасини белгиловчи восита ролини ҳам бажарган. Бундан ташқари, дарвозалар шаҳарга кириб келувчи карвонлар учун тўхташ ва бож тўловларини амалга ошириш, душман ҳужуми пайтида асосий истеҳком ҳам ҳисобланган.

Дарвозаларнинг сони шаҳарларнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб белгиланган. Жумладан, сўнги ўрта асрларда Тошкентда 12 та, Бухорода 11 та, Самарқандда 7 та дарвоза бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ёзма манбаларда Фарғона водийси шаҳарлари дарвозалари тўғрисида ҳам қайдлар учрайди. Дарвозаларнинг аксарияти шаҳар қабристонларига яқин жойда ёки уларнинг атрофларида барпо этилган. Уларни қўриқлаш, таъмирлаш ҳамда асрашга шаҳар маҳкамаси ва дарвозабонлар жавобгар бўлган.

Шаҳарлардаги даҳаларга ҳам махсус дарвозалар орқали кирилган. Улар қайси томонда ва қайси йўналишда жойлашганига кўра номланган. Жумладан, О.А.Сухарева Бухородаги дарвозалар номини шундай келтиради: Самарқанд дарвозаси, Қарши дарвозаси, Саллахона ва Ғарбий дарвозалар

юборилган биринчи рус савдо карвони бошлиғи Миллернинг ёзишича, шаҳар дарвозалари 8 та, 1800 йилда келган М.Поспеловнинг қайд этишича, 6 та, Филипп Назаровнинг 1813-1814 йилларга оид маълумотларида 12 та деб кўрсатилган. Сўнги манбада дарвозалар шаҳарнинг қайси томонида жойлашгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор. Жумладан, Самарқанд дарвоза жануби-ғарбда, Бешёғоч, Терсариқ дарвозалари жанубда, Шайхонтохур дарвозаси шарқда, Тарсахондарвозаси



шимоли-ғарбда, Капкан (Қопқа) дарвозаси шимолда, Точки (Кўкча) дарвозаси ғарбда барпо этилган.


Маълумки, Тошкент шаҳрининг сўнги девори XIX аср бошларида қайта тикланган. Унинг атрофида Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чифатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби ўн икки дарвоза бўлган. Шаҳар маҳаллаларига бевосита дарвозалар орқали кирилиб, сўнгра катта-кичик кўчаларга борилган. Уй-жойлар дарвозалардан камида икки-уч қақирим нарида қурилган бўлиб, бунда аҳолининг хавфсизлиги ҳисобга олинган. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент дарвозалари атрофи бўйлаб барпо этилган маҳаллаларда 50-150, баъзан 200-250 тагача хўжалик яшаган.

XIX аср охири – XX аср бошларига тегишли Н.А.Маевнинг “Азиатский Ташкент” асарида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўша даврга тааллуқли дарвозалар ҳақида маълумотлар учрайди. Мазкур асарнинг 1, 3, 4-бобларида эски шаҳардаги даҳа, маҳаллалар, ариқлар, дарвозалар,



ва ҳ.к.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрига оид тарихий манбаларда ҳам шаҳар дарвозалари ҳақида анчагина қимматли маълумотлар учрайди. Тарихдан маълумки, шаҳар ҳудуди кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни, номи, сони ҳам ўзгариб турган. 1738-1739 йилларда Тошкентга



учун шахар маҳкамаси томонидан қисман маблағ ажратилган. Қизиғи, ушбу маблағ нима мақсадда ишлатилганлиги ҳақида маълумот йўқ.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳридаги мавзе, даҳа, дарвозалар номлари ўрганилиб, аксарият жой номлари қайта тикланди. Шаҳар тарих ва бугунни, бугун ва келажакни бир-бирига боғлаб, кундан-кун чирой очмоқда.

Файзулла ТОЛИПОВ,
ТошДТУ доценти


масжидларнинг номлари келтирилган. Айримлари ҳақида анчагина тафсилотлар ҳам бор. Жумладан, унда шаҳарнинг 12 дарвозаси, яъни Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Кўчимозор, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч дарвозалари ҳақида батафсил ёзилган. Муаллиф ҳар бир даҳанинг 2 ёки 3 тадан дарвозаси бўлганлигини ёзади.

Шунингдек, ҳар бир даҳа аҳолиси кўпроқ қандай касб-ҳунар билан шуғуллангани, бу ерда мавжуд масжид, мадраса ва мактабларнинг сони ҳақида ҳам маълумотлар берган. Жумладан, тадқиқотчи Х.Бўриеванинг аниқлашича, Шайхонтохурда 60 та масжид, 10 та мактаб, 3 та мадраса; Себзорда 10 та масжид, 3 та мадраса; Кўкчада 51 та масжид, 34 та мактаб, 2 та мадраса; Бешоғочда 68 та масжид, 16 та мактаб, 3 та мадраса бўлган. Шаҳарликларнинг шаҳар атрофидаги ерлари “мавзе”, “боғ ҳовли”, “дала ҳовли” деб аталган. Аҳоли у ерга ҳам ушбу дарвозалар орқали кириб-чиққан.

Дарвозалардан бошланадиган кўчалар бошқаларига нисбатан каттароқ бўлиб, шаҳар ичкарисига, яъни марказ Чорсуга, Бешоғоч ва Кўкча даҳаларига қараб йўналган. Улар даҳалардаги катта бозорлар билан боғланган. Дарвозалар ташқарисидан эса кичик кўчалар бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борган.

Тошкент Чор Россияси томонидан босиб олингач, шаҳар дарвозалари ҳукумат кўрсатмасига асосан бузиб ташланган. Шундай бўлса-да, 1865 йилда уларни қайта тиклаш

ПЛАНЪ
ГОР. ТАШКЕНТА ВЪ 1865 Г.



“GUL”LARNING YULINISHI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2001 йил 1 майдаги фармони билан ҳар йилнинг 31 августи Ўзбекистонда “Қатағон Қурбонларини ёд этиш кuni” деб белгиланиши миллатимизнинг энг катта ва энг муқаддас ютуқларидан бири бўлди. Шу фармон туфайли дарёлар олдига қўйилган тўғонлар олиб ташланди, фожиа далилларини яширган пўлат сандиқлар очилди. Халқ мазлум фарзандларининг бегуноҳ, ёруғ, меҳнаткаш, жафокаш, фидойи юзларини кўрди ва бағрига олди.

Мен бу муқаддас кунни ўйлаганимда 1962 йили Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом билан қилган суҳбатим ёдимга тушаверади. Ғафур Ғулом шахсга сиғиниш масаласига қандай қарашимни билгиси келди шекилли, бир маҳал менга қараб:

– Ҳой, сенлар намунча Сталин шахсига ёпишиб олдиларинг? – деб қолди.

– Мен ўзбек зиёлиларининг энг сара гуллари юлиб ташланганини ҳеч кечиролмайман, – дедим.

– Бунда ўзимиз ҳам айбдормиз.

– Тўғри, ўзимиз айбсиз эдик, демайман. Лекин бунда сотқинлик муҳитини яратган сиёсатни айблашимиз керак, – дедим ва биз шу фикрда тўхтадик.

Россияда Пётр I дан бошланган ва “оқ пошшо” – Николайгача давом этиб келган империалистик сиёсат коммунистларнинг “қизил империя”сига мерос бўлиб қолган эди. Империализм аслан ўз қўл остидаги миллатларнинг маданияти юксалишига бефарқ

қаролмайди. Чунки миллий маданият халқни ўзлигини таниш йўлига бошлайди. Уйғонган, ўзлигини таниган миллат эса муқаррар равишда бошқаларга қарамликдан қутулишга ҳаракат қилади.


“Оқпошшо” Россияда инқилобий ҳаракат бутун мамлакатга ёйилиб кетганидан тинчини йўқотиб, 1905 йил 17 октябрида “Давлат идорасини такомиллаштириш тўғрисида” номли Манифестга имзо чекканди. Унда фақат рус халқига эмас, Россияга қарашли барча мамлакатлар, миллатларга ҳам ҳуррият, қонун чиқарувчи Думага сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сўз, матбуот, виждон эркинлиги берилиши баён этилган эди. Шу муносабат билан Империянинг барча минтақаларида, шу жумладан, Туркистонда ҳам дунёвий ва диний ҳақ-ҳуқуқларни тиклаш ҳаракатлари бошланиб кетган, Николай тахтдан йўқитилгандан кейин Керенский бошлиқ Муваққат ҳукумат ҳам, ундан сўнг зўрлик билан ҳокимиятни эгаллаган “болшавойлар” ҳам миллатларга “ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш” ҳуқуқини эътироф этган эди. Аммо шу қонунлар асосида Қўқонда “Туркистон Мухторияти” тузилганда уни қонга ботиришган.

Ленин-Сталин бошчилигида тузилган янги Совет ҳокимияти эса, ўзини саводхон, маданиятли халқ ўстиришга интилаётгандай кўрсатар, аммо маълум бир чегарадан ўтишига йўл қўймас эди. Айтайлик, динни ва тарихий адабиётни – Бухорий

ёки Замаҳшарийни, Фарғоний, Мотуридий, Марғилоний ва ёки Қуръонни ўқитиш у ёқда турсин, уларнинг номларини ҳам тилга олдирмас эди. Агар Навоий асарларини чиқарадиган бўлсак, энг олдин китобдаги Оллоҳга, Пайғамбарларга, халифаларга, замон шоҳларига оид қисмлари олиб ташланарди. Бу ҳам ҳолва. Бу ҳокимият ўзи тузган конституциялар асосида ишловчи, ижод қилувчи, бунёдкорлик йўлидаги одамларни ҳам, сал-пал ўзини таний бошлаши билан, қатағон қилишни бошлаб юборар, буни асло тўхтатмас эди. 1917-1991 йиллар орасида, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни ҳисобга қўшмаганда ҳам, Ўзбекистонда 500 мингдан ортиқ фуқаро йўқ қилинди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби буюқ адабий сиймолар, Бехбудий, Мунаввар Қори, Боту, Ғулом Зафарий, Тавалло, Элбек, Саид Ахрорий сингари “жадид адабиёти”нинг забардаст вакиллари отиб ташланди. Мақсуд Шайхзода, Миркарим Осим, Ҳамид Сулаймон, Усмон Носир, Миртемир, Шухрат, Шукрулло каби ижодкорлар ҳам жазо лагерларига юборилди. Буларнинг қаторида ҳеч қандай айби исботланмаган қанча-қанча хотин-қизлар, ёшлар, турли уюшмаларнинг ходимлари ҳам борлиги одамнинг юрагини ачиштиради. Аммо энг ҳайратланарлиси, қанча-қанча ўқитувчилар, тарбиячилар ҳам қатағонга олинган.

Биргина мисол келтириб ўтишни истар эдим. 1936 йили Бухоро шаҳридаги бир мактабнинг



адабиёт ўқитувчиси Баҳодир Абдуллаев “Қизил Ўзбекистон” газетасида Абдурауф Фитратнинг 50 йиллиги нишонланиши тўғрисидаги бир хабарни ўқийди ва “Мактабимизда шоир билан учрашув ўтказсак бўлмасмикин?” деган фикр уйғониб, мактаб директориغا маслаҳат солади ва улар мактабда Фитрат билан учрашув ўтказадилар. Жуда оддий ва табиий воқеа: мактаб саҳнасида ўқувчиларнинг чиқишлари, болалар ва шоир ўртасида савол-жавоблар, табрик совғалари...

1937 йил 14 апрелда Фитрат қамоққа олинади, сўнг уни таниган, билган одамлар қатағон қилина бошлайди. Шу сирада Баҳодир Абдуллаев ҳам олиб кетилади. У қандай айби борлигини билмайди. Терговчи мактабда Фитрат билан қилган учрашувларини суриштиради. Баҳодир учрашув бўлганини инкор этмайди. Терговчи Фитрат-


нинг халқ душмани ва чет эл жосу-си сифатида қамоққа олинганини айтади. Аммо Баҳодир бу гапга ишонмайди. “Ёлғон!” дейди у. “Фитрат – ташқи ишлар вазири, маориф вазири, халқ хўжалиги кенга-шининг раиси. Марказий ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари. Шундай арбоб ҳақида провака-цион гаплар тарқатишга уялмай-сизми?” дейди. “Шундай эди... эди.. Ҳозир қамоқда. Сенга ўхшаб тергов беряпти” дейди терговчи. “Ўтган йили Москвадаги Марказий Шарқ нашриётида араб алифбоси-да “Қиёмат” ҳикояси босилган эди. Бу йил яқингинада “Қиёмат” Тош-кентда рус тилида, қозоқ, уйғур, тожик тилларида нашр қилинди. Агар у халқ душмани бўлса шун-ча тилда чиқармиди?” деб ҳамон терговчининг гапларига ишон-майди Баҳодир. “Фитрат ҳақида шунча кўп маълумот биларкан-сан. Учрашувдан кейин Фитрат-

мактабдан дарров кетгани йўқ”, – дейди терговчи. “Тўғри, – дейди Баҳодир, – биз унга мактаб кутуб-хонаси, биология ва математика залларимизни кўрсатдик”. “Сизлар мактабда аксилинқилобий тўғарак тузгансизлар. Бу шундоқ кўриниб турган нарса-ку!” деб терговчи уни айблайверади. Ҳеч қандай айбини исботлай олмагач, унинг тақдирини УЧЛИК ҳукмига ҳавола қиладилар. УЧЛИК 1938 йил 28 февралда Баҳодирни 58-модданинг 10-пункти бўйича 10 йил қамоққа ҳукм қилади ва жазо муҳлатини ахлоқ тузатиш меҳнат лагерида ўтказишни белги-лайди. Баҳодирни – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчини, Оқ денгиз яқинидаги Онега шаҳри ла-герида жўнатадилар. У ерда темир йўл қурилиши соҳасида қора ишчи, янада аниқроғи, замбилғалтақда тош ташувчи бўлиб ишлайди. 10 йил қуллик хизматини ўтаб, 1947 йил 17 сентябрда она шаҳри Бухо-рога қайтиб келади.

Баҳодир Абдуллаев Москвага хат ёзиб, 1937 йилги суд ҳукми ноҳақ бўлганини ва ҳукм қайта кўрилишини талаб қилади. Хат кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Адлия вазирлигига юборилади. Вазирлик хатни судда кўриб чиқишни Бухоро вилоят судига топширади. Бухоро вилоят суди 1956 йил 17 май куни масалани кўриб чиқиб, уни қамаш учун ҳеч қандай асос бўлмаганлигини кўрсатиб, аввалги суд қарорини бекор қилади ва унинг муаллимлик иш стажи тикланади.

Биз оддий бир ўқитувчининг қисматида оид биргина ҳужжатни келтирдик. Бу ҳужжатларни унинг ўғли Улуғбек Абдуллаев берди ва мен Улуғбек Абдуллаевнинг ғояси билан бир бадийий фильм сценарийси ёздим. Бизнинг қатағонга учраган қурбонларимиз ҳақида ҳали юзларча асарлар ёзилишига гумоним йўқ. Бунинг учун бизга ўнлаб етук ёзувчилар керак. Улар, албатта, етишиб чиқади, деб ўйлайман. Бунинг учун биз суянишимиз мумкин бўлган “Қатағон қурбонларини ёд этиш тўғрисида” Президентимизнинг Фармони бор.

Мирализ АЪЗАМ



Абдусайд КҮЧИМОВ

Itixordan yetdi boshim osmonga

(“Япон дафтари” туркумидан)

ХАЗРАТ

Сока университетидаги
Алишер Навоий хайкали пойида

Ҳазрат!
Беш асрдан ошибди, ҳамон
Қалбга нур, дилга завқ, бошида соясиз.
Халқимни танисин, билсин, деб жаҳон
Дунёга ўзбекнинг номин ёясиз.

Бир қўлда газалу бирида ҳасса,
Сока майдонида турибсиз ўктам.
Қуллук қилаётир Токио пастда
Таъзим қилаётир мағрур тоғлар ҳам.

Ҳазрат!
Олис юрtdа камтар бўйингиз
Чўққидай улугвор, қоядай кўркам.
Илло, кўёшга эш орзу-ўйингиз,
Сакура гулидек безубор, бекам.

Жумлаю жаҳонда топмоқда эъоз,
Сиз яратган ўтли, муҳташам байтлар.
Асли, ҳар мисрангиз хайкалдир мумтоз,
Асли, ҳар сўзингиз табаррук хайкал.

Ҳазрат!
Осиёдан Амриқо қадар
Элу элатларнинг ардоғидасиз.
Бири “устоз”, деса, бири дер – “падар”,
Миллиард нигоҳларнинг қароғидасиз.

Бугун қай бир ўлка, қай элга борсам
Иззат-эҳтиромлар билмас ниҳоя.
“Алишер Навоий бобомдир”, десам,
“Бобомиз бўлади”, десам, кифоя.

Ҳазрат!
“Кодзика”*ю “Манъёсю”** каби
Бугун ардоқлисиз ҳар бир японга.
Уларнинг меҳридан титради қалбим,
Ифтихордан етди бошим осмонга.

Битта шеърингизга арзигулик иш
Қила олса эди ҳар битта ўзбек;
Ватанда қолмасди муаммо, юмуш,
Маишҳури бўлмасди жаҳонда биздек.

Ҳазрат!
Тиним билмай ишлаётирсиз,
Қалбингиз хайрату ҳимматга тўлиқ,
Япон заминидан пойингиз ўтиб,
Таъзимлар қиламан, қиламан қуллук.

Ахир, дунёмиди, кўёшсиз дунё,
Ой ботган оқшомлар нақадар мудроқ.
Сиз бизга Ой каби азиз доимо,
Сиз бизга Кўёшсиз сероши, порлоқ.

Ҳазрат!
Абадият саҳифасига
Мухрланаётир ўзбекнинг номи.
Бобо, қабул этинг ушбу қасида
Кенжа набиранинг Сизга саломи.

ЯПОН ҚИЗЛАРИГА

Нега қатнашмайсиз,
Нега бормайсиз,
“Дунё маликаси” танловларига?
Ахир, Ой бўласиз, агар борсангиз
“Юлдузман!” деганнинг бари-барига.

Аммо, тонглар отиб, чиққандек кўёш,
Кўринса, ўзбекнинг олма юзлари;
Сизга Ой жамоли бўлгандек йўлдош,
Кўёш бўладилар юртим қизлари.

ХУДО УРГАННИ...

Дейдиларки, Пайгамбар туртар
Ҳассаси-ла, Худо урганни.
Япон, пора олгандан аввал,
Жазолайди пора берганни.

ЯПОНЛАРНИНГ КҮҲНА ҲИТИ

Одам деган, одамга яхшилик қилмоқ керак,
Фақат... кимга яхшилик қилмоқни билмоқ керак.
Яхшилик ҳам бўз ерга қадалган навниҳолдир,
Эккан ҳар туп ниҳолинг гуркираб унмоқ керак.
Заранга дон-дун сепиб, армонда куйганлар кўп,
Ундай ерни, аввало, шудгорлаб, тилмоқ керак.
Билса, холиқ – билмаса, балиқ билади, деган
Соддадиллар устидан мириқиб кулмоқ керак.
Яхшиликка ёмонлик соғинар зотлар ҳам бор,
Бу номардлар сочини битталаб юлмоқ керак.
Дўстман деб, ишончингни талалаган касдан эса,
Илондан қочган қушдай, олисроқ жилмоқ керак.
Тариқдай савобингни тоғ деганлар бағрига,
Дарёдай тўлиб-тошиб, шамолдай елмоқ керак.
Умр нозик мезондир, чирт-чирт узилмай туриб,
Яхшилар қаватида чўққидай турмоқ керак.
Яхшилик ҳам кўёшдир ёғду сочар дилларга,
Бу ҳикматни юракка тумордек илмоқ керак
Ҳамда бобо кўёшдан ҳамшиша олиб улгу,
Яхшилик деб аталган ЮРТ томон юрмоқ керак.
Қиссадан ҳисса – ўша: яхшилик қилмоқ керак,
Фақат... кимга яхшилик қилмоқни билмоқ керак...

ШУЛАРНИ КҮРГАНДА...

Бадавлат икки юрт бўлса жаҳонда,
Уларнинг биттаси сузсиз Япондир.
Бу миллат наъракор баҳри уммонда,
Салтанат яратган аҳли султондир.
Кўкўпар бинолар тоғдек пурвиқор,
Учқур поездлари мисоли ўқдир.
Неники изласанг, бадастур – бисёр,
Ҳеч қайда “йўқ” деган калима йўқдир.
Башанг дўконларда мевалар хол-хол,
Ҳатто тил айланмас номин айтишига.
Битталаб сотилар, аммо помидор,
Доналаб олинар сабзи, картошка.
Кексалар ҳар неда бир ҳикмат пинҳон,
Дейдилар, мен бунга гувоҳман ҳозир.
Бундай нарх-навони кўрганнинг замон
Лабда учуқ тошар, нешонангда тер.
Ё фалак! Бир дон пиёз пулига,
Уреғутда бир хуржун олишинг аён.
Ярим коса бугдой ёки сулидан
Деновда икки қоп жўхори арзон.
Шуларни кўрганда, эй, она Юртим,
Бахт, иқбол то абад ёр бўлсин, дейман.
Жуда бой бўлмасак, бўлмайлик, лекин
Арзончиликларинг бор бўлсин, дейман.

ЯПОН НЕГА ОЙНАК ТАҚАДИ?

Кўёш кўкка кўтарилган он,
Японларга кулиб боқади.
Нурдан кўзи қамашган япон,
Шул боисдан ойнак тақади.

*«Сумимасан» – японча “мени кечиринг”.

КҮҲЧАДАГИ ҚАНГОМА

Японияда бундай ҳол
Содир бўлар камдан-кам.
Учраши амри маҳол
Ойлаб, йиллаб кутсанг ҳам.
Хуллас, ойдин – нимпушти,
Чарақлаган кечада;
Икки мошин туртишиди,
Сочдай текис кўчада.
Ундай бўлса, киройи
Жанжал бўлгандир, дерсиз.
Бири қилич, бирови
Ханжар бўлгандир, дерсиз.
Э-э, биродар, кулоқни
Бошқачароқ “пишинг”.
Воқеанинг давоми
Мана мундоқ, эшитинг:
Ёмғир майин ёғарди,
Бу ёқ – олди куз эди.
Шофёрнинг бири йигит,
Иккинчиси қиз эди.
Қиз мошиндан тушган он,
Мажнунтолдай эгилди.
Йигит ҳам қадди камон,
Қизга етти букилди.
Улар майин-мулойим
Бир нималар дер эди.
Бир-бирига астойдил
“Сумимасан”*, дер эди.
Наздимда, мошинлар ҳам,
Чикқан эди эсидан.
Бир-бирига ёлвориб
Дердилар “сумимасан...”
Бу орада зипиллаб
Етиб келди полислар.
Уловларни ортдилар
Ва кетдилар олислаб.
Шундан сўнг йигит-қиз ҳам
Муродига етдилар.
Кўл ушлашиб, шод-хуррам
Метро сари кетдилар.


ТАРБИЯ

Йиқилсанг, ёрдамга чопар ўша дам,
Аммо фарзандига бундан йўқ нишон.
Юз тубан йиқилиб, йиглаб ётса ҳам,
Ҳеч қачон гўдагин турғизмас япон.
Болакай амаллаб қад ростлаган он,
Бошига кўтарар, эркалар мақтаб,
Бировга зор қолма, дейди ҳеч қачон,
Японча таълим бу – японча мактаб.

* “Кодзика” – қадимги ҳодисалар йилномаси.
** “Манъёсю” – кўп асрлик кўшиқлар тўплами.



YAGONASAN, MUQADDAS VATANIM, SEVGI VA



Энг улуғ, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги кунини муносиб нишонлаш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, қадриятларга садоқат, фахр ва ифтихор ҳиссини шакллантириш йилдан-йилга чиройли тус олиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Қарорда эътироф этилганидек, тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган ҳаётий ҳақиқат баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Маданий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканлиги бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида одамларнинг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши, кўнгил очиши, қувончли кунларини нишонлаши каби қатор тадбирларни ташкил этиши учун замон талаблари даражасида жиҳозланган, юксак савияда маданий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган маданият ва истироҳат боғлари фаолиятида ҳам яққол кўриниб турибди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан “Ягонасан, муқаддас ватаним, севги ва садоқатим сенга



бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган республика семинарида халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражаси юксалаётгани, маҳаллаларнинг ободлиги, турмуш фаровонлиги тобора ортаётгани, аҳолига мазмунли маданий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар амалий ва кўргазмалли тарзда акс эттирилди.

Аҳолининг маданий дам олиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратишга “Соғлом бола йили” давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қисқа муддатлар ичида маданият ва истироҳат боғлари замон талаблари асосида қайта ташкил этилмоқда.


Мазкур қарорга асосан 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида қабул қилинган дастурга кўра 2015 йил якунигача маданият ва истироҳат боғларининг сони 225 тага етиши кўзда тутилган.

Маданият ва истироҳат боғларида ўртача 8 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Дастурда белгиланган вазифалар якунлангандан сўнг ўн миллионга яқин аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти юзага келади.

Маданият ва истироҳат боғлари нафақат хушманзара ва сўлим маскан, балки аҳоли, айниқса, ёш авлод мириқиб дам оладиган, маданий ҳордиқ чиқариб, жисмонан чиниқадиған, интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиған мажмуага айланади.

“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остидаги

SADOQATIM SENGGA BAXSHIDA, GO'ZAL O'ZBEKISTONIM!



республика амалий-кўргазмали тадбири Мустақиллик байрами арафасида истироҳат боғлари ва хиёбонларда халқ сайллари, концерт дастурлари ҳамда бошқа маданий-маърифий ва спорт тадбирларини юқори даражада ташкил этишдаги намунали тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган.

Пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган амалий кўргазмали семинарда вазирликнинг худудий бошқармалари бошлиқлари, театрлар, музейлар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Ҳожиматов очиб берди ва вилоятлардаги бошқарма бошлиқлари, маданият ва истироҳат масканлари раҳбарларига керакли тавсия ва кўрсатмалар берди.

Семинар иштирокчилари маданият ва истироҳат боғларида янги шакл ҳамда услубдаги маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, томоша майдонлари ва амфитеатрларда мумтоз, эстрада, фольклор йўналишларидаги концерт дастурларининг намоиши, аҳолига кўрсатиладиган сервис хизматининг турларини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан амалий ва кўргазмали тарзда танишдилар.

Амалий-кўргазмали семинарнинг айнан Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилиши бежиз эмас. 22 гектар майдонни эгаллаган мазкур истироҳат боғида 2 та кўл, 2 та қайиқлар бекати, 60 дан ортиқ аттракцион, 3 та маданий тадбир ўтказиш сахнаси ва 2 та спорт майдончаси, компьютер ўйинлари хонаси, фотостудия ва бошқа имкониятлар мавжуд бўлиб, аҳолига замон талаблари даражасида юқори даражада маданий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, мазкур маданият ва истироҳат боғи Республика миқёсида ўтказиладиган кўплаб маънавий-маърифий тадбирларга мезбонлик қилади. Турли байрамлар ва сайиллар намунали тарзда ташкил

этилади. Фаолият юритаётган бадий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар қатнашчилари томонидан ҳар куни концерт дастурлари намоиш этиб келинаётгани ҳам аҳолига байрамона кайфият улашмоқда. Боғдаги махсус курс, спорт тўгараклари ва ҳаваскорлик ижодий жамоаларига мингдан ортиқ доимий иштирокчи жалб қилинган.

Амалий-кўргазмали семинар қатнашчилари Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида намунали тарзда ўтказилган халқ сайли – қадимий халқ кўшиқлари ижроси, фольклор ва болалар жамоалари, кўғирчоқ театри, эстрада хонандалари, ёш спортчиларнинг чиқишлари, ёш дизайнерларнинг либослар кўргазмаси намоиши, “Биз – мустақиллик болаларимиз” мавзусида асфальтга расм чизиш кўриктанловида бевосита иштирок этдилар.

Халқ сайли доирасида оилавий тадбиркорлар ва касаначиларнинг бадий хунармандчилик ишлари бўйича кўргазмалар, “Китоб савдоси” ва “Кўғирчоқлар дунёси” кўргазма-савдоси ташкил қилинди.

Мазкур тадбир маданият ва истироҳат боғлари шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк бағишлаш билан бирга байраму сайиллар, маданий тадбирлар ўтказиш баробарида одамлар кайфиятига таъсир қиладиган маданият, мафкура ўчоғи ҳисобланишини яна бир қарра исботлади.

Машраб НУРИНБОЕВ





“YAGONASAN, MUQADDAS VATAN!”

Ватан ҳақида куйлаш, ватанни мадҳ этиш кўнгилга сурур, фахр ва ифтихор ҳиссини бахш этади. Бу шараф, бу шон куйлагучини ҳам юксалтиради. Зеро, гўзал она-табиатни, минг-минг йиллик тарихга эга азиз гўшаларни, поёнсиз кенгликлару тўрт фасли ҳам тароват ёғдириб турган бу заминни мадҳ этмасликнинг иложи йўқ.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мухтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч-

ғайрати ва салоҳиятини яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига йўналтириш, иқтидорини рағбатлантириш, баркамол инсон бўлиб етишишлари учун катта имкониятлар яратилди.

Агар мустақиллик йилларида ижодкор ва иқтидорли ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитларга назар солсак, асрларга тенг бунёдкорлик фаолияти кўз олдимизда гавдаланади.

Маданият ва санъат соҳасида ижод йўлини тутган ёш авлоднинг иқтидорларини ривожлантириш, ижодларини кенг оммага жалб этишлари учун шароит яратиш мақсадида барпо этилаётган ва энг замонавий тарзда жиҳозланаётган маданият масканлари, мусиқа мактаблари, шунингдек, кенг миқёсда ўтказилаётган қатор фестиваллар, кўрик-танловлар бунинг яққол мисолидир.

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида олийжаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш баробарида кўпгина санъаткор ёшларни

кашф этишда ҳам муҳим ўрин тутиб келяпти.

Ўтган йилларда танловда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб ва совриндорликни қўлга киритган санъаткорлар бугунги кунда миллий, мумтоз ва жаҳон мусиқаси ҳамда эстрада санъатини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ҳудудий босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 3912 нафар иштирокчилар ва 38 та жамоа қатнашиб, шундан 54 нафар хонанда ҳамда 2 та жамоа иқтидорли ижодкорлари республика саралаш босқичига тавсия этилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъаналар залида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги республика босқичи бўлиб ўтди.

– Ватан олдидаги масъулият инсоннинг ўз ота-онаси, фарзандлари, оиласи олдидаги масъуллик сингари долзарбдир. Ҳар ким бу масъулликни ўз фаолияти даражасида зиммасига олади. Бугунги “Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори билан ўтказилаётган танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги якуний босқичи қатнашчиларига омад тилаб, Ватан хизматиغا камарбасталиқдан ҳеч қачон чарчамайлик, демоқчиман, – деди тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги олдидан Ўзбекистон давлат Консерваториясида бўлиб ўтган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги республика босқичида беллашиш имкониятини қўлга


киритган иштирокчилар чиқишларидаги мусиқа, ижро маҳорати, матн мазмуни, либослар ва сахна маданияти сингари жиҳатларни Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ артисти Аваз Ражабов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоир Қўзиевлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар. Ҳакамларнинг хулосаларига кўра, Серижон Жонаҳмедов (Навоий вилояти), Сададдин Сапаев (Қорақалпоғистон Республикаси), Дилдора Мирсодиқова (Тошкент шаҳри) биринчи ўринга лойиқ кўрилдилар. Иккинчи ўрин Маъсума Болтабоева (Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри), Шаҳноза Рашидова (Сурхондарё вилояти), “Анор” ашула ва рақс ансамбли (Фарғона вилояти) ижрочиларига насиб этди. Учинчи ўринга Хуршид Гадов (Самарқанд вилояти), Дилфуза Қобилова (Бухоро вилояти), Дилобар Рўзметова ва Назира Юсупова (Хоразм) сазовор бўлишди.

Шунингдек, вазирликнинг фахрий ёрлиқларига Алпомиш Муллаёров, Ойгул Ҳалилова, Сурайё Тошпўлатова, Азиз Бобоев, Ҳамидулла Убайдуллаев, Холмурод Холиқов, Баходир Ботиров, Камолбой Алимбоев, Динора Ҳусайнова, Комрон Отажонов сингари ижрочилар муносиб кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ташкилотлар “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловида ҳар йили намунали иштирок этиб келади. Хусусан, 2013 йилги кўрик-танловнинг Республика якунловчи босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмонов биринчи, Сарвиноз Аннақулова иккинчи ўринга сазовор бўлишган эди. Бу йилги ғолиблар ҳам диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланиш билан бирга “Ягонасан, муқаддас Ватан” республика кўрик-танловининг якуний босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови ёш истеъдод эгаларининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган ирода ва имон-этиқодини мустаҳкамлаш, она Ўзбекистонимизни улуғлашга хизмат қиладиган асарларини кенг оммага намойиш этишларида катта сахна вазифасини ўтайди.

ХОНИМОЙ



Idrok qilish zaruriyati



Ёшларни баркамол, соғлом фикрли этиб тарбиялаш келажаги учун қайғурган ҳар бир миллатнинг муқаддас бурчидир. Хусусан, ўзбек ёшларининг ўсмирлик чоғида турли ёт ғоялардан холи, миллий урф-одатлар ва юксак маънавий-маданий қарашлар эгаси бўлиб улғайишида тўғри ва нотўғри – оқу қоранинг фарқини англаши жуда муҳим. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “оммавий маданият”нинг хавфи ва унинг миллий маданият ривожига салбий таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратади ва уни тўғри англаш масаласини илгари суради. Негаки, баъзан “оммавий маданият” тушунчасига бирёқлама ёндашув кузатилмоқда. Мисол учун, урф-одатлар, мусиқа, кино, театр, мусаввирлик каби санъат соҳаларидаги оммавий элементларни “оммавий маданият” намунаси сифатида тақдим қилишга мойиллик кучайди. Ваҳоланки, одатлар ва санъат соҳасидаги барча намуналарни бундай тарзда қабул қилиб бўлмайди. Шу маънода, “оммавий маданият” тушунчаси моҳиятини тўғри англаб олиш зарур.

Умуминсоний қадриятлар асосида шаклланган урф-одатлар, санъат соҳасидаги жаҳон классиклари асарларини ўрганиш масаласига “оммавий маданият”нинг кўриниши сифатида қараш мутлақо нотўғри. Негаки, ҳар қандай ижод намунасига унинг яратилишига асос бўлган қонуниятлар асосида қаралиши, улар шу нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Бундан ташқари, баъзилар жамоат учун ёзилган дастурхондаги турли ичимликлар учун мўлжалланган финжон, қадаҳларнинг ишлатилишини ва айнаи давраларга хизматчиларнинг ёлланишини ҳам ғарбнинг салбий таъсири сифатида баҳолашади. Ҳолбуки, XI асрдаёқ Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида юқорида таъкидланган одатларнинг нафосат эканлигини қайд этган. Испан тарихчиси Клавихо ҳам ўз кундаликларида теурий маликаларнинг меҳмондорчиликда фаол иштироки ғоят чиройли одат

эканини ёзиб қолдирган.

Шарқ аёлларининг кийиниш маданиятида миллий одоб меъёрларига монанд оммавийлик ҳам мавжудки, тарихчи Клавихо бу тўғрида ҳам ўз кундалигига ижобий фикрларни битган. Аёлларнинг ўринли пардози, ярашиқли кийими ва юзига тўр ташлаши каби одатлар унинг эътиборини тортган бўлса ажабмас. Абдураззоқ Кошоний (XII аср) “Истилоҳат” асарида шундай дейди: “Билгил, кийинишнинг маъноси бор, у нурни яшириб турувчи пардоздир, кийиниш қанчалик очиқ-сочиқ бўлса, бу нур шунчалик порлайди... Лекин мавриди ва муҳитга қараб кийинишни одат қил”. Айнан шу нуқтада икки нарсага диққат қилиш керак: 1) қаерда қандай кийиниш маданияти; 2) ярашиқсиз кийиниш – “оммавий маданият” элементи. Шу жиҳатдан замонавий ва ўринли кийиниш “оммавий маданият” сирасига кирмайди.

Айримлар мусиқа санъатимиздаги мумтоз асарларни миллий маданият деб ҳисоблаб, бу борадаги мазмунсизликини “оммавий маданият”га дахлдор, деб баҳолайди. Бунда икки йўл “оммавий маданият” иллатидан қутқаради: 1) миллий мусиқа маданиятини чуқур ўрганиш; 2) жаҳон мусиқа маданиятидан баҳраманд бўлиш.

Айтиб ўтиш жоизки, кино санъатимизда ҳам оммавий қадриятлар мавжуд “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Шум бола”, “Сен етим эмассан” каби фильмларимиз миллий киномизнинг юксак намуналаридир. Бу фильмлардаги айрим лавҳаларни “оммавий маданият” намуналари сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки “оммавий маданият”да эгоизм, худбинлик ва тор манфаатдорлик устувор бўлади. Шу маънода кейинги йилларда яратилаётган миллий киноларимизда “оммавий маданият” иллатлари учрамоқда. Масалан, маиший мавзуларга асосланган, кўча-кўйдаги ҳавоий ҳисларга берилиб, оила, фарзанд тушунчаларини қадрламайдиган қаҳрамонлар ижобий образ сифатида тақдим этилмоқда. Бу фильмларни кўрган ёшлар онги саёзлашади, таассурот-туйғулари ўтмаслашади. Таҳлил қилиш, фикрлаш ўрнига кино муаллифларининг хулосаси “ҳазм” қилинади, холос.

Тасвирий санъатимизда бузғунчи ғояларни тасвирлаш ёки миллийликдан холилик мусаввирларимизга ёт тушунчалар ҳисобланади. Бироқ жаҳон классик мусаввирларидан илҳомланиб, ўз ўрнида миллий санъатимизни тарғиб қилиш “оммавий маданият”га дахлдор эмас.


Ҷа'е

Инсон ҳаёти ҳар бир дақиқаси ўлчанган, унумли фойдаланилганида асрларга татиғулик, қадрига етилмаганида эса биргина фойдали фурсатнинг ҳам мазасини бермайдиган, қадри қанчалиги билан ўлчанмайдиган неъмат. Умрини фойдали юмушларга бағишлаган, ҳаёти мазмунига айлантирган кишилар жамиятимиз кўзгусидир. Уларга қўйилган маънавий ҳайкал қалбимизда ҳавас ҳиссини уйғотиб, ўзимизни-да улар каби изланувчан бўлишга ундайди. Узоқ яшаб, ўз босиб ўтган йўлига қараган одам ортида уяладиган тарих кўрмаса, қилган ишларидан аввало ўзининг кўнгли тўлса, бу чин маънода йўлдир.

Таниқли шоир Эшқобил Шукур қаламига мансуб “Йўл” фильми ўзбек адабиёти ихлосмандлари учун ажойиб совға бўлди. “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмаси асосида “Меъмор” студиясида суратга олинган “Йўл” ҳужжатли фильмини улкан адабиётшунос олима, нозиктаъб навоийшунос Суйима Ғаниевага қўйилган маънавий ҳайкал дейиш мумкин.

Фильмда намойиш этилган лавҳалар, олиманинг илм йўлида олиб борган изланишларига берилган чизгилар нафақат Суйима Ғаниева, балки ўзбек адабиёти дарғаларининг барчасига берилган эътироф, олиманинг улуғ замондошлари – бағрикенг Ойбек, билимдон Мақсуд Шайхзода, донишманд Ғафур Ғулом ва бошқалар ҳақидаги ёруғ хотиралари бугунги авлод учун нутилмас ибратдир.

Ушбу фильм бой адабиётимизнинг мунаввар саҳифаларидан ҳикоя қилувчи ўзига хос картиналаридан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Шунингдек, фильм ўз томошабинига умр йўли, кўнгли йўли ва яна кўплаб изланишлардан ҳикоя қилади. Бунинг илғаш учун уни чин дилдан кўриш керак.



Роза ҲАЙИТОВА

Маълум бўладики, оммавийлик ва “оммавий маданият” тушунчаларини тўғри идрок қилиш ҳамда уларни ёшларга аниқ тушунтириб бориш зарурияти олдимиздаги энг долзарб вазифалардандир. Бу вазифани амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

оммавийлик – кенг тус олган ва эътироф этилган анъаналар, одатлар ва қадриятлар;

“оммавий маданият” – тор кўламдаги ва муайян гуруҳга хос одатлар, қилиқлар ва хатти-ҳаракатлар.

Кузатишларга кўра, кейинги пайтларда “оммавий маданият”нинг қуйидаги кўринишлари кўзга ташланмоқда:

а) дунёвий кўриниш – нисбатан ғарбона турмуш тарзини тарғиб қилиш;

б) диний кўриниш – мутаассибона турмуш тарзини олиб киришга уриниш.

Ҳар икки кўринишда ҳам қуйидаги иллатлар мавжуд:

шахсни меъёрсиз индивидуаллаштириш;

шахс онгини манипуляциялаш;

шахснинг юриш-туришини атайин бузиш;

шахсни ўзи мансуб маданият ва жамиятдан ажратиб олиш.

Эътибор берилмайдиган бўлса, “оммавий маданият”нинг асл номи “оломон маданияти”дир. Дунёвий кўринишдаги “оммавий маданият” вакиллари меъёрсиз индивидуал ҳаётни маданият деб ҳисоблайди, диний кўринишдаги “оммавий маданият” намояндалари эса мутаассибона турмуш тарзига урғу беради. Ҳар иккисидан ҳам ҳеч қандай меъёр, оқилона ёндашув тан олинмайди, ўз қарашлари, майлларига тийиқсиз берилиш тарғиб этилади. Қизиғи, атрофдагилардан бу ҳолни сўзсиз қабул қилиш, унинг шароитига ҳеч қандай эъвазсиз мослашиш талаб қилинади. Бу ўртада эса миллий маданиятга зарар етиши мумкин. Шу маънода биз Ғарб ёки Шарқдан келаётган “оммавий маданият” хуржларидан миллий маданиятимизни ҳимоя қилишимиз шарт. Бунинг учун ёшларимиз онгида кучли маънавий-мафкуравий иммунитет ҳосил қилишимиз лозим. Улар жаҳон санъати намуналари, миллий қадриятлар, фалсафий-теологик билим билан улғайган тақдирдагина ёт таъсирларга берилмайди.

Уларни юқоридаги мезонлар асосида тарбиялаш жараёнида миллий маданиятимизнинг қуйидаги жиҳатларига чуқур урғу бериш керак:

ёвузликка қарши эзгулик;

онгсизликка қарши баркамоллик;

жоҳилликка қарши билимдонлик ва ҳ.к.

Тўғри тарбия асносида ёшларни ташаббускор инсонларга айлантириб, уларга суянишимиз ҳам яхши самара беради. Қувонарлиси шундаки, ўсиб келаётган авлод орасида умуминсоний қадриятлар ва “оммавий маданият”нинг фарқини англаб етаётганлар сони борган сари ортиб бормоқда.

Алишер ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон давлат

консерваторияси доценти



Biz orzu qilgan kun

(“Тўй кимнинг орзу-ҳаваси?” мақоласининг мантиқий давоми)

Яқинда қаергадир шошаётганим учун дуч келган машинани тўхтатиб, илиниб олдим. Ҳайдовчи салом беришию, борадиган жойимни узоқ суриштирамай, айтган пулимга рози бўлганигача ёқиб тушди. Машинага ўтирган заҳотим уни дуо қилдим. У раҳмат айтдию, “аравакашлик” қилаётгани шароит тақазосига кўра эканини қистириб ўтди. Мен эса тирикчиликнинг айби йўқ, дедим. Йигитча астойдил кўнглини бўшатгиси келдими, гапга тушиб кетди:

– Яқинда катта харажатга тушдим. Афсуски, сарфлаган пулларим шамолга совурилгандек бўлди. Очиғи – уйлангандим, турмушимиз бўлмади.

– ..?

– Ўзимиз пойтахтга яқин тумандаги қишлоқда турсак ҳам, тўйни шаҳарда – казо-казолар тўй қиладиган тўйхонада ўтказдик. Мана-ман деган артистлардан саккизтаси келди, бир-иккита замонавий гуруҳлар ҳам келди. Ҳар бир тасвирчини “мингта”дан олиб келдик. Ишонасизми, мендақа тўй албоми ҳеч кимда бўлмаган. Биринчи учрашувдан, унаштириш, олди-бердиларгача суратга, видеога олдириб қўйгандик. Албомда, тўй куни экранда улардан фойдаланишди, умуман, тўйимни кино даражасида ишлаб беришди. Уфф...

– Ёш экансизлар, ҳали ҳаммаси изига тушиб, ярашиб кетарсизлар. Турмушда нималар бўлмайди.

– Йўқ, батамом ажрашиб кетдик. Қилган харажатларимизни эсласам...

Оббо, турмуш бузилиб, тақдирлар тир тўзиб турганида харажатларини гапирди-я, бу бола!

– Ёшингиз нечада? – сўрайман ундан.

– Йигирма бирда.

– Жуда ёш экансиз-у уйланиб, ажрашишга ҳам улгурдингизми?

– Ҳамма гап шунда-да. Ота-онамнинг орзу-ҳаваслари деб, эрта уйландим, ўзлари топган қиз ўзларига маъқул бўлмай ажрашдим...

– Харажатларни ҳам орзу-ҳавасларга яраша каттартиргансизлар, энди бирга афсусдасизлар! – беихтиёр аччиқ-аччиқ гапиришга ўтиб кетдим.

– Барибир ачинасизда...

Ҳа, ачинасиз. Ахир, бир умр бахтли бўлиш учун эмас, орзу-ҳавас учун тўй қилгансиз. Энди қилинган харажатларни чўтга ташлаб, жон-жонингиз увишиб

кетяпти, дегим келди. Энди кўза синган, фойдаси йўқ. Нима эмиш, келиннинг болалиқдан тутқаноғи бор экан, биздан яширган эмиш. Тўйдан олдин биргаликда тиббий кўрикдан ўтмадингизми? Ким сизни тиббиёт хулосасисиз никоҳдан ўтказди? Қайси дўхтир “тутқаноқ” қизни соғлом деб хулоса ёзиб берди? Бу масалаларга енгил, шунчаки ишлар деб қараб, тўйнинг дабдабали, фалончидан ўтказиб, янги урфлар кўшиб, тоғора санаб, жиҳоз санаб ўтказишга аҳамият берамиз. Оқибат барбод бўлган тақдирлар қолиб, кетган харажатларга ачинамиз. Ахир тиббий кўрик хулосаси

билан никоҳдан ўтиш масаласи йўлга қўйилганига ўн йилдан ошяпти-ку. Нега кун тартибда турган масалага бармоқ орасидан қараймиз? Қуда томоннинг “тагли-тугли”, “ўзига тўқ” эканини суриштирамизу насл-насаби, уруғини суриштирамаймиз. Шунча гапни ота-онанинг этагига осилиб олган бу болага айтгандан кўра, ушбу мақолада ёзиб, бошқаларга ҳам сабоқ бўлишини истадим.

Яқинда келин туширган бир опахон янги келиннинг удли-шудли, чаққонгина эмаслигидан шикоят қилиб қолди. Ҳали ёш, секин-секин ўрганиб кетади, десам, бошқа масалаларда, гап қайтаришда ёш эмас, ҳар балони билади, ўғлимни мендан совутиб олди, бир жойга борадиган бўлса, тайёр бўлволиб, кейин рухсат сўрайди, пардоз-андозига, сочининг турмагига икки соат вақт сарфлайди, кунора мазаси бўлмай қолади, деб нолий кетди. Ахир ўзингиз эмасми, коллежда ўқийдиган қизни унаштириб келган. Ўқиши тугаган куни тушириб оламан, деб, қудаларни шоширган. Тўй куни келиним эмас, қизларим қаторида қизим бўлдингиз деб, фотиҳа берган. У ҳали оқ-қорани билмайдиган гўдак-ку. Мактабни тугатиб коллежда ўқиган, коллеждан сизнинг хонадонингизга келган, ўзингиз шундай бўлишини истадингиз, энди ўзингиз йўлга солинг. Хонадонингизнинг паст-баландини тушунтиринг. Қизларингиз қаторида қизим дедингиз, энди қайноналикни оналикка айлантингиз. Қизингиз мазам йўқ деса, пешонасини силайсизми, келинга ҳам шундай бўлинг. Қизингиз пардоз қилса, қараб кўзингиз қувнайдим, келиннинг пардозини ҳам тўғри қабул қилинг. Оилангиз аъналарини унга сингдириб боринг, оилавий ишлар оилада ҳал қилинади, сиз бугун келиннингизни кўчага чиқиб гапиряписизми, эртага у ҳам оилангиз сирини кўчага олиб чиқади...

Мана шунақа, орзу-ҳавасли, дабдабали тўй қилишга ошиқамизу бошқа масалаларни тўйдан кейин ўйлаб, бошимизни чангаллаймиз. Тўйгача эса келин томондан келадиган жиҳозлар, тўйолди тадбирларидеги олди-бердилар қизиқтиради, холос. Аччиқ бўлса ҳам рост гап-ку, келин келадиган уйни йиғиштириб, бўшатиб, жиҳоз кутишимиз, мол ёярда, оқ ўрарда, келинсалому чалларларда кўша-кўша тоғорали қудаларни кутишимиз...

Биз фарзандларимизни ориятли, ҳамиятли, ғурурли қилиб тарбиялашга кўп аҳамият берамиз. Бироқ мана шу келин томонидан келадиган сарпо-суруқ, катта-кичик жиҳоз масаласида ориятни йиғиштириб қўямиз. Келган-кетганга мақтаниб ҳам қўямиз, қуданинг буюмлари билан. Сал дидимиздагидай мебел бўлмаса, бирор жиҳози кам бўлса, ҳайитда, бешик тўйда олиб келишар, деб умид қиламиз. Биз умид билан ўғил ўстирдикми, уни ориятли қилиб тарбияладикми, ўзи яшайдиган уйни ўзи жиҳозлашга ўргатайлик. Сал жиҳозлатли бўлса ҳам, нега сен ухлайдиган ётоқ мебелни қайнотанг олиб бериши керак, деб уқтирайлик. Кинолардан ҳаётга, ҳаётдан киноларга кўчиб юрган бачки одатларимизни тарк этиш пайти келмадимикан?! Турмуш икир-чикирларидан катта муаммоларга айланаётган, оилалар бузилиб, тақдирлар пароканда бўлишига олиб келадиган “урф”ларимиздан воз кечайлик. Нега бечора қиз берган томон олган нарсалари қудаларга маъқул бўлармикан, деб юрак ҳовучлаб туриши керак. Энг ақлга сиғмайдиган томони – нега бизнинг наслимиз давомчиси дунёга келса, келиннинг ота-онаси бешик тўйи ўтказиб бериши керак? Фарзандни дунёга келтирган ота қайнотаси олиб келган аравача, бешик, етти ёшгача етадиган кийим-кечакдан тортиб, чақалоқнинг сўғичигача қабул қилиб олиши керак. Бир бешик тўйда бешикни чақалоқнинг отаси кўтариб уйга олиб кирсин, деб ирим қилишди. Нега чақалоқни дунёга келтирган ота кийинтириши керак, караватию, аравасини ўзи олиб бериши керак, деб ирим қилишмайди? Бола учун келиннинг ота-онасидан кўра кўпроқ йигитнинг ўзи масъул эмасми? Яқинда бир тўйда тўй бошловчи қудаларни ўртага чақириб, йигитнинг онасига қараб: “Илоҳим, яқин йилларда невараларингиз кўп бўлиб, сиз катта бир боғчанинг мудирасига, қудангиз эса хўжалик мудирига айлансин...” деб тилак билдирди. Тилакнинг ижтимоийлашганини қаранг! Шу оила мустаҳкам бўлсин, серфарзанд, сердавлат бўлсин, ота-онасининг, эл-юртининг хизматини қилсин, дегич тилаклар манфаатларнинг соясида қолиб кетдими?

Бир куни ўз ташвишларим билан бозорга тушиб, айланиб юриб чарчадим ва бир дўконда бўш жойга ўтириб олдим. Дўкон эгаси: “Опа, чарчаб қолибсиз, серташвиш кўринасиз, қиз узатишингиз керакми?” деб ҳол сўради. Ҳайрон бўлдим – қиз узатадиган она ёруғ-ёруғ орзулар билан, чиройли кайфиятда бўлмайдими? Ёки қиз узатадиган оналарда ҳорғин кайфият шаклланиб улгурдими?

Бувим раҳматликнинг сепида бир дона бўз кўйлак бўлган экан. Куёв томонга тўйдан олдин бахмал камзул олиб беринглар деб шарт қўйганда, тўйдан кейин олиб берамиз, деб олиб кетишган экан. Шу-шу бувим бахмал камзулга ета олмай оламдан ўтиб кетган экан. Бу ўтган асрнинг гапи. Биз бола кунимизда ҳам катта ёшли опаларнинг тўйларини кузатардик. Қўшнимизнинг кизи тўйдан олдин онасига: “Мени тўртта кўрпача, тўртта кўйлак билан узатаяпсиз, тўйдан кейин олинади деган гапга ишонмайман. Тўйдан кейин опамга олиб бера олмадиларинг-ку”, — деб зорланганини эшитганман. У даврлар меҳнат қилиб, самарасини кўрмайдиган

пайтлар эди. Орадан йигирма беш йилча вақт ўтибди. Ўртада юрт мустақил бўлди. Бу жуда катта гап. Инсон қадри муқаддас эканини, меҳнат қилган одам роҳатини ҳам кўриши мумкинлигини қисқа вақтларда англаб етдик. Мустақиллик йиллари онгимизни, яшаш тарзимизни ўзгартирди. Қарз-ҳавола қилиб, етар-етмас яшашдан тўкин ва тўкис яшашга ўтдик. Эгнимиз бутун, қорнимиз тўқ, қаддимиз тик. Асли биз орзу қилган кунлар келганини ҳис қилдик. Халқимиз жафокаш, меҳнаткаш деган номдан бунёдкорга, тадбиркорга айланди. Катта-катта ўзгаришларга кўзимиз кўнқиди. Энди беш-олти ёшли фарзандларимиз чемпион, энди юрт номидан фахрлана оламиз. Боболаримиз, ота-оналаримиз, ўзимиз ҳам шу кунларни ич-ичдан орзу қилмаганмидик. Бугун бахмал камзулнинг минг тури бор, бироқ бувим йўқ... Истаган кийимни истаган вақтда топиб кия оламиз, опаларимизнинг эскисини йил санаб кутмаймиз. Бу қиёсий гапларни нега келтираяпман, тўкинликнинг қадрига етайлик, демоқчиман. Тўқликка шўхлик қилмайлик. Олтита қудани ўнта тоғора билан кутиш, қўша-қўша сарпо-суруқларни кўз-кўз қилиш ўрнига фарзандларимизнинг саломатлигига, билим олишига, спорт билан шуғулланишига аҳамият берайлик. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Ҳар қадамда спорт мажмуалари, стадионларга кўзимиз тушади.

Ҳозир тўйлар мавсуми. Унда-бунда тўйхоналардан карнай-сурнай овози келиб қолади. Яхши бўлди-да, шу тўйхоналар. Тўй эгаси тўрт томонга чопиб, идиш йиғмайди, стол-стул, қозон-ўчоқ ташимайди, меҳмонларнинг бирини кутиб, бирини кузатгунча тўй тугаб турмайди. Тўйхона олдида қўлини кўксига қўйиб, барчани баробар меҳмон қилади. Шу ўйларда бир тўйга кириб борар эканман, катта машинанинг крани билан юқоридан тўйхонани тасвирга олишаётганини кўрдим. Бутун киностудияни бошлаб келишганми, деб ҳайрон бўлиб қўйдим. Шу ўринда тасвирчи ва сураткашлар ҳақида икки оғиз. Тўй куни, тўйгача келин-куёв улар етовида суратга тушиб, шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларида айланиб келишади. Тўй албомини улар истагича шаклланади. Нега?! Келиннинг елкасидан ушлаб тушинг, келиннинг қўлидан ўпиб тушинг... Бу суратларни иккала томоннинг ота-оналари, келажакда фарзандлари томоша қилади. Андишанинг байроғи сценарий бузилмасин, деб шарт қўяётган сураткашларнинг оёғи остида қолиб кетдими? Майли, ҳар ким ўз истагича, орзу-ҳавасига яраша тўй қилади. Бироқ бу бунёд бўлаётган оилаларнинг келажаги, бахтига дахл қилмаса бўлди. Орзу-ҳавас баъзан каттариб, баъзан бачканалашиб тараққиётга тўсиқ бўлмаса бас. Бунда орзу билан кибрни, бировдан кам бўлмасликни ярашса-ярашмаса бировдан устунлик билан алмаштириб қўймасликка эътибор қаратиш лозим. Бизнинг жамиятимизда оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар саломатлиги энг муҳим масала. Шунчаки, қонун-қоидаларга амал қилиб, эрта турмуш қуришнинг олдини олсак, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш масалаларига жиддий аҳамият берсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Куюнчак она

CHECHAN AУТИМЧИ



“Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги”да ёзилишича, халқда “лапар”, “ўлан” тарзида ҳам қўлланилувчи “айтишув” ўзбек халқининг чинакам ижодий даҳосини кўрсатадиган фолклор жанридир. Халқ оғзаки ижодининг бу жанри элибой ўзбеклар бадий тафаккури тараққиётида азал-азалдан муҳим ўрин тутиб келган. XX асрнинг 60-йилларига қадар ҳам келин тўйларида айтишувлар бўлганига ўзимиз ҳам таниғмиз. Айтишувнинг бошқа фолклор жанрларидан фарқ қиладиган асосий жиҳати, у асосан ижро кечимининг ўзида яратилиб, лапарчидан улкан поэтик истеъдод ва топқирлик талаб этади. Иштихон туманига қарашли Қўлота сойидаги Қонжиғали қишлоғида яшаб ўтган Карим Мирзакул ўғли (1863-1923) ана шундай фазилятларга эга ўланчи ижодкор бўлган.

Асосан келин тўйларида ижро этилган ўлан “терма ўлан” ва “айтишув ўлан” каби икки турга бўлинган. Терма ўлан – олдиндан айтиб келинган айтимларни ёдлаб ўз ўрнида ишлата билиш талаб этиладиган айтишув тури. Айтишув ўлан – айтишиш жараёнининг ўзида яратилиши лозим бўлиб, “ғойим ўлан”, “жумбоқ ўлан” сингари икки турга бўлинган. Ботирлар авлодидан келиб чиққан Карим ўланчи даврининг етук ижодкори бўлиб, ўланнинг барча уч турида ҳам бирдай айта олган. Ғойим ўланда тўғридан-тўғри ўланчининг шахси, жисми, зоти, сифатига доир жиҳатлар қўшиққа солиниши кўзда тутилади. Айтишув жанрининг энг қийин тури жумбоқ ўлан бўлиб, унда рақиб – “ҳарипбоз”дан олдига қўйилган муаммони мантиқли ечиш ва жозибали ифодалаб бериш талаб қилинади.

Ун саккиз-йигирма ёшларида ўта ҳозиржавоб ва топқир, яъни сувориб-солма ўланчи бўлиб етишган Карим Мирзакул ўғли фаолиятидаги яна бир жиҳат эътиборга лойиқки, у қозоқ ва қорақалпоқ айтимчилари билан ҳам беллашиб, ҳамisha ғолиб келган. Манбаларда келтирилишича, ўша пайтлар ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ айтимчилари ҳар уч халққа мансуб

тингловчилар бемалол тушуна оладиган ўртоқ бир тилда ижод қилишган. Карим ўланчидан қулоқма-қулоқ етиб келган айтим намуналарда бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Этнограф олим Холмирза Ўроқов Карим бахшининг ўғли Норжигит бободан ёзиб олган хотирада ўланчи шундай эсланади: “Кўп ўланчилар билан айтишдим, лекин ҳеч юрагимнинг чери (ғубори) ёзилмади. Кўп қишлоқларга бордим, дostonчи, термачи, ўланчилар билан айтишдим, аммо бахшилардан Жуманбулбулдан, ўланчилардан Улбошдан ўтарини кўрмадим.

Арпа ўроққа келган маҳали эди. Бир куни эрта туриб, арпа ўргани чиқдим. Қуёш кўтарилиб, катта чошгоҳда уч-тўрт отлиқ келаверди. Яқинлашгач, уларнинг Кўлота қишлоғидан эканини кўрдим. Қишлоқдошларим Ғўжим қишлоғидаги келин тўйига машҳур қозоқ ўланчиси Улбош келишини, мени у билан айтиштирмоқчи эканликларини билдиришди. Бу гапни эшитиб, ичим қизиди, уйга ҳам бормасдан, тойимни миниб, уларга эргашдим. Кеч бўлганда, тўйхонага кириб бордик. Бу тўйда Улбош билан ўлан айтишиб черим чиққандай бўлди. У пайтда йигирма беш ёшда эдим.

Олти қанотли оқ ўтовнинг ўртасидан кийгиз парда тортилган эди. Тўрда эркак, эшик тарафда аёл ўланчилар ўтиришарди. Мен бир чеккада чўкка тушиб ўтирдим. Кўп ўтмасдан, тўрдан бир чол ўлан бошлади. Кийгиз парда кўтарилиб, аёл ўланчилар кўринди. Уларнинг бошлиғи номи кетган Улбош ўланчи эди.

Улбош қўнғироқдек жаранглаган товуши, селдай қўйилиб келаётган ўланлари билан ҳаммани ўзига қаратди. Сал ўтмай, чол ўланчи қизга бас келолмай қолди. Улбош эса, борган сари қайнар эди. Чол охири енгилганини тан олиб, Улбошга қараб: “Болам, сенга мен гап топиб бера олмайман, илоҳа, мартабанг улуг бўлсин!” – деб енгилган ўланчилар одати бўйича қоқиниб, силкиниб лали қилди.

Улбош жумбоқ ўлан тўқишга уста экан. Улбошнинг чолга айтган жумбоқ ўланларига мен ичимда жавоб топиб боравердим. Чол ўланчи енгилгач, зардам қайнаб титроқ босди, чидаб туришга кучим етмай, юрагимга селдай қўйилиб келаётган сўзларни тўхтатолмай қолдим. Шу айтишгандан Улбош иккимиз тун оғиб, тонг бўзарганча айтишдик.

Улбош охири енгилганини тан олиб, ўрнидан турди. Қоқиниб, силкиниб, бўйнидан бир тизим мунчоғи, қўлидан битта узуги ва беш-олти рўмолчани лаганга солиб, менинг олдимга келтириб қўйди, елкамга тўн ёпди”.

Қуйида Карим Мирзақул ўғлининг Улбош билан айтишуvidан айрим намуналар берилади:

Карим – Оқ олма, қизил олма нор деганга,
Ақлим ҳайрон қолади ёр деганга.
Олисдан от чоптириб келиб эдик,
Шул тўйда бир оқинқиз бор деганга.
(жавоб йўқ).

Карим – Қўлотанинг йўллари қалин тарвуз,
Қалин тарвуз ўзимга маълум тарвуз.
Айтишсанг, айтишаман ҳарипбозим,
Айтишмасанг кетаман уйим ёлғиз.
(жавоб йўқ).

Карим – Кўпқарига чопганим қуралай – кўк,
Ағдарилиб чопаман айиллим берк.
Айтишсанг айтишаман ҳарипбозим,
Айтишмасанг омон бўл, ўзингда эрк.

Шундан сўнг Улбош тилга киради:

Улбош – Карим ботир қулоқ сол, иним ботир,
Шамол турса эшигинг шақилдатир.
Акенгди дўлта бўри еб кетибди,
Бир путимон бир қўли сойда ётир.

Карим – Карим ботир қулоқ солар, ининг ботир,
Шамол турса эшигинг шақилдатир.
Акемди дўлта бўри еган бўлса,
Шул танграмнинг ёзгани битик-тақдир.

Улбош – Ой қоронғи кун бўлар, кеча бўлар,
Уйнинг кўрки қиз билан чеча бўлар.
Оқин бўлсанг иркилмай топ сўзимни,
Ўн икки ой жумаси неча бўлар?

Карим – Анов товдинг орқаси Сарсабизди,
Бизнинг элни моллари кўп семизди.
Ўн икки ой жумасин сўрасангиз,
Ўн икки ой жумаси қирқ саккизди.

Улбош – Ўланди айтар бўлсанг кел қошима,
Тақия тикиб берай кал бошинга.
Тикиб берган тақиям ярашмаса,
Қаёзғонинг тўкилар ёнбошинга.

Карим – Ўланди айтар бўлсанг кел қошима,
Тақия тикиб берарсан кал бошима.
Тикиб берган тақиянг кийиб олиб,
Олибгина ётаман ёнбошима.

Улбош уялганидан бир пас жимиб қолади. Шунда Карим ўланчи Улбошни енгилди ҳисоблаб дейди:

Карим – Хайр, хўш бўл, омон бўл, рухсат бизга,
Бошим олиб кетмасман дала-тузга.
Бул кеча кетган билан бир айланиб,
Келамиз янаги йил, яна кузга.

Улбош – Сен дегандан яхшидир сиз дегани,
Қирқ хазинанинг бири қиз дегани.
Ўролинг келган тўйда ўйнада кул,

Ўн икки ойда бир келар куз дегани.

Карим – Ҳарипбозим қўллари узун назик,
Узун назик қўлига тақиб узук.
Ҳар замонда кўз сузиб жилмаяди,
Юрагимга ўт солди берди сезик.

Улбош – Улбош сулув жилмайиб ўлан тузар,
Қиз кўрмаган йигитнинг кўнглин бузар.
Бир қизариб, бир кулиб туришингдан,
Бир шумликни ўйладинг кўнглим сезар.

Карим – Жилқим сойга сиғмайди чибирғон сўнг,
Қобирғада эт қолмас сидирғон сўнг.
Сулувман деб мақтанма бойнинг қизи,
Сендан сулув топилар қидирғон сўнг.

Улбош – Аргимоқнинг боласи ҳоримойди,
Дари дейди юракка соримойди.
Оқин бўлсанг иркилмай топ сўзимни,
Айри куйруқ бир куш бор у нимаиди?

Карим – Холбеканинг тўйида қорним очди,
Кўпқаридан йиқилиб, отим қочди.
Сен мени оқин билиб гап сўрасанг,
Айри куйруқ у қушинг қалдирғочди.

Улбош – Ўлан айтиб тушибсан қара терга,
Қара теринг томчилар тушиб ерга.
Айтишувда ҳоримас, ҳарипбозим,
Ярамадинг бизларга: “Ҳормал!” дерга.

Карим – Қиз айтади қизилни киймадим деб,
Ул айтади жуйруқ от минмадим деб.
Ўролинг келган тўйда ўйнада кул,
Армон қилма айтишиб тўймадим деб.

Айтишув ўлан шу жойга келганда, Улбош жимиб қолади. Сўнг Карим Улбошга уларнинг учрашувига тақдир сабаб бўлганига ишора қилиб:

Бизнинг эллар қайдади,
Қўлотадай қойдади.
Бу ерларга келмасдик,
Тузу дийдор қайдади, –
дейди. Улбошдан яна жавоб бўлмагач:
Айт-айт жоним, айт жоним, тез айтсанго,
Танда жоним қолмади, сўз қотсанго.
Айтишувда ҳоримас, ҳарипбозим,
Вақтинг топиб, олдимга кеп кетсанго, –
деб Улбошни айтишувга чорлайди. Ундан яна садо чикмагач:


Туераймда ўтирган туядай қиз,
Қорни катта кўк-ола биядай қиз.
Сувга борма, қоришқир яралар қиз,
Монғнойинга қарғалар уялар қиз, –
деб ўланини тўхтатади.

Боймирза ЎРОҚОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Ана, бу ёғи кўзёшу томоша! Яъни Раҳбарнинг маййитини олиб келиб, уйини кўрсатамиз-да, кейин юртга олиб кетамиз деб келганлар аҳмоқ бўлганига хуноб, бир хиллари кулгидан туйилиб, елкасидан неча мушт еган, тўрт-беш хотин хурсандликка ўпкаси тўлиб, бошқаттан хувиллаган.

Э-э, хуллас, “нима бўлди-нима қўйди”лардан билишса, Раҳбарни ўлдига чиқарган куёвнинг ўзи, аниқ ўзи эмас-у, “ўзбекский передавай” қилдирган телеграммаси. Раҳбарой юкли экан, ой-куни тўлиб, вақти-соатида туғруқхонага етиб, яна шу вақти-соатида туғиб ҳам берибди. Осонгина! Кўчқордек ўғил. Беш килоларга борар экан. Куёв ўзига сизмай почтахонага чопган, қайнотамнинг бўйнига суюнчини нақд қилиб қўяй деб. Почтачи қизга: “Давай, ёз: “Рабар ул тувди. Учта сўз”, деб буюради. Бўлим почтасида ўтирган бу қиз ўзбекча гапиришни билса ҳам, ўрисчага ўқиган экан, “Как будет по-русски?” деб сўраб.олади. “Қанақа поруский? Ўзбекский передавай. Закон имею права. Учта сўзга, ма-е, уч сўм. Издача не нада. Сенга падарка”, – деб мардлик ҳам қилиб юборади отача. Ўзбек тили ҳақида янги гаплар чиққан вақт, почтачи қиз тумандаги дугонасига уланади: “Зинуля, принимай: “Ра-бар ул тувди”. Зина ўзбекчани янтоққа судраб у-бу гапни англар экан, “Кто, руководитель?”, деб аниқ қайси раҳбарнинг ўлганини билиб олмоқчи ҳам бўлади.. “Что ты мелеш? Это по-узбекски, имя. Жена, наверно. “Ра-бар ул тувди”. Так и передай”, деб изоҳлайди почтачи қиз. “Ладно, Рабар ултувди, так, улувди, мне какая разница”, деб Зинахон эшитганини сал чала қилиб Сирдарёдаги Галяхонга узатади, Галяхон Самарқанддаги Машахонга... шу билан, Раҳбарнинг ўғил туққани ҳақидаги хабар ҳукуматнинг расмий баобрў қоғозида “Рабар улди” деб етиб келган эканда-ей!



Ahmad A'ZAM

Зўр-а! Бунақасини тўқиб бўлмайди, ҳаётнинг ўзи тўқиб қўйган! Яна кўпини айтиб берсам бўлади. Масалан, Маматов Шермат деган физкультура муаллимимиз қаҳратонда Булунғурнинг музини ёриб чўмилар эди, бир куни, дарахтларни булдурик босган саҳарда Самада хола сувга борса, бир яланғоч қизил хўкиз, хўкизнинг кийингани бўлмайди-куя, ишқилиб, дев бир нарса чеккадаги музни қарс-курс синдириб сувга шўнғиб, яна қайтиб чиқибди, пишқирибди. Тагин кампирга кўзи тушиб, уялар эмиш шу қизил хўкиз, кампир ҳам эси тескари, қолишини ҳам, қочишини билмай тураверган. Эҳ-ҳе, кейин қишлоқда туппа-тузук одамларнинг боласи, Самарқандда тўрт йил ўқиб келган, бу ёқда қиз унаштириб қўйилган йигит ёмон бир тузалмас қичмага чалинган, соғ одам шу қорасовуқда сувга тушадими, деб роса гап бўлган. Ҳатто бир-иккита одам ўзи тайёр яланғоч экан, кампир одам – сизга уяти йўқ, яхшилаб қараб, яшириб юрган

кўтирларини кўриб олмабсиз-да, деб Самада холадан койинган ҳам. Кейин келин бўлмиш томон одам қўйиб, кишибилмас пойлатганми ё ўзи тушунтирганми, ишқилиб, сувайиқнинг тўйи ўтди лекин. Тагин, биздан бир синф юқорида ўқийдиган Холбекнинг онаси битта буғалтир билан қочиб кетган. Яхши кўриб қолиш дегани шунақа савил нарса экан, олтига болани онасиз етим қўйиб кетаверган. Ҳа-а, кўнглини худо

Қироқ

Қисса

олсин, бешарм, уяти йўқ, буғалтирнинг ҳам хотинида учта бола қолган. Буғалтир Учқулочдан, бизлар унча танимаймиз, молбозорда даллол ҳам экан, бирон яхши кўрадиган жойи қолмаган шекилли, Холбекнинг онаси икки йилдан кейин қайтиб келиб, яна рўзгорини қилиб кетаверди. Шунча болани бошқага ишониб бўладими, ахир, кейин қайси хотин қарашга рози бўлади, отанинг ҳам бошқа иложи йўқ, кўнган. Бунақа яхши кўришни тушунмаганимиздан, гап очилса, танимасак ҳам учовини бўралаб сўқар эдик. Айниқса Холбекнинг отаси латта экан, ўрнида бўлсак, “Қочиб кетиб, энди нимага келасан? Йўқол, сендақа хотиним йўқ!” деб ҳайдаб юборар эдик-да, ахир. Шунақа гаплар кўп бўлган.

Бизларнинг унча овлоқ эмас-у, ҳар ҳолда шаҳардан олисроқ Ғазирамизда қошига қалин ўсма қўядиган тожик, эрини қаттиқ ушлаган эрони янгалар, икки уй қирим, уч-тўрт уй уфа-татарлар яшарди; яна қачон қаерлардан келиб қолган Иванбово деган ўрис ҳам, учта чўчқаси, иккита хотини билан турарди, биттаси – теракдек дароз Валапа, яъни Валя опа. Атрофдаги бор хотинни шу туғдирган, менинг ҳам киндигимни кесган, у вақтлари туғруқ учун алоҳида улов йўқ, йўлмошинда шаҳарга олиб боришга тўғри келган, Валапа эса доим тайёр момодоя, тўлғоқ тутганинг уйига ўзи бориб, баранчугини туғдирган, киндигини кесган. “Бахтимизга шу Иван билан Валапа ҳам келиб қолган экан”, дейдилар

онам. Валапа киндигини кесган боланинг саноғи йўқ. Иккинчисининг отини билмаймиз, Ненамиди, Варамиди, чўққаларини қайтаришга чиқиб қолганида кўрамиз, мудом уйида, Валапа юриб, рўзгорни бу қилса керак. Иванбогога ўрис бўлгани учун иккита хотин олиш мумкин бўлганми, ё балки бирови хотини, бирови ўзининг ё хотинининг синглиси ё опасидир, лекин бизлар иккови ҳам Иванбогога теккан, деб ўйлар эдик. Чўққа дегани биздаги ҳеч бир ҳайвонга ўхшамайдиган, ҳам қизиқ, ҳам бир кўрқинчли, олабула тўнғиз экан. Булунғурнинг бўйига тушиб қолса, ичига кирмай, ариқ лабини кавлаб хур-хурлаб юрса ҳам ҳайда-ҳайда бўлиб, бир хил одамлар ирганиб, уч-тўрт кунлаб Булунғурдан ичгуликка сув олмас эди. Чўққани талатамиз деб зўр-зўр итларни олиб борамиз, олқишлаймиз. Вафоқулнинг чўпон кучуги бор эди, шу ҳам вовуллаб боради-да, таққа тўхтаб, жойида ириллаб тураверади. Чўққа эса ий-е, менда қанақа иши бор экан деб, кичкина кўзларини ажаблантириб ҳайрон тикилиб қарайди. Бир узоқ қариндошимиз колхоз раиси эди. Иванбогога ҳамсоя, битта ўғли Сардорни нимагадир катта қилишга шуларга берган, ҳалиги думалоқ кампири қараган. Сардор гапига “ну” деб кўшиб гапирар, жуда тоза юрар, бизга ўхшаб эшак минмас эди. Илгари суннат тўйлар ўғил бола тўрт-бешга чиққанда, ишқилиб, мактаб ёшигача қилиниб, катта ўтарди. Менинг тўйимга отам от сўйдирган, ана шу Сардор от гўшти емайман, менга тўғри келмайди, деб туриб олиб, “Во-о, ўрис бўлиб кетибди! Чўққа ейди!” деб роса ҳасадимизни келтирган. Ўшанда ҳам ўрисларнинг бизга ўхшамаган бўлакча бир халқ эканини билиб, от гўштини нимага емай, чўққаникени ейишини тушунмас эдик. Ҳаром бўлса ҳам, бир тишлам еб кўрсакмикан, деб ҳам юрар эдик ўзимиз.

Яна бир Жамила деган қизни ўз фарзандига раҳмсиз ноинсоф отаси саккизинчи синфдан Галатепа деган жойга ёмон бир одамга эрга бериб юборган. Шундай ёш нарсани олгандан кейин яхши одам эмас, ёмон бўлади-да. Лекин, билмадим, ўн йиллардан кейин шекилли, шу Жамилани учратдим, тўрт болали биппа-бинойи хотин бўлиб юрган экан. Укаси Ўрин биз билан ўқиган, уйланганда тўйига борган эдим, шунда кўрдим, лекин ўзгариб кетганимга мени танимади, мактабда гавдам кичкина эди-да. Шуларнинг синфидан Гагарин лақабли Мамарасул Булунғур бандидан сув олиб, секин тепага ўрлайдиган Ровдон ариққа трактор билан ағнаб тушган, нақ йигирма қулоч баланддан! Мактабимизнинг битта “полуторка” билан темиртиш ғилдирак “Универсал” трактори бўлар, гурзавойнинг фақат кабинасида рули билан тахтаси чала кузови қолган, лекин “Универсал”ни чуқиласа, “завадит” бўлар эди. Мамарасул шуни “завадит” қилиб ҳайдаб, Ровдоннинг устидаги йўлда рулни буришга кучи етмай, “Универсал-пуниверсал”и билан қулаб тушган. Худо асрайман деса, ҳеч гап эмас экан, бало ҳам урмаган. Шу билан, Гагарин осмонга, Мамарасул пастга учгани билан бунинг ҳам оти Гагарин бўлиб кетган.

Булунғуримиз бурунлари ҳам онда-сонда одам қақриб турган, лекин биз томонларга ҳам электр

келгандан кейин йилига бир-иккитани тортиб кетадиган бўлиб қолди. Кимдир ток билан балиқ овлашни кўриб келган, уни бошқалар ҳам ўрганган, шу билан балиққа қирон келган, ширмой бечоралар оппоқ қорни билан чаппа оқиб қолаверар экан. Шуни оламан деб бу ёқда ўзи сувга сим тикқани эсида йўқлар... “Чиқаси келса, эгаси бошчи” дегани шудир-да. Ҳа, айтганча, Хурсан пес деган одам бўлар эди, ёши ўттиздан ошган, ҳеч ким қиз бермагани учун бехотин, ўзи пес-мес эмас, бу ҳам трактори билан ёниб кетган, шундан қўллари, бетларида катта-катта, оқ-қора куйиклари бор, тўғри оти Хурсанд, бўжамалигидан одам ирганиб, отини ҳам тўлиқ айтгиси келмас эди. Бу кераги йўқ гап нимага эсимда турибди, ҳайронман. Шунга ҳеч ким қизини бермайди деб ачинганимдан бўлса керак. Қизиқ нарсалардан, Қирим деган жойдан келган эгаси Ридван аканинг Васка деган тўриқ оти бор эди. Бизлар дуо ўқийди деб ўйлардик, кейин ҳўштак чалса, орқа оёғида тик туриб, ўйнаб берарди. Ридван акадан кўрқардик, бирон ёмонлик қилганини эшитмаганмиз-у, лекин гапига ишонмаган одамни тухум туғдириб, ёмон уятга кўяр эди. “Ҳа, шунақами? Ий-э, туғиб қўйдингиз-ку”, деб, қўли билан одамнинг кетидан товўқ тухумини олиб берарди-да. Тухум унинг қўлида қаердан пайдо бўлди, билмай қоласиз. Баҳслашиб, Валибободаги чинорга ўзини оёқ-қўли, ҳамма жойидан арқон билан қаттиқ чандиб боғлатиб, кейин ҳеч ким қарашмаса ҳам бўшалиб олган. Биз кўрмаганмиз, кўрганлардан эшитганмиз, шундан ўзини кўрганда, бу ёққа кел деб қақриб, тухум туғдириб қўйишидан ҳадиксираб, яқинига йўламас эдик. Жинлардан ошноси борлиги ҳам балки ростдир, чунки Қамбаротада анча йилдан бери қуриб ётган қайрағочни қадамжоникни эканидан кўрқмай, эссто деган тракторда тортириб келиб, қишга ўтин қилса ҳам ҳеч нарса урмаган, учинмаган. Яна бир Алим оға деган, Қиримдан Ридван ака билан бирга келганми, йўқми, ишқилиб, битта халқдан, ёши катта киши, мойга ботиб трактор тузатарди, лекин кўчага чиққанда тоза кийинарди, хотини бир мулойим кампир, доим келиб ойим билан гурунглашиб ўтирар, ўзларининг боласи йўқлигиданми, менга ширин гапириб, тинмай дуо қилар, эру хотин иккаласи трактор гаражининг бир четидаги ғарибгина уйда туришарди. Кампир: “О-о, бир чойнак тиллам бор эди, аскарлар машинани тўғрилаб, чиқ, деса, ҳали қайтиб келамиз-ку деб, уйнинг ўртасига кўмибман, қолиб кетди шу билан”, деб оғир сўлиш олар эди, у пайтлари тилла нима, нархи қанчалигини билмасам ҳам, бир ҳовучгинасини ололмабди-да, деб жуда ачинардим. Яна бир татар абзий бўларди. Уйи шундоқ Булунғурнинг лабида, балиқ ушлашнинг пирини деб биламиз. Қармоқ солаётганда илгакдаги чувалчанга: “Менинг кўлим эмас, абзийнинг кўли!” деб туфлардик. У пайтлари балиқ кўп эдимиз, таассубимиз кор қиларди лекин. Химия муаллимимиз Миниханов уфататар, оти қизиқ – Фан. Хотини Пилура – Флюра опа кутубхоначимиз. Уйлари оқланган, атрофи тахта панжара, иккита қизи ҳам оҳорли кийинган, кейин жуда яхши ўқир, катталарининг тили татарчага кетса-

да, болалари анча тоза гапирар, бизни нималаридир ўзига тортиб, яна нималаридир итариб турар эди.

Кейин, одам бир ёқда сал туриб келса, дарров ўзгариб, тили ҳам бузилиб қолар экан. Фуломнинг Искандар деган акаси Тошкентга ўқишга бориб, йиқилиб, бу йили кираман деб ўша ёқда қолганди. Олтами, етими ойдан кейин отаси бориб, олдига солиб келди. Кетганида тили ғирт ўзимизникидек эди, лекин келганидан кейин тишининг орасидан чирт тупуриб, “бўтта-шўтта” деб гапирадиган бўлиб қолди. “Ўтдагилар шунақа гапиради, “беда-шеда” дейишларинг нотўғри, сила мақвоссила ўзи”, – дер эди, тавба. Ўқишга киргани бошқа кетмади, лекин тилини ҳам тузатмади. Искандарларнинг қайсиси деб сўралса, “Ҳа, ўзимизнинг Искандар бўтта-да”, деб аниқлик киритилар эди. Гужо-гужо тожик янгалар “и-и” деб чўзса, тошкентликлар “бўтта-шўтта” деб гапирисини ўшанда билганмиз.

Эй, жуда қизиқ, дўнгдан, оти эсимдан чиқди, бир йигит армиядан ўзи билан битта қиз олиб келган, Ғазиранинг бозорига олиб тушиб, етаклашиб юрган, икковининг ҳам кўзида қора кўзойнак, икковининг ҳам оғзида писта, юрайми-юрмайми деб бир-бир қадам босиб ўзларини роса бозорга солган, гур эргашиб томоша қилганмиз. Ҳа, дўнгдан деганим, қишлоғимиз иккига бўлинарди, Булунғурнинг у томони баланд ерлар дўнг, бу томони пастлик, Паст, дўнг, одамлар ҳам қаерда туришига қараб дўнглик, пастлик дейилар эди. Аммо шу қиз роса томоша бўлган. Сочи сариқ, йиғиштириқсиз, кўзида қора кўзойнак, кўйлаги калта, лозими йўқ оёқлари очиқ. Осмондан бир сариқ нарса ёниб тушгандек роса гап қўзғалган. Кейинги бозор келмади, ундан кейингиларига ҳам – кетиб қолибди. Текин томошадан айрилганимизга кўп афсус қилдик.

Эшонхонов деган кекса муаллим бор эди, акамларни ҳам, опамларни ҳам ўқитган, пенсияга чиқиб кетиб, бизларга кирмаган. Орден олган дейишарди. Кўп кўрамиз, албатта, костюм-шим, галстукда қиррали юрарди. Шу кишининг қизи дўхтирликдек зўр ўқишга кирган, лекин ўзи билан бирга ўқиган хоразмлик йигит билан топишиб, отасини жуда носоққа қўйган. Қочишга қочиб кетмаган-куя, лекин совчилари уч-тўрт марта қайтарилган. Охири зўр тўй ҳам бўлди, биз ҳам тўйиб ўйнаганмиз. Замира опани “Волга” мошинда келин қилиб олиб кетишган. Иккови ҳам Самарқандда ишга қолган экан, эр-хотин ой ўтмай келиб турарди, Ғазирамизнинг яккаю ёлғиз бекатида кўрамиз, Замира опа оқдан келган кўхлик келин, куёв баланд бўйли, жингалаксоч йигит, нимага қизи Эшонхоновдай одамнинг обрўсини тўкиб қўйди, деган висир-висир чиққани бизга қоронғи. Кейин Туробнинг матпак – математика факультетидаги опаси ҳам ўзи билан ўқиган уругтуликка, Салиманинг биёпак – биология факультетидаги опаси сурхондарёликка теги. Жамолнинг акаси техникумдан нуроталик қиз олиб келди, булар Эшонхонов домланинг қизидек катта гап бўлмаса-да, ишқилиб, нимасидир хавотирли, нимасидир аламангиз бўлиб, қишлоғимиз ришталари кенг дунёга боғланиб бораётгани кўнглимизга нотинчлик солар, ўзимизни ҳам ўша

ёқларга тортқилар эди.

Билмайман, нимага бундай, китобнинг таъсирими, ўйлар гирдобига тушиб қолганимданми, одамларнинг ичида ёлғизланиб юрар эдим. Ҳеч ким мени четга сурмаган, куткиламаган. Иш қилдирган бўлишса, қайси бола ишламаган. Бу ҳам бир ўйин, фақат жонга тегиб қолади, ўйин тегмайди, барибир, иккаласининг ҳам охири бирдек чарчоқ ё гап эшитиш. Лекин олдиндан шу кичкина бошимга ҳамма ундай, мен бундай, деб кўп ўй сураман. Мактабни бошлаб ҳам қамоққа тушдим. Ҳа, эркин юрган бола, кўрага қамов бўлдим-қолдим. Ўйларим билан. У вақтлари ўқишнинг биринчи куни янги кийимларда, гулдаста кўтариб боришлар йўқ. Хайр, кўлни кирсовунда қиртишлаб, бетни ишқалаб ювиб, боридан тозароғини кийдириб, қайта-қайта: “Дарров тупроққа булаб, мўлтонининг жандаси қили-иб келмагин, ўлдираман лекин!”, деган минг зарда қулоққа қуйилган. Чунки янғисини олиш учун Самарқандга бориш керак, оберган билан ҳам, эс-хуши ўйинда бола, эрталаб кийдириб юборган янгини тушга қолмай эскиртириб қайтамиз. Гулдастага келсак... ўриб молга берса бўладиган гуллардан хурсандчилик кунларида ипга боғлаб гулдаста тузиб, бировга сийлов тутишни, ҳу вақтлар ўтиб, китоблардан ўқиб билганмиз. У китобларда доим байрам, ҳамманинг думоғи чоғ, гаплари ҳам қарсиллаган, сира бизникига ўхшамайди. Ўша куни энди бир нималардан айрилганимиздан хавотирланиб, бўйнимизни қисиб мактаб олдидаги майдонга тўда бўлдик, уришиш-силташ билан бир амаллаб қинғир-қийшиқ сафландик. Бу ёғи қанақа бўлса, деб анқайиб турганимизда кўлимизга бир хил яп-янги китоб-дафтар ушлатиб қўйишди, кейин шуларни бизларга яхши ўқисин, адаб-тарбияли ўқувчи бўлсин, деб текинга берганлари учун чап-чап қарсақ урдиришди, қўлтиғимга қисганим эсимда йўқ, қарсақ чаламан десам, бари ерга сочилиб тушди. Бирам сазойи бўлдим лекин! Ҳаммасидан ҳам ҳали ёшинг етмайди, эргашма менга, десам ҳам кейинимдан қолмай келиб, энди чеккада, тол тагида ичи куйиб ўтирган Абдуалимнинг кўзи ўйнаб, тиржайгани ўтиб тушди. Китоб-дафтарларни ердан қоқиб-пуфлаб олдим-у, лекин энди, барибир, бошқаларники ярақлаган янги, меники эса эскириб, туттишга ярамайдиган нотоза туюлиб, мактаби ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетди. Тагин денг, эртаси, ўқиш бошланган куни, Хатира муаллимнинг қўлини қонатдим. Муаллим ҳар партага иккитадан ўтирғизиб, “Қўлларингни партанинг устига қўйиб, дамгина қулоқ бериб ўтиринглар”, деб тайинлаган эди, бунақа қимирламай ўтиришни билмайман, бирпасда диққатим ошди, питир-питир қилдим, партанинг қопқоғи ғалати, ошиқ-мошиқли, букланар экан, очиб-ёпиб ўйнашга тушдим, муаллима жаҳл билан келиб қарс ёпаман деган эди, жимжилоғи қопқоқ тагига кириб қолиб, қийилиб кетди! Қўли оппоқ экан, қизил қони тирқираб чиқди. Роса кўрқдим, Хатира опа вуй-вуйлаб кўлига рўмолча босди, қони рўмолчадан ҳам сизиб чиқди. Менга ҳеч нарса демади, лекин энди бўлди, тамом, мактабдан ҳайдаламан, деб ўйладим,

Ўзим ҳам шуни хоҳлаб қолдим. Э-э, мактабини ҳам, дедим! Молларимни боқиб юрганим минг марта авлоку. Уни қилма, буни қўй. Йўқ, ўз эркимча юраман! Бу ерда далага чиқишга ҳам қўл кўтариб, нимагалигини уялмай айтиш керак!

Ана шунақа, Ғазиранинг ўртасида мактаб партасида михланиб, шу Ғазирани соғинишга ўтдим. Қипчоқариқ бўйларига чиқаман, залдоричорбоғдан данак териб, тош билан чақаман, олманинг кечки навларига маза кириб қолган, тишлаб кўриб, энг ширинини ейман, ҳуштак чаламан, хиргойи қиламан, умбалоқ ошаман, эрким ўзимда! Охири Булунғурга тушиб, қулоч отиб сузаман, ариқнинг устига эгилган толдан калла ташлайман, совқотганимдан кейин тупроққа кўмилиб исинаман. Ўтирган жойимга йиғиниб ғужанак бўлиб оламан. Мени дарс тинглапти деб, эркин ҳасратга берилганимни ҳеч ким билмайди.

Лекин ёлғизликдан кўрқаман ҳам. Мактабга борганимдан олдинмиди ё биринчи синфдан кейинмиди, ҳар қалай, ора узоқ эмас, пишиқчилик эди. Бизда шу мавсумда – августнинг охири, сентябрнинг бошларида тўйга рухсат бор. Уйи бозоржойга яқин Ҳотамбово неварасини кесдириб, кечқурун базм берди. Биз бир чеккада ош еб олгандан кейин яшинмачоқ ўйнадик, мен саримой, чакки сотиладиган каппон тагига кириб, қапишиб бекиндим, ҳеч ким тополмади, бир-икки чақиришди ҳам, товуш бермадим, қанча вақт ўтди, билмайман. Тўйхонада магнитофоннинг тасмаси тугадими ё болалар бошқа ўйинга қизиқиб кетиб қолдим, ишқилиб, ҳаммаёқни тим-тирс сукунат босди. Балки бор шовқинни қалин сувалган каппон ўтказмай кўйгандир. Ҳотамбовонинг уйидаги тўй шуълалари ҳам бу ёққа тескари, атроф сим-сиёҳ кўринади. Жимлик қулоғимга ботиб, том битиринган бўлди-да, юрагимга ғулғула тушди. Яширинган жойимда йўқолиб қолганман, бошқа ёқлардан излаб кўришади, ўша ёқлардан ҳам топилмайман, ўзимга ўзим ҳам кўринмайман, шу билан тамом йўқ, йўқолиб кетганман. Ҳамманинг эсидан чиққанман, унутиламан, каппоннинг шу тор қавагида бир умрга қолиб кетдим энди.

Гунгурт кеча, ойсиз осмон тагида кичкинагина бўлиб қалтираб ўтирганим! Ёлғизлик ўзим бўлиб қолдим, ўзимдан кўрқдим. Бир сур босди! Каппондан отилиб чиқиб, юрак така-пука, тўйхонага – одамлар орасига чопдим!

Шу чопишим бир умрлик экан, бир умр одамлар орасида яшаб, бир умрки уларга томон юраман.

Туғилган тупроғимдан униб чиқдимми, ўсибми, нима бўлмасин, чиқиб кетдим. Энди она қишлоғимга фақат меҳмонман, узоқдан бориб, яқинлашолмай келаман – ўртамизни бўлиб катта кўкдарё унсиз айқириб ётади кўнглимда.. Ўтолмай, ўртаниб қайтаман.

Буни билган билади, билмаганга билдириш жуда қийин.

Бултур яна бир жўрам келди. Тошкентда иши бор экан, кўяр-да кўймай мени кўчага чақириб олди. Мактабни у ўн бир йиллик, мен ўн йилликни, бошқа-бошқа синфда, бирга битирганимиз. Университетга

битта факультетга кирдик, мен олдин, у бир йил кейин, лекин ижарада тўрт йил ҳамхужра турдик, қалин эдик, уйга келасиз, деб ҳаргиз ялиндим, кўп йиллар олдин бир-икки қур келган, лекин бу гал оёғини тираб туриб олди, ўламан саттор, уйингизга бормайман, бормайман-чи, бормайман! Ҳайрон бўлдим, майли, деб, ўғлимга обор-чи мени, нима гап экан, деб билгим келиб бордим. Учрашдик, кўришдик, қаҳвахонада ундан-ундан сўрашиб, гапимиз сингишгандек кейин, нимага уйга ўтмаясиз, деворингизни тескари уриб кўйган ерим борми, деб сўрадим. У бирдан хурқди. Хуркиб, анави Лотин Америкаси тоғларида юрадиган гуанако – ламанинг бебошвоғига ўхшаб бошини тик кўтарди, “Э-э, мен уйингизга бормайман”, деди. Билмай кўнглини оғритиб кўйганман шекилли, деб кўнглим ғашланди. “Э-э, жўра, нима, меникидан илон чиққанми?”, дедим. У ўша баланддан тую боқиш қилиб: “Йўқ, боролмайман! Одамлар, дўст деб юрибсан, дўстинг аллақачон ўзгарган, битиб кетган, шунақаки, уйидаги курсисига кетингни кўйишга ботинолмайсан, деб айтишади менга”, деб қолди! Ерга урилгандек кўзини олиб қочгани ғалати бўлди. Тавба, қимматбаҳо курси ҳам одамга насоғ бўлар экан-да! Мен бой бўлсам, сен жўрам, хурсанд бўлиш ўрнига... Туриб-туриб алам қилди, “Қанақа курси экан?”, деб тишландим. Хай, уйимга келинг, деб ўзим ялиндим-ку! Астағфируллоҳ! Мен еб, у қуруқ қолгандек! Уйимга боришга ҳадди йўқ, лекин орияти бор, ғурури баланд, ўзини ер қилдириб кўймас экан. Ҳалиги курсиларимга ўтирса ер бўлиб қолар экан-да. Ол-а! Мен олмаган хотиннинг туғмаган боласининг тиши оғрибди. Э дўст, шундай экан, чақириб олишга қандай ҳаддингиз сиғди, дедим. Тушмайди пастга! Пўчоғимсиз, яъни икковимизни нотенг қилган бойликларимни кўрмай-куймай, ҳу ўша бурунги ҳолимда гаплашгиси келибди, ўша мактабда бирга ўқиган, ижарада битта нонни бўлиб еган, хулласи, мен ўзгармаган кунларни соғинибди, яйраб гурунги қургиси келибди. Тавбангдан кетай! Боладай содда одамлар ҳали ҳам бор-а!

Олдимизда кабоб, газаклар, у яримта буюрди, кўнглини ёзиш учун, мен тобим йўқ эди, ичмадим. Барибир, қаҳвахонанинг икковимизга ҳам бир хил, бир тус курсиларида ўтириб ҳам гурунгимиз қовушмади. Уни-буни эсладик. Талабалик даврларимизга бир-икки тушиб чиқдик, буклама каравотда яна чўзилдик. Килка егимиз келиб қолди. Барибир битиб кетсам ҳам, ўзимни аввалгидек кўрсатишга уринаётган бўлдимми, яйрамадик. Шунинг аламигами, у бирдан ўзининг кам эмаслигини пеш қилди: “Э-э, мен гуриллаб яшаяпман, гуриллаб кетганман!”, деди. Мен бунақа гуриллаб яшашнинг маънисини билмас, менга бу насиб ҳам қилмас экан. “Хай, гурилланг! Бундан ҳам гурилланг!”, дедим. Йўқ, битиб кетганим билан буни тушунмас эканман! “Сиз энди шундай қолдингиз. Ўзгармайсиз, мен олтита боламнинг бешовидан қутулдим, ҳаммаси уйли-жойли, битта кичкинаман бор, уни коллежга, божхонаникига жойладим. Уй, мол-ҳол,

(Давоми 26-саҳифада)

Равшан Эрматовга

*Тартиб ва қоида шартдир ҳар ишда,
Ким ғирромлик қилар, кимдир шошилар.
Дунёнинг яримини айлаб саришта
Ҳакамлик қилганлар Қафғол Шошийлар.*



*Ўзига қаратиб олам элини,
Ҳукмини ўтказиб, жойи-жойида,
Арабга ўргатган араб тилини
Замахшарий бобо тузган қоида!*

*Теран томирларга туташ илдизлар,
Номинг элда достон бўлиб юрибди.
Футбол қиролиман, деган юлдузлар
Битта ҳуштагинга қараб турибди.*

*Истиқлол фарзанди тушса майдонга,
ОТА ўғиллиги билиниб тургай.
Ҳалоллик бонгини уриб жаҳонга,
Адолат ҳуштаги чалиниб тургай.*

**Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири**

2014 йилнинг 12 июн-13 июл кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича Жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик FIFA рефериси Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган ҳамюртларимиз эл-юртимиз ардоғида бўлиб, улар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги фармонида мувофиқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, FIFA рефериси Равшан Эрматов “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди. Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида халқаро тоифадаги ҳакам Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти – “Эл-юрт ҳурмати” ордени ҳамда Президентимиз совғаси – “Malibu” автомобили, шунингдек, FIFA лайсмени Абдуҳамидулло Расуловга Президент совғаси – “Orlando” автомобили тантанали равишда топширилди.



машина – ҳаммаси бор. Рўзгорим бадастур, лекин гуриллаганим бунга эмас, мен қишлоқда яшаяпман, қишлоғимда гуриллаяпман, билдингизми!" деди. Ҳа, гап бу ёқда экан: мен ҳар қанча битган бўлма, бу ерда гурилламайман, гуриллай олмайман. Тўғри, шу тобда тўғри қишлоққа ҳайдаб, кўкракларимни тўлдириб нафас олиб, бир гуриллагим келиб кетди. Қани эди, Ҳазиранинг ўртасидаги баланд дўнгтепага чиқиб, қулочимни кериб учгудек бир қийқирсам, неча-неча йиллик сиқинтиларим тарқаб кетармиди! Лекин гуриллаб бўлиб нима қиламан? Нуқул гуриллаб юролмаймаман-ку. Кейин, нима, ҳамқишлоқларимга маъруза гуриллаб яшайманми? Уларнинг мени томоша қилишдан бошқа иши йўқми? Хўжалик дўқонида ойнага намойишга қўйиб қўймасалар керак. Тошкентдан келиб, мана, ўзимизда гуриллаётган ҳамқишлоғимиз деб.

Дўстим жони ачиганидан гапирибди-да. Кўчиб бориб битта жой қилиб қўйиш, ўз одамларинг ичида яшашга нима етсин. Бу дунёдан ҳамма ўтиб кетади, ҳаммасининг жойи белгили, лекин сизники... Ахир, ўлигингизни ким кўтаради, деди, ўлигим бу ерда хор бўладигандек. Жой тиклаш менга чўт эмас, шуни қилай экан. У азалдан ўзи гапирганига ўзи маст, бир тутаниб берса, босилиши қийин. Тили шунга қайралган. Шунинг жаддига анча савдоларни ҳам кўрди-ю, лекин ҳозир эслатганининг фойдаси йўқ, мавруди эмас.

Мен ён бергандек бўлдим, гапимиз болалади, лекин тайинли тўхтади бўлмади. У гуриллаганини далиллаб туриб олди. Мен гурилламаётганимни бўйнимга олдим, нима деса маъқул топдим. Хуллас, у деб, бу деб бойлигимсиз холис ўтиришимизни яқунлаб, бир умрлик дўст билан кўнглимда бир умрга хайрлашиб, кира машинада уйга қайтдим. Шу каллан бўлса, йўқ курсим ҳам кетинга ҳайф, дедим келаётим. Тақдирни қаранг, яқин одамлар ҳам беғоналашиб кетар экан. У эмас, кўпроқ мен, унга эмас, қишлоққа, Ҳазирага... Буни аввалдан англаб, ўйлансам ҳам, унча қийналмай юрган эдим, дўстим орамизни узил-кесил узди-қўйди.

Гап қариётганимда эмас, қарисам ҳам кўчада қолмайман, худога шукр! Ўлигингизни ким кўтаради, ким сени тупроққа қўяди – бу гаплар ҳам куракда турмайди. Бу дунёда одамнинг ўлиги безга қолишига одамларнинг ўзи қўймайди. Гап, ўзани тобора чуқурлашиб, кенгайиб, у қирғоғи борган сари эласлаб кетаётган кўнглимдаги ўша кўкдарёда, у ёққа ўтишимга қўймайди. Қидириб бораман, юраман, келаман, кўнглим бўлинган кўйи қолаверади.

Улғайишим биланоқ Ҳазира мени бағридан чиқариб юборган. Елкамдан итариб, кетяпсанми, бор, ўша ёқларда кунингни кўр, деган. Албатта, она қишлоқ, туғилган тупроқ деган гаплар бор, лекин булар бола пайтимда қолиб кетган. Ҳозир бир нарсга ёзсам, ташбеҳ қиламан, холос. Борганимда ҳам ўлан тўшагим бепарво. Яқин қариндош, қолган ёру биродарларим очик чехра билан кутиб олади. Бу ҳам белгили бир вақтгача, меҳмон бўлишга ҳатто уканг турган ўз уйингда ҳам муддатлар бор, ой бўйи танда

қуриб олишга ўзим ҳам чидамайман. Бўш қулоқ – бекорчи йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи.

Чиқиб кетдингми, энди келиб-кетганимда ҳам иззатингни бил, деган Ҳазира – меҳрибон қишлоғим.

Ҳозир айтмаса ҳам, олдинлари бориб турганларимда айтгани учун яхши биламан. Шу-да, қишлоқдан чиққан одамнинг келиб-кетиш тартиби. Буни англаганимча ўксинишларим бор эди, кўнликдим. Кўп борар эдим, ой ўтар-ўтмай оёғим қишлоққа тортаверарди. Ток очиш, кўтариш, хомтоқ қилишдан тортиб, кесиб кўмишгача зиммамда эди. Укамлар билан пичан қилишга чиқардим, уй солинса, ғиштини ўзим териб берардим. Пўрим кийимимни ечиб, эгнимга эски коржомларимни илиб, лойга ҳам кириб кетаверар, шу ишлар билан дам олардим. Ноқулай бўлса ҳам айтай, усталда босим ўтирадиганларнинг касалидан камина бенасиб эмас, ўша ҳам бир кунда ўтиб кетар эди. Лекин бунақа йўқсил қийиниб, лойга ботиб ҳам юришларимга, сўз тополмаяпман, ишқилиб, одамлар, ҳа, бу бола шаҳарда бузилмаган, қобил, оқибати бор, шундан шу ёққа қатнаб уйдаги ишларни қилиб беряпти-я, баракалла, деб қарамас, шу... ёқтиришмас эдим, "Ий-е, ий-е, сизга қолдими бу иш", деб таажжубланишларида нимадир ёзғириш ҳам бор эди.

Бир борганимда ҳамсоямиз Зийнат холаникида томсувоқ ҳашарга айтиб қолишди. Укам саҳар туриб Самарқандга кетган эди, ўрнига ўзим чиқишга чоғландим. Ўртада девор ҳам йўқ, у ёқда ҳашар бўлса-да, бу ёқда мен сулақмон сигарет сўриб кириб-чиқиб турсам, жуда хунук. Баҳонада кампирнинг дуосини оламан, ҳам одамлар билан тўрт оғиз гурунглашаман деган ўйда устимни алмаштириб, қўлимга қишлоқда йўқ, ярқиллаган алюмин андава олиб отлансам, ойм: "Ҳай, қаёққа! Сенга нима бор, ўзи бир-икки кунга келган одам, уйда ўтирмайдими!", деб қолдилар. "Нима, ҳамсоя холам билан айтишганмисиз", дедим. "Нимага айтишаман, шунча одам бор, бўлади-да. Сен ўзингга ярашадиган ишни қил", дедилар. Хуллас, оймга қолса, бормасам. Ҳар замонда бир келсам, элдан чиқиб кетмай, одамларнинг ёнида бўлай деб (бир кўнглимда ўзимни кўрсатиш), оймга кўнмай, ҳашарчиларга бориб қўшилдим. Ҳали иш бошлангани йўқ, Эшим кал лой пиштияпти, Сафар ака, андавасини тозалаяпти, ҳамсоя холамнинг невараси Нурали лойхона лабига пақирларни қатор қилиб теряпти, Исмаат ака Эшим калга лой пиштитишдан ақл беряпти, Олмос ака иш олдидан чойни бостириб ичяпти. Эшдавлат айвон томида, лой тортишга арқон шайлаяпти. Бориб жаппа-жамоатга салом бердим, бир-бир қўл олишга киришдим. Собир ака шошиб ўрнидан турди-да, қўлимни бетимга қарамай олди. Доим куюқ сўрашадиган одам, "Ҳа, яхшимисиз?" деб андавамга қаради, холос. Исмаат ака келиб, қўл берди-да, бир нималар деб ғирмайди. Олмос ака қўлини кўксига қўйиб, келиб кўришиш шарт эмас, чой ичяпман деган имобашара бир қилиқ қилди. Эшдавлат томда туриб қўлини кўтариб қутлаган бўлди. Нурали, ҳали ёввойироқ, саломлашишга укуви йўқ. Хуллас, нима десам, шу... ҳашарчилар орасига бориб

кўшилган бўлсам ҳам у томонида улар қимирлаб турган кўринмас деворнинг бу томонида ўтолмай қолавердим. Ҳеч бировининг чехраси очилмади, ҳаммаси у-бу ғулдираб, кўзини олиб қочди. Тўғри қараганининг нигоҳи ҳам ёнбошимдан ўтиб кетди. Ҳеч бирови юкимизнинг бир томонини кўтарадиган келди, деб хурсанд бўлмади. Мени бу одамларнинг ҳеч бири ёмон кўрмайди, аксинча. Лекин шу дамда, шу ҳашарга келиб кўшилганим билан ораларига киролмадим. Тушуниб тургандирсиз?

Келдим энди қандай кетишимни билмай аросатда, андава тортаман, деб томга чиқиб кетдим. Томнинг у ер-бу ерини қараган, тушиб қолган майда тош-пош, кесакчаларни терган бўлдим. Дилам-нодилам, яна бир кетиб юборай дедим, энди ноқулай, ишдан қочди деб ўйлашади.

Том сувашни бошладик. Бу иш шиддат билан кетади. Бўл-ҳа-бўл, лой, чой-сув, ҳў Эшим, ғураша чиқяпти, бо бир пишитинг. Нурали, анқайма, эй Олмос, ҳаволатинг силтамай, устунга урилмасин. Сафар аканинг андава тортишимга гап тополмай синчилашини айтмаса, менга бошқа эътибор ҳам бўлгани йўқ. Икки андавакашга лой етказаман деб ўртада Нурали бечора пишиб кетди. Катта томни бўлдик, оғил, бостирма томини ҳам сувадик. Ҳожатхонага келганда Сафар ака чикди, мен андавамни ювиб, кетишга чоғланган эдим, Зийнат холам сезиб қолди. Ҳай, болам, катта бошингни кичик қилиб келибсан, барака топгур, энди бир чўқим ошимни емай кетасанми, ундай қилма, болам... Хуллас, ошга ўтирмай кетишнинг иложи бўлмади. Э бор-э, шу тўрт пақиргина лой ортмасин, деб тандирнинг усти ҳам суваб ташланди.

Ҳа-а, зўр бўлди, э-э, бу иш кўп билан-да, ҳа энди Зийнат холанинг ёғингарчиликда бир дарди ариди, сувоқнинг обравлари яхши, чакка ўткизмайди. Бир паслик югур-югур, жонни суғуриб олади-я – қилган ишимиздан ўзимиз таскин топдик. Гапга мен ҳам суқма қошиқдек суқилиб турдим. Лекин, барибир, эл бўлолмадим, яна туриб кетишни ўйладим. Олмос ака кампир дамлаган ошни катта лаганга босдириб келди, устида икки туюр гўшт. Ҳай, энди туриб кетсам, кампирнинг ошини кўнгли тортмади, дейишади. Олмос аканинг орқасидан Зийнат холамнинг ўзи келди. Қўлида битта сарғиш сувли шиша билан. Исмат ака бесаранжом типирчилаб, менга тиржайиб қараб қўйди. Сафар ака оғзини қўли билан артиб, кўрпачага бемалолроқ жойлашди. У ҳам менга бир қараб қўйди. Кейин қовоқ уйиб гўшт тўғрашга тушди. Эшим кал ер тагидан шишага хўмрайди: битта ароқ етмасов. Бир Эшдавлат менга қараб хурсанд им қоқди, шунчаки ичкилик келганига очилиб. Кампирнинг сандигида ётавериб сарғайган бу нарса ароқми ё... деб турсам, ростдан “Перцовка” деган ароқ экан. Дастурхон атрофидагиларнинг синовидан ўтган чоғи, ҳали ичмасларидан кайфлар чоқ. Менга ўқтин-ўқтин назар ташлаб қўйишлари сабаби ҳам маълумдек – лой ишидан чиққан беш кишига битта шиша... “Ҳа, хола – мард!”, деди Сафар ака. Олмос ака шишани Исмат акага узатиб: “Оз-оздан сузасиз, момонники

табаррук”, деди. “Шу – биттами?” деб Исмат ака яна менга қараб қўйди. “Йўқ, мен ичмайман”, дедим. “Бизлар билан ичмайсизми?”, деди у. Гапи писанда қилаётгандек туюлди. “Момом бақувват, буни ичайлик, ялинсак тахмоннинг орқасига яшиниб қолгани ҳам чиқиб қолар”, деб Олмос ака билиб тамшанди. Исмат аканинг чехраси ёришгандек бўлди, “Ҳа, энди, бизлар билан ҳам ўтиринг-да”, деди менга. “Лой иши – зах иш, шуни олади бу қалампир ароқ”, деди Сафар ака. Лой иши қилмаган одам буни билмайди деган маънода. “Оладилар, Сафар ака, оладилар”, – деди Эшдавлат. “Ўзимизнинг одам, нимага бизлар билан олмас экан, олади”, – деди Олмос ака.

Исмат аканинг ароқсузишлари, бетини тириштириб илжайишлар, менга узатганда дим-дим нигоҳлар, ичишдан олдин бор гуноҳни захга тўнкашлар, ҳи-ҳи калта кулгилар – ҳаммаси мен бўлмаганимда буларнинг бемалол, яйраб ўтиришини билдирар эди. Умуман, ўзимнинг қозонимга тушмабман, ойим доно гап қилган эканлар – ярашмаган иш бўлди.

Ҳаммаси кўни-кўшниларим, фақат кампирнинг жияни Исмат ака дўнгдан тушган, барибир, битта қишлоқ, бегона йўқ, ҳеч ким менга ёмон гапирмади, ҳеч ким билан айтишмадим, кўяр-да кўймай бир пиёла ичиришди ҳам Лекин ўша девор деворлигича тураверди, булар у ёқда, мен бу ёқда.

Нимада хато қилдим десам, ҳаммаси – ҳашарга кўшилиш ўйидан бошлаб келиб кўшилишимгача, кўшилиб андава тортишгача, биргалашиб ароқ ичишгача, ичида чаён ўлганми, ёмон аччиқ экан бу ҳам, ўзимни зўрлаб гурунги беришга уринишимгача, бари ярашмаган, бу ерга, бу даврага қовушмаган эди. Чуқур қилиб тушунтира олмаяпман, лекин бошингиздан ўтган бўлса, шу айтганларимдан ҳам англайсиз – Ғазира мени бағридан чиқариб, бегона қилиб юборганини!

Кўп мисоллар келтирсам бўлади, лекин барининг тагида у-ёки бу тахлит битта гап ётади.

Менинг дардим кўп, дардларим сизиб тушиб, жилға-жилға ўша кўқдарёга қўшилади, Ғазира кўқдарёдан кўкка бурканиб тураверади. Қуши кўп эди унинг, шу қушлари озод эди, тонгда ўрганмаган одамнинг қулоғини қоматга келтирарди. Болалигимда бир қушнинг узун хуштагини ҳар куни эшитардим, ўзим ҳам қўшилардим, хуштагини қайтарсам, у ҳам қайтарарди. Кейин билсам, китобларда кўп ўқиб, бир кўрсам деб орзу қилганим булбул шу. Ҳозирлари жуда кўпайган, басма-басига сайроғи қишлоқни босар экан. Оламга чақирар эди бу қушлар.

Ғазира ўша кунларимни кўрган, бари унинг бепарво-палак бағрида кечган. У ҳозир... юкуниб мен бораман, у эса келдинг ҳам, кетдинг ҳам демайди, бирдек кўклиги, кўклигида ўша шивирлар. Қариб кесилган дарахтлари ўрнига улардан эртак тинглаган кечаги ниҳоллари қад ростлаган. Йўллар ҳали-ҳануз қуюқ соя, мусичалари ғу-ғувлайди, кумрилари куккулайди. Эрталаблари булбул хуштаги яратганга сано айтади. Ўша кекса машқ оғушидаги яшил масканим, мен ҳам кўпни кўриб қўйдим, ўзида шунча кўрсатиб, яна соғинтиргани учун айтадиганларим бор,

лекин туз ҳаққи қўймайди. Севсанг, мени шундайимча сеvasан, йўқ эса, барибир, ана, бошинга офтоб урмасин кетаётганинда деб, катта кўчамга кўланка солганман, дейди ва болалигим тенги болаларнинг меҳнатига, булар эртага катта одам бўлар-ку демай, кўқдан тўқиган тўрини кенг ёйиб тураверади.

Уфқнинг ҳу четигача парда тортган кечки ғубор тагида кўп бедилликлар бор ҳали. Эшакка ўт ортиб даладан келаётган, пода қайтишини кутаётган, чингалак сураётган болаларнинг қийқириқлари эзгин, аёлларнинг кўнгилларидан сизиб чиқаётган ҳасрат алёрлари ҳали ҳамон баргларга илашади, улар кириб кетганда алёрлар баргларда қолади, баргларнинг ҳар бири уларни ўзича пичирлаб кўриб, кейин бир-бирига узатиб, шивир-шивир шабада гурунгига қўйишади, шанги қарғишлар кўча тупроғига тушиб, гард билан ёқалашади, ярим оқшомгача беибо дайдийди, чанг кўтаради, тинч ётган одамларнинг тинчига кунчилик қилади, яхшилаб ўйласангиз... Мана, Маъкул хола билан Бобили янга шу қари толнинг тагида айтишган, икковининг тили ёмон, бир-бирини хўп тупроққа қорган, қарғашдан бошқа нимага ҳам кучлари етади, катта кўчада юлишмайди, қишлоқчилик, манжашанлари ўзларининг эсидан чиқиб кетган, лекин, мана, тагидан шу икки хотин ўтса, ўтган қарғишлардан толнинг барглари мужмаяди.

Ўйлаб қараб, шу баргларда соғинчларим ҳам илашиб турганини кўраман.

Ҳа, шу, мен ҳам, соғинч ичидан қарайман. Ғазиранинг бемехрлиги – меҳр, барибир, мени катта қилган, катта йўлга кузатган, шу ернинг боласиман. Болалигимдан юкуниб саломда келаман...

Луғат варақлашдан шунча гап чиқиб кетди! Луғатдан чиқиб бу кириб келди, болалигимдан керак-нокеракни эслатди, мен завқ қилдим, ўксиндим, ўйга чўмдим, унинг гапи тугамади, бор кинларини тўкиб солди, унга қараб ўтиравердим хотираларнинг ичида, ўзи аралашмаса яхши бўларди деб...

Аралаш-қуралаш кўп нарсани ортиб келганига бошда нима дегани эсимдан чиқаёзиди – мақолларга эътироз билдираётган эди-я. Жўн, жайдари десам, жуда айтишқоқ экан, у десам, у дейди, бу десам, бу. Охири хунобим ошди. Нима, ахир, битта мен эшак минибманми? Қишлоқда катта бўлган барча, ҳатто қизлар ҳам у пайтлари бирда-ярим хотинлар ҳам, даштларда кампирлар ҳам минган. Ҳамма қолиб, нимага бу мени топиб олди? Кейин, мақол, ҳикматли сўзларни мен ўйлаб чиқарганим йўқ, кўпчилик тўқиганми, жавобини ҳам кўплашиб берсин-да. Болалигимни бўлса, ким нима деса десин, яшаб олдим.

– Хў-ўш, – деб яна ўзимни босиб, ётиғи билан гапиришга ўтдим. – Ўзингни ҳар нарса деб хаёл қилиб, шундан хулоса чиқараверма. Эшаклик ишларинга мен аралаш эмасман.

Муроса қилиб, мақолда айнан ўзи эмас, балки унинг мисолида эшактабиатлар назарда тутилгани, бунинг учун хафа бўлишга сира асос йўқлиги, аксинча, одамлар шундан ўзларига хулоса чиқариб олиши кераклигини тушунтирмақчи, ҳатто келиб ўтмиш

гапларни эслатгани учун раҳматлар ҳам айтмоқчи бўлган эдим, у гапни буриб юборди:

– От ҳам ҳайвон тўғрими? – деб сўради.

Шунақа ҳам оддий савол берадим, ё ўзини меровликка соляптими деб ўйлаб:

– Ҳа, от ҳам ҳайвон, – дедим-у, тўхта, бундан бир гап чиқармасин деб: – лекин отҳайвон, – деб урғуладим.

– Ит-чи? – деб сўради яна эшак.

– Ҳа, кўппакми, у ҳам ҳайвон, лекин у бўри оиласига кирадим ё бўри буларнинг оиласигами, ишқилиб, туби бир, лекин ҳозир уй ҳайвони-да, – деб илмийроқ жавоб қилдим.

– Мушук-чи? – деб сўради эшак.

Э-э, булар азалдан келишмайдиган эди, нимага унинг ҳамма саволига жавоб топишим керак деб, сал жеркиб бердим.

– Нима демоқчисан ўзи, ҳамма ҳайвонларга кунчилик қиласан? Одамдан бошқа ҳаммаси ҳайвон! Нима хусуматинг бўлса, бориб ўзига айт! Мен мутасадди эмасман ҳайвонларга. Қара, “Эшакнинг меҳнати ҳалол, гўшти ҳаром” эмиш, ейишмаса, гўштимни нега ёмонлашади, дейсан. А бу одамнинг меҳнатини қадрлаш ҳақида бир ҳикмат бўлса! “Эшак эти гўшт бўлмас, савдогар ҳеч дўст бўлмас”, деб, этимни ноинсоф савдогарларга муқояса қилиш адолатсизлик дейсан, яна. Йўқ ердан ўзингни хафа қиляпсан. Сенга биров дўст бўл деяптими? Очиғи, мен ҳам сенга болалигимда дўст деб қарамаганман, азоб ҳам берганман. Лекин баҳорикордан уч қанор сомонни сен турганда ўзим кўтариб келмайман-ку. Майли, ўша кунларни олиб келганинг, барибир, яхши. Аммо у пайтлари ҳикмат нималигини мен ҳам билмаганман. Қўлимдаги қирмизи луғат ўша пайтлари чиққан, босилган йили мана, эллик тўққиз, ўтган асрнинг эллик тўққизи. Ҳозир ҳам ўқиб, сени кўп ноўрин мисол қилганларини кўряпман. Масалан, “Эшакни бетамизлигидан эшак дейдилар” деб ёзилган, тавба, эшакнинг тамизлигию бетамизи бўладими, мен ҳам фарқига бормайман. Энди, бу мақолларнинг барини отам замонида, эшак кўп пайти олдингилар айтган, уларга ҳам неча аср бурун ўтиб кетганлардан қолган, энди топиб бориб, ўзларидан нимага бунақа дегансизлар, деб сўрашнинг сира-сира иложи йўқ. Қайси ҳайвоннинг ҳайвон ё ҳайвон эмаслиги масаласини кўзгашга келсак, сен шу ғалвани кўзлаб турибсан шекилли, бу ҳам сира керак эмас. Ҳаммаси ҳам ўз ўрни, ўз жойи, ўз аъмолига кўра яшаб юрибди ҳайвонлигини қилиб. Шунинг учун қўй бу қитмирликларни, – дедим, Хуллас, узоқ гапирдим, силтаб ташласам ҳам инсофдан эмас.

Сиз ҳам луғатни бир варақлаб кўринг, эшак ҳақида ростдан ҳам мисол кўп. “Эшак минганнинг оёғи тинмас, икки хотинликининг – қулоғи” деган гапнинг унга нима алоқаси бор, минган одам устингда иккита оёғини осилтириб юришини айтмаса, аниқ боғланадиган мантиқ йўқ.

– Мен шу ҳайвонлик қилмасликларини айтяпман, – деб эшак гапимни эшитмаяпсиз деган маънода қулоғини саланглатди. – От отлигини қилмайди,

ит итлигини унутган, мушук одамларнинг уйда яшаб, сичқон овлашдан ор қилади, а, иши-ку шу! От ишламайди, ҳар замонда бир пойгада чопиб маза қилади, кўпқарига чиқади – бўлди! Сайхоналарда кўк беда-емни уриб, бекор тураверади, қашлогичигача бор! Ит эгасиникини қўриқлаши керак, у эса ҳатто ўғрига хуришни ҳам билмайди, лекин уйдан жой олган, суюқ совунларда чўмилтириб, жунини тароқда тарайдилар. Бу қанақаси! Дангасаларнинг дангасаси мушук, кўнгли тусаса миёвлайди, одамга ўзини сийпатади, бўлмаса шу ҳам йўқ. Бекорчилигидан ўзини қаёққа қўйишни билмай, томларда дайдийди. Э-э, тавба, одам ҳайвоннинг хизматида-я! Одам-а! Мана, чўчқани олайлик...

– Э қўй, гапирма шуни, мен ёмон кўраман, – дедим.

– Майли, гапирмайман. – деди барибир гапиргиси келиб. – Лекин, билмайман, ўзини нима деб ўйласа, жонининг роҳатини топган, бўкиб ейди, балчиққа ботади, яна ейди, яна балчиққа киради, ишқилиб, хариш тўнка-да, одамларни ўзига ишлатади. Ҳақ ерини топгани шуми! Ҳайвонлигини унутганлар яна бор-у, санасам, ҳасаддан гапиряпти, ўзи шундай бўлолмаганининг алаmidан деб ўйлайсиз.

Бу қанақа эшак ўзи? Ади десанг, бади дейди!

– Менга қара, – деб яна сал силтадим. – Сен от бўлолмайсан, кўппак ҳам, эшаксан, лекин ўрнингни бил, ўзинг учун ҳаракат қил. Айтиб кўяй сенга, бу мақолда йўқ – эшакликни ҳам кўрсатиш керак.

– Ишляпман-ку эртаю кеч, – деб ҳайрон бўлди у, ниҳоят-е, гапим етиб бормади.

– Ишлаш бошқа, курашиш бошқа. Эртаю кеч ишлаганинг билан бу ҳаётда ўрнингни топмасанг, эшак ҳам бўлолмайсан, – деб кескин гапирдим, кейин раҳмим келди. – Ўзингни ҳимоя қилишни билмайсан, мисол учун, бўрини кўрсанг, бўлди, таққа қотиб, сўм гўшт бўлиб тураверасан.

– Ий-э, иложим қанча: мен – эшак, у – бўри, – деди эшак маъюсланиб.

– Ҳеч бўлмаса, тепин. Шуни ҳам қилолмайсанми? – дедим.

– Ҳо-о, жаҳли чиқиб кетса-я, – деб эшак ҳуркиб кетди.

– Барибир ёриб кетади-ку сени! – дедим бўғилиб; бу галварсга бир нарсани уқтириб бўладими ўзи!

– Э-э, мендан бузғунчи чиқмайди, – деди эшак калласини солинтириб. – Ҳар хил йўлга бошлаб, эшакликдан чиқариб юборманг мени. Шу эшаклигим ўзимга мос, қулай.

– Чиқмайсанми эшаклигингдан? – дедим бўғилиб.

– Нима қиламан чиқиб? Минг йилдан бери шундайман, шундайлигимча қоламан, деб ҳанграб юраман.

Ана холос, бу ўйлаганимдан ҳам қайсар чиқиб қолди-ку!

– Юравер шундай! Бўлишинг шу бўлса, сени бўри тугул кучук ҳам ғажиб кетади, – дедим.

– Шунчаки юрганам йўқ, эшаклигимни қилиб юрибман, – деди эшак гапимни қайтариб.

– Хўп, шу эшаклигинг нимадан иборат экан? – дедим бўғилиб.

– Эшаклигимми? – деб гапимни такрорлади эшак. – Эшаклигим – тиним билмай ишлайман, ҳамма ишга чидайман, кейин чидаб ишлаганимга ўзига тасанно айтиб яшайман.

– Тасаннонг нима? – деб ҳайрон бўлдим.

– Ўзимга тасанно айтаман – ҳанграйман, – деди эшак калласини кўтариб.

Гап топилмай қолди. Нима ҳам дейман? Эшак калласи билан шу гапни айтиб турибди.

– Фақат мени бемалол ҳанграшимга қўйиб беринглар, – деб эшак фақат менга эмас, кўпчиликка гапирди. – Нимага мени одамнинг ёмонларига тенглаштирасизлар, ахир, мен бор-йўғи эшакман-ку! Эскижуваларинг билан нима ишим бор!

Ана шу ерга келганда тилим тутилганидан жаҳл билан қаламни синдириб қўйдим; аттанг, аттанг, юмшоқ ёзадиган, жумлаларнинг тагига чизишга жуда яхши эди.

– Э бор! Ана, тинмай ишла, ишингга беш кетиб, тинмай ҳангра, – дедим. – Меҳнатдан бошинг чиқмай ўзингга тасанно айтишдан тўхтама.

Мен киноя қилиб айтсам, бу тушунмади.

– Раҳмат! – деди. – Айтмаган гапларимни ҳам тушундингиз. Мени ҳар нимага тенг қилиб, ҳар йўлга бошламадингиз.

Сизга қандай билмадим-у, лекин бу билан гаплашаман деб ўзимнинг ҳам ақлим тўмтоқлашиб, тезроқ қутулишни истаб қолдим.

– Бўпти, бўпти! Тушунган бўлсанг, энди жўна! – дедим.

Энди эшак ажабланди:

– Қаёққа кетаман, сиз биланман-ку, – деди.

Ҳу бошдагидек яна анграйдим, каллам ишламай қолди.

– Қанақасига мен билансан?

Эшак худди кулгандек иршайди:

– Доим биргаман сиз билан – китобингиздан чиқдим-ку!

Сиз бир нарсанинг маънисига бордингизми? Мен шу маънини тополмадим. Китобни, шу қирмизи лугатни поп этиб ёпиб қўйдим. Ярми тишланган парра қази ҳам хор бўлди.

Кўп ўйландим, болалигимга неча бор тушиб чиқдим, у ёқдан ҳам тасанно айтадиган гап тополмадим.

Ўзимча тахмин қилдим: нима эди бу эшак: жайдари, қўсқи, қайсар, майли, бошқа нималарга ўхшатмай, ўзи шуни сўради, аммо дунёдаги жами эшакларга мисол қилса бўладиган – эшакларнинг эшаги, ҳали эски тилимизда айтилади-ку, шоҳул шаҳаншоҳ дегандек, эшакгул эшак эди.

Лекин китобдан чиқдим деб, мени хотираларга кўмиб эшик чорчўпини кир қилиб кетди.

Ювса кетармикан?

Ҳозирлари яна ўйласам, қишлоғим мендан норози кўкликларини уюб қараётгандек бўлаверади: яна нима қарзларим қолган экан? Бўлмаса, нимага бу эшаги келиб юрибди?

Тамом.

Өзні ізлаб

“Қуроқ”, менінг билишимча, Ахмад Аъзамнинг ўзи яқун ясаган — ўзи эшган арқонни ўзи тугиб беролган охирги бадиий асари эди. Бу қиссадан сўнг, яъни 2013 йил мобайнида Ахмад ака асосан тил ҳақида мақолалар билан шуғулланди, уч-тўртта қораламалар қилаётганини айтарди, аммо уларни охирига етказишга улгурмади, чоғи. Бадиий нуқтаи назардан охирги хулосалар айта олган асари шу қисса бўлди, чамамда. Шу сабабли қиссадан Ахмад аканинг ҳаётга, адабиётга, сўзга муносабат ҳақидаги сўнги хулосаларини излаш ўринли, деб ўйлайман.

Биродарлари, яқинлари, укалари Ахмад аканинг ҳамиша ҳам ёнида бўлолмадик, зеркиб, нимадир айтгиси келарди, деярли ҳар икки кунда телефон орқали бўлса ҳам адабиётга, матбуотдаги турлитуман чиқишларга, ён-веримизда бўлаётган воқеаларга, чоп этилаётган асарларга ўзининг муносабатини билдириб турарди. Тўғриси, ҳамиша ҳам бу гапларни тинглашга вақт тополмасдик. Шу сабабли Ахмад ака ичидаги барча гапларни ҳам шу қиссага тўқиб солгандек туюлади менга.

“Қуроқ” шуниси билан аҳамиятлики, танани ҳолдан тойдирган касаллик ва унинг орқасида пайт пойлаб турган ўлимни ҳам енгган, фақат енгган эмас, ажал билан юзма-юз ўтириб, ҳаёт ҳақида, болалик, табиат, одамлар, яшаш завқи ҳақида жозибали жумлалар, ҳайратомуз инсоний манзаралар ярата олган, ёзиш билан касалликни ҳам, ажални ҳам ортга сурган ёзувчи иродасини кўрамиз. Бу қиссадаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳар бир тиниш белгиси Ахмад аканинг ажал оғзидан тортиб олгани, уни адабиётимиз мулкига айлантиргани (қиссанинг тили, ифодадаги жозоба шундай дейишга ҳуқуқ беради) билан ҳам қимматлидир. Шу сабабли ҳам биз қиссада ҳаётнинг энг завқли, энг гўзал дамлари — болаликнинг ажиб манзарасига дуч келамиз. Бу хотиралар ҳаёт кўрпасининг энг гўзал қуроқлари билан безанган. Бу

қуроқлар — хотиралар Ахмад акага касалликни енгишга, пайт пойлаётган ажални ҳайдашга куч ва мадад берган: уларни унутиб, инсонийлик, меҳру мурувват, ҳаётнинг қайноқ воқеалари, ҳангомалари тўшалиб турган паллаларга қайтарган. Қиссадаги эшак билан боғлиқ ҳар бир қуроқ-ҳангома орқали биз инсон ҳаётининг турли вазиятларига, ҳолатларига дуч келамиз. Қандай вазият бўлмасин, у барибир ҳаётга, инсонга, инсон кадр-қимматига тегишли бўлиб чиқади. Шу сабабли қиссадаги ҳар бир хотира-қуроқда Ахмад Аъзамнинг нафаси ва иродаси, ҳаёт ва одамлар ҳақидаги хулосаси мавжуд.

Қиссани ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчида ҳар хил мулоҳазалар туғилиши, турли талқинларга берилиши, калитни турли жойлардан излаб кўриши тайин. Менимча, қисса мазмунини барибир А. Аъзамнинг ўз ижодий концепциясидан излаш керак бўлади. А. Аъзам асарлари ровийлик шаклига кўра ҳангомага яқин туради: адиб худди ёнингизда тургандай асар воқелигини сизга бирма-бир, батафсил, эринмай, иқир-чикиригача айтиб, гурунғ қилиб беради. Биз маълум бир ҳикоялардан ташқари деярли барча асарларида ана шу услубни сезамиз. Ахмад аканинг ўзи табиатан ҳангомагўй одам эди, оддий гурунғларда ҳам кўрган-көчирганини қизиқарли қилиб сўзлаб беради. Бироқ шаклан ҳангомага яқин тургани билан мазмунан, мен илгари ҳам ёзганимдек, Ахмад Аъзам ижодида ўзини излаётган, ўзининг моҳиятини, ўзликни англашга киришган Одам образи, қиёфаси, дардлари ва хулосалари бўртиб туради. “Қуроқ”да ҳам ўзини, ўз қиёфасини, ўзининг яшашдан мақсадини, тириклик маъвосида ўз ўрнини излаётган кўнгилини кўрамиз. Бу кўнгили адибнинг аксарият асарлари каби ўзини болаликка, энг беғубор даврларга чоғиштириб кўради. Бу “ўзликни излашга” энди маълум бир сабаб боис луғатдан чиқиб келган, худди болалиги каби тўпори ва айни пайтда даққи ва кўсқи жонивор ҳам сабабчи бўлади.

Бугунги кунда номи ҳақоратга яқин бўлиб қолган, бошқача айтганда, ибтидоийлик рамзига айланган бу бесўнақай, ювош жонивор билан кўнгили ўртасида қандай ўхшашлик бор?! Болалиги миниб юрган эшак билан юзма-юз турган қаҳрамон узук-юлуқ хотираларга берилади, ўзини таҳлил қилади, узунқулоқ жонивор дўстига айланган пайтлардан қанчалар узилиб қолганини, эшакнинг уйда қанграшидан ҳам номус қиладиган даражада болалик беғуборлигидан, бошқача айтганда, ўзидан узоқлашиб кетганини жонли, ярим мутойиба тарзида сўзлаб беради. Ҳар бир хотира — битта қуроқ. Бу қуроқлардан яхлит манзара, ўзини зиёли, жамиятнинг олди деб ҳисоблаётган одамнинг болалиги кўчаларини кезиб чиқиши, нима йўқотиб, нима топганини таҳлил қилиши орқали биз яна ўзини излаётган одамга дуч келамиз.

Эҳтимол, аччиқдир, лекин мени бир нарса ўйлантиради: нега Ахмад Аъзам бир даққи жонивор сабаб бўлиб, бундай хотираларга берилди? Ахмад ака қиссада ўз болалигини (мен қисса тўлиқ адибнинг ўз болалигини хотирасига қурилганига ишонаман, чунки бунақа хотираларни тўқиб, ёзиб бўлмайди) аниқ ва теран, ҳар бир деталигача эслай олганига тан бермасдан илож йўқ. Айни қиссада хотирланаётган воқеалар худди кечагина содир бўлгандек фавқулодда жунбушга келган. Қиссани ўқиб, Ахмад ака биз дийдорлашишга вақт ажратолмаган кейинги йилларда хотиралар билан яшаб, хотиралар билан андармон бўлган экан, деган ҳижолат уйғонади кишида. Чунки ўз дарди, ўз ғами билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган касалманд одам учун ойлаб патагини кўрсатмайдиган яқинларини журналардан кўра бир эшак яқинроқ бўлганини қиссани ўқиб, ҳис этмасдан илож йўқ. “Нега луғат?! Нега эшак?!” деган савол ҳар бир ўқувчида уйғониши табиий. Луғат ва эшак ниманинг тимсоли бўлиши мумкин? Биз кам ишлатадиган айрим сўзларни тушунмаган ва англамаган пайтларда ёки асл маъ-

носини билиш учун луғатга мурожаат қиламиз. Эҳтимол, қаҳрамон ҳаётнинг асл маъносини излаб луғат титгандир, ана шу маъно излаш уни болалиги миниб турган ҳайвонга дуч қилгандир?

Қисса дунё ёзувчилари, айниқса, Лотин Америкаси адиблари кенг фойдаланган фантасмогорик шартлилик билан бошланади. Луғат титиб ўтирган қаҳрамон эшак ҳақидаги мақолни ўқигач, шу луғат ичидан эшак чиқиб келади ва янги даврнинг нуқси уриб, болаликдан, самимийлик ва табиат билан уйғунликдан узоқлашган қаҳрамон билан баҳслашиб, бугунги ҳаётда, нуқтаи-назарларда, баҳо ва эътирофда ўз ўрнини талашади. Эшак фақат болаликнинг хотирасида эмас, қаҳрамоннинг бугунги ҳаётида ҳам ўз ўрни бўлишини талаб қилади. Аммо таассуфки, қаҳрамон ўзгарган, у бугун болалигининг бир қисми бўлган бу заҳматкаш жонивордан номус қилади, эшак бугунги маданий онг назарида даққиюнуслик белгиси. Бугунги онгимиз эшак мишидан, эшак билан ёнма-ён туришдан ор қилади, у бизнинг ошкор қилишга уяладиган ва номус қиладиган хотирамизга айланган. “Болалик – эшак минган ашула, уловдаги ҳофиз”. Менимча, асардаги конфликт айнан мана шу нуқтаи назарлар тўқнашувида содир бўлади. Қаҳрамон бу ўтмиш жониворини тан олмайди, аммо болалик хотирасига оралагани сайин энг гўзал дамларини шу жонивор билан ёнма-ён кўраверади. Демак, қанчалик, қўсқи, хунук ва замондан орқада қолиш бўлиб туюлмасин, у қаҳрамон ҳаётининг бир бўлаги. Эшак қаҳрамондан бор-йўғи шунини ошкора тан олишини талаб қилаяпти. Айни шу лаҳзаларда бу жонивор, гарчи бироз дағал ва беўхшов туюлса-да, бутун бошли табиат билан уйғунликнинг тимсолига айланаёпти.

Бугунги қаҳрамон эса бу уйғунликдан узоқлашиб кетган, ундан айро яшайпти, ҳатто бу уйғунликнинг устидан кулишга, уни мазах қилишга тайёр. У ўзининг лойи ана шу тўпорилик, ана шу қўсқиликда пишитилганини унутган. Лекин охир-оқибат қаҳрамон барибир ўзининг ҳаётида узунқулоқ жониворнинг, демак, ўзи бугун ор қилар даражага келган хотираларнинг ўрнини ботинан тан олади. Бу эса энг муҳим хулоса, бу Аҳмад Аъзамнинг хулосаси: инсон ўзи яшаб турган, ўзини шакллантирган, ўсиб-улғайтирган ўзликдан, ўзини тарбия қилган ўтмишдан айрилса, у шу ўзликни фақат луғатлардан изловчига айланади, холос. Ўзининг ўзлиги қолмайди. Ўзликсиз яшаш эса, Аҳмад Аъзамнинг “Ўзини излаётган одам” туркумидаги новеллалари хулосасига кўра, исмсиз одамдир. Исмсиз одам – қиёфасиз, миллатсиз, ватанда туриб ватансиз (“Ватан ҳақида ёзишга кучим етмаган шеърим” новелласида бу ҳақда батафсилроқ мулоҳаза қилади) одамдир. Бу фазилатлардан маҳрум одам эса шунчаки биологик мавжудот.

Бу Аҳмад аканинг асар орқали айтмоқчи бўлган энг муҳим, эҳтимол, ўзликни излаган адибнинг энг сўнги хулосасидир?!

Назар Эшонкул



“Segoh” sirlari

Мақомлар Шарқ халқлари мусиқа маданиятида қадимдан муҳим ўрин тутган. Мақом туркумлари таркибига кирган чолғу ва ашула йўлларида битилган асарлар чуқур бадиияти ва оҳангдорлиги билан қадрлидир. Улар халқ руҳиятини, нафосатини теран ифодалаган. Бу асарларни авлоддан-авлодга етказган санъат намояндалари ҳам билимдон ва фидойи инсонлар бўлишган.

Улар, биринчидан, бетакрор овоз ва ўзига хос ижро эгалари бўлган. Хусусан, улар мусиқа билимдонлари, ижрочилари ўз ижодларида мақом санъатининг мероси, ижрочилик аънаналарини яхши билганлар ва албатта, устоз сабоғини олишган. Ҳар бир хонанда ва устоз даражасига эришган созандалар мусиқанинг билимдони сифатида халққа танилган. Иккинчидан, улар халқ йўлидаги бастакорлар эдилар. Бастакор деганда куй ва ашулалар ёзувчи, мусиқа яратувчисини англаш лозим. “Шашмақом” ва барча мумтоз услубда ижод этганларнинг ҳаммаси бастакор деб эътироф этилади. Учинчидан, мусиқа чолғулари ижросида ҳам жуда мохир бўлишган. Созлар гўёки инсон овозидек сирли ва тароватли ижро этилган. Созлар овоз учун кўмакчи ва йўлдош вазифасини бажарган. Шу боис бўлса керак, халқимиз ижрочилик амалиётида турли чолғуларнинг ижрочилик аънаналари юзага келган. Халқимиз орасида кенг тарқалган куйларнинг “сурнай йўли”, “ғижжак йўли”, “дутор йўли” каби иборалари замирида ана шулар ётади. Бу жараён мақом ижодиётигача ривожланганини биз “Дутор мақомлари”, “Сурнай мақом йўллари” мисолида кўришимиз мумкин.

Мақом ижрочилигида танбур етакчи соз бўлган. Танбур нафақат мақомлар ижроси учун, балки мақом ижодиёти учун етакчи ва асосий чолғу вазифасини ўтаган. Ижро жараёнида унга бир қатор созлар жўр бўлиб турган. Амалиётда ҳар бир чолғунинг ўзига хос ижрочилик аънаналари шаклланган. Жумладан, дутор, доира, ғижжак, най, чанг, кўшнай ва ҳ.к. Тўртинчидан, мақом тингловчилари мумтоз мусиқанинг шинавандалари бўлишган.

Таниқли олим Абдурауф Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласида “Шашмақом” ва

мақомлар хусусида шундай ёзади: "...бизнинг классик мусиқамиз "Шашмақом" исми билан юргизилган олти қатор куйлардан иборатдир. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ. ... "Бузрук" – бошловчи, "Рост" – ҳақиқат, "Наво" – ҳаёт чашмаси, "Дугоҳ" – ҳаёт ва охират, "Сегоҳ" – уч пайтни, яъни болалик, ўсмирлик ва кексаликни ифодалайди, "Ироқ" – жой номи (Месопотамия) дир". Бундан маълум бўладики, "Шашмақом" таркибидан жой олган ҳар бир мақомнинг ўз ўрни, хусусиятлари ва маъноси мавжуд. Ижро этиш жараёнида хонандалар ана шу жиҳатларни инобатга олишлари жуда муҳимдир.

Буюк қудратга эга бўлган оҳанглар мажмуи – мақомларнинг сеҳрини "Сегоҳ" мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўтмишда яратилган мусиқий рисолаларнинг айримларида "Сегоҳ" мақоми хусусида қимматли маълумотлар бериб ўтилганлиги китобларда баён этилади. Уларда "Сегоҳ" мақомининг олдинги намуналарига қисқа-қисқа таъриф берилар экан, теурийлар давридан бошлаб то XVIII асргача яратилган рисолаларда "Сегоҳ" мақомига тегишли куйлар, ашулалар номлари ҳамда улар қандай усулларда айтилгани хусусида сўз юритилган.

Жумладан, "Сегоҳ" атамаси кўпчилик Шарқ халқлари (ҳинд, араб, Эрон, Турк, Озарбойжон, уйғур ва ҳ.к.) мусиқасида қадим замонлардан бери турли маъноларда қўлланиб келинганлиги баён этилади. Уларда "Сегоҳ" – "уч ўрин", яъни мусиқий чолғуларнинг уч пардасидан ҳосил бўладиган товушлар ифодаси сифатида таърифлангандир. Мусиқашунос олим Исҳоқ Ражабов ҳам "Ўн икки мақом тизимида кирган мақомларнинг учинчи пардасидан бошланиб ижро этилган куй ва ашулалар мазкур мақомларнинг сегоҳи ҳисобланган" деб қайд этади.

Кўпчилик ижрочилар, дарҳақиқат, "Сегоҳ" уч пардадан ташкил этилган куй", дейишади. Оддий тилда – "уч ўрин". Мусиқада – "уч парда". Ана шу уч парданинг бетакрор тарзда бирин-кетин қайтарилиши ва оҳанг тузишдаги иштироки "Сегоҳ"дир.

"Сегоҳ"нинг ўзига хос оҳанги бор, уни тинглаган тингловчи беихтиёр ўйга чўмади. Хотиралар билан тўқнашади. Ширин дамлар, ҳаётидаги бахтиёр кунларни эслайди. Шу боис бўлса керак, мақомларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилган яна бир манбада "Бузрук" – улуғворлик мақоми ёки "Рост" – тўғри йўл, ростгўйлик бўлса, "Сегоҳ" – ҳижрон мақоми деб таърифланади.

Абдурауф Фитрат ана шу уч ўринда инсон умрининг энг муҳим уч даврига ишора қўради: болалик, ўсмирлик ва кексалик. Аслида бу даврларнинг ҳар бири чексиз маъноларни касб этувчи қонуниятлар, жараёнлар ва хусусиятлар билан боғлиқ. Уларнинг мусиқада ифода этилганини эса Абдурауф Фитрат "Сегоҳ"да ифодасини топган" деб изоҳлаган бўлиши мумкин. Лекин, бир нарса аниқки, Фитрат домла "Сегоҳ"нинг чексиз маънолар касб этишига ишора қилаётганлиги аниқ. Зотан, "Сегоҳ"ни тинглаган, хоҳ у бола бўлсин, ўспирин ёки ёши улуг инсон, албатта, ўзига керакли оҳангни олади, маънавий дунёси бойийди, қалби завққа тўлади, ҳаётга умид уйғонади. Шу боис бўлса керак, мусиқий меросимизда "Сегоҳ" мақоми йўлида ва унинг товушқатор тизимлари асосида жуда кўп асарлар яратилган. Масалан, сурнай "Сегоҳ"ининг ўзи бир дунё. "Сегоҳ"нинг Фарғона йўлидаги намунасини куйламаган ҳофизу хонанда ва уни билмаган инсоннинг ўзи йўқ. Бу асар ҳажман йирик эмас, лекин бутун бир оламни бир таронага жойлагандек таассурот уйғотади.

Дилором АБДУАЗИМОВА

Мусиқали театр ҳақида ёзиш ҳам хузурли, ҳам машаққатли. Ёқимли томони шундаки, ёзаётганда бевосита сахна асарини эшитиб, кўриб тургандек ҳис этади киши ўзини. Машаққатли томони эса спектакл ижодкорларининг ички кечинмаларини тўлиқ англаш қийинроқ кечади.

Сахна асарларининг деярли барчасида мусиқага мурожаат қилиш лозим бўлади. Мусиқали театрларда драматик театрлардан фарқли ўлароқ спектаклнинг асосини мусиқа эгаллайди. Драматург ёзган пьесага бастакор томонидан увертюра, ария ва дуэтлар киритилади ва бу жиҳат мусиқали драма жанрининг асоси ҳисобланади. Айни йўналишда фаолият юритувчи театрлар юртимизда талайгина. Жумладан, пойтахтимиздаги Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида ҳам 74 йил мобайнида юзлаб турли-туман мусиқий спектакллар яратилди.

Бу театр пардаси 1939 йилда "Майсаранинг иши" мусиқали комедияси билан очилганлиги боис дастлаб "Мусиқали комедия театри" сифатида фаолиятини бошлаган. Кейинчалик Мусиқали драма ва комедия театри, айни пайтда эса Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри номи билан фаолият юритмоқда. Театр фаолиятини Ўзбекистон халқ артистлари: Т. Жалилов, Р. Ҳамроев, М. Ғафуров, С. Хўжаев, Л. Саримсоқова ва Ф. Раҳматоваларнинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. 1958 йилда театрга янги истеъдодли авлоднинг келиб қўшилгани юқорида номлари қайд этилган устоз санъаткорларнинг кучига куч қўшди.

Бу устозлар шогирдларига ҳаёт, айниқса, ижод борасида улуг ўрناق, намуна бўлиб келишган. Масалан, мусиқали драманинг шоҳ асари "Тоҳир ва Зухра" асарида асосий қаҳрамонлар роллари турли ижрочилар томонидан турфа талқин қилинди. Маҳмуджон Ғафуров яратган Тоҳир роли эса мусиқали драмада бугун ҳам эталон ҳисобланади. Айниқса, спектакл 45 кун мобайнида узлуксиз намойиш этилган пайтда Зухра ролини актрисалар галмагал ижро этишган бўлса, Тоҳир ролини Маҳмуджон Ғафуров 45 марта асл тоналликда узлуксиз ўйнаган. Чунончи, у спектаклда қўшиқ куйламасди, ария



MUSIQALI SAHNA SARHADI

ижро этарди, шунинг учун ҳам уни “мусиқали драманинг қироли” дейишарди.

Опера театрига томошабин опера эшитиш учун боради, мусиқали драма театрига эса спектакл томоша қилиш учун ташриф буюради. Лутфихоним Саримсоқова сахнадаги актёрлик ҳамда кўшиқ ижро этиш санъати баб-баравар олиб борилишига алоҳида эътибор берарди. Қолаверса, таниқли санъаткоримизнинг ўзи “Нурхон” мусиқали драмасидаги Кимё образини қойилмақом ижро этган. Лутфихоним ўшанда ашула айтмаган, қахрамони дардини мусиқага солган. Мусиқали театрда ҳар икки жиҳатни бирдек тута билган ижрочигина ҳақиқий актёр ҳисобланади. Шу маънода, мусиқали театр сахнасига мусиқий актёрлар лозимлигини унутмаслик керак.

Мусиқий театр актёри учун спектаклдаги мусиқаларнинг темпоритми билан актёрнинг ички темпоритми ҳамоҳанг бўлиши энг муҳим омиллардан бири саналади. Оркестрдаги мусиқа темпи тез бўлса-ю, актёр секинроқ қадам ташласа, у ролига борлигини бахш этмаган бўлади. Ёки оркестрда қайғули мусиқа оғир темпда таралиб турсаю, актёр энгил қадамлар ташласа, актёрнинг қалби “бўш”лиги билиниб қолади. Ижро комиллиги учун бундай театр актёрлари ариянинг аслида мусиқали монолог эканлигини

уқиб олишлари муҳим.

Мусиқали театрнинг муҳим жиҳатларидан бири драматург билан бастакорнинг ҳамфикр бўлишидир. Бастакор Тўхтасин Жалилов ва драматург Собир Абдулла кўплаб спектакллари бирга ёзишган. Тўхтасин Жалилов мусиқали драмага ария ва дуэтлар ёзаётганда миллий мақомларимиздан усталик билан фойдалана олган. Ҳозирги кунда драматург ва бастакор алоҳида ишлашади. Баъзан учраб турадиган мана шундай хатолар мусиқали драма жанрининг оғриқли нуқталаридан бири ҳисобланади. Мусиқали спектаклларда кўзга ташланиб турадиган хатолардан яна бири шуки, образ ижросидаги актёр мусиқа бошланиши билан хонандага айланиб қолади. Аслида эса актёрдан қахрамоннинг ўша ҳолатдаги гапини, дардини мусиқада ифодалаш талаб қилинади. Бунинг учун актёр актёрлик ва кўшиқчилик маҳоратини баробар эгаллаган бўлиши керак.

Албатта, мусиқали драманинг ҳам бошқа жанрлар сингари ўзига хослик ва нозикликлари кўп. Мусиқали спектакл режиссёрининг вазифаси актёрни драматург берган, бастакор битган воқеа, ҳолат, мусиқага мослаштириш, актёрнинг вазифаси эса мослашиш ҳисобланади. Бундай ижролар учун мусиқали театр актёридан, аввало, асарни таҳлил қилиш салоҳияти ва театр

мактаби сабоқларидан ўринли фойдаланиш талаб қилинади. Шунинг учун мусиқий драма актёри бўлиш жуда машаққатли ҳисобланади.

Янги давр мусиқали драма жанрига замонавий руҳдаги, яъни эстрада йўналишига яқин куй ва кўшиқлар ҳам киритилипти. “Осмоннинг бағри кенг”, “Айрим нусхалар”, “Осмондаги ҳулкарим”, “Асл хазина” каби мусиқали спектакллар бунга яққол мисол бўлади. Бу каби спектаклларда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанавийликни бузмаган ҳолда, эстрада йўналишига яқин куй ва кўшиқлардан ташқари трио ва квартетлар ҳам ёзилапти. Табиийки, мусиқали спектакллардаги рақслар ҳам куйга мослаб замонавий рақс элементлари ва ҳаракатларидан фойдаланиб сахналаштирилмоқда.

Санъатимизнинг бир бўлаги бўлмиш мусиқали драма жанридаги трансформацион жараёнлар, яъни янги чаккарашлар, талқинлар, кенг диапазондаги ўзгаришлар, театрларимизда сахналаштирилаётган янги сахна асарлари нафақат кексаларда, балки ёшларимизда ҳам яхши таассуротлар қолдирипти. Демак, янги давр санъати, ундаги янги чакка фикрлаш ва қарашлар келажак авлодни янгиликка, яхшиликка етаклаши муқаррар.

Дилмурод УЗОҚОВ

Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожига ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, “миллий эстрада” деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, “оммавий маданият” руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта.

Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

Ислон КАРИМОВ,

“Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридан



Ўтган асрнинг 80-90-йилларида жаҳон санъатига, хусусан, эстрадасига янги термин – “шоу-бизнес” атамаси кириб келди. Инглиз тилида “Show business” – кўнгил очиш соҳасидаги бозор муносабатлари маъносини англатиб, бу атама:

- аудио ва видео маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи компаниялар;
- артистлар ва айрим спортчилар;
- кино, телевидение, театр ва мусиқа сингари ишлаб чиқариш манбаига эга бўлган соҳаларни тарғиб қилиш ва шунинг ортидан даромад олишга нисбатан юритила бошланди.

Мазкур тушунчанинг пайдо бўлиши аста-секинлик билан санъат соҳаларидан маънавият, тарбия, ғоявий етуклик ва миллий мафқурани сиқиб чиқара бошлади. Мақсади фақат даромад топиш бўлган йирик-йирик компаниялар мусиқачилар, раққос ва хонандалар, кино, телевидение, театр, цирк ва эстрада актёрларини топиш, машҳурлик чўққисига чиқариш ва уларнинг хизматларини сотишга киришди. Бундай иш билан машғул инсонлар ўзларини “продюсер” деб аташди.

“Продюсер” инглизча сўз бўлиб, “маҳсулот

эгаси” маъносини англатади. Бошқача айтганда, продюсер маҳсулот эгаси, артист эса “маҳсулот”дир. Маълумки, бугунги замонавий бизнесда кўп ҳолларда маҳсулотнинг ташқи сифатларига, яъни уни чиройли қадоқлаш ва яхши реклама қилишга катта аҳамият берилади. Маҳсулотнинг истеъмолчига фойда-зарари эса ишлаб чиқарувчиларни деярли қизиқтирмайди. Бундай ёндашув “шоу-бизнес”га ҳам тааллуқлидир. Артистнинг ташқи кўриниши, кийими, соч турмаги ва ҳоказо унсурларига алоҳида эътибор қилинса, унинг ички маданияти, кўшиқларининг савияси, ишлов берилган овози иккинчи даражага тушиб қолади.

Замонавий “шоу-бизнес”да яна бир тушунча, атама мавжудки, бу сўз “PR” (пиар)дир. Аслида инглизча “public relations” иборасидан олинган ушбу тушунча “жамият билан алоқа қилиш” маъносини англатади. Мазкур атама ҳам иқтисодиёт соҳасидан келиб чиққан бўлиб, маҳсулотни жамиятга таништириш демақдир. “Шоу-бизнес”да эса ўз маҳсулотини таништиришда продюсернинг хизматлари катта бўлади. Атама моҳиятини





San'at biznes... mi?

“маҳсулотнинг сифатидан қатъий назар, уни телевидение, радио, афишалар ва бошқа турдаги воситалар орқали намойиш этиш, кўкларга кўтариб мақташ, имкон қадар уни инсонлар хотирасига тез-тез солиб туриш” тарзидаги талқин яққолроқ очиб беради.

Бугун ҳар бир эстрада хонандаси ёки артистларида алоҳида, юқоридаги ишларни назорат қилувчи мутахассислар бор. Улар замонавий тилда “PR менежерлар” деб юритилади. “PR менежерлар” артистнинг оммавий ахборот воситаларидан “тушмаслиги”ни таъминлайди. PRчилар артистнинг интервью ёки телешоуда ўзини қандай тутиши, саволларга қай тарзда жавоб бериши, шахсий ва керак бўлса, оилавий ҳаётининг қайси қирраларини оммага етказиши мумкин ёки мумкин эмаслигини олдиндан режалаштириб беради. Ғарбда бу соҳа билан асосан журналистлар шуғулланадилар.

Замонавий эстрада санъати “шоу-бизнес” деб аталаётганининг асосий сабаби мазкур санъатнинг юқори даражада молиялашиб бораётганлигидандир. Биргина эстрада артисти (хонандаси, актёри) билан продюсер, администратор, PR менежер, стилист ва шу каби бир нечта мутахассис иш олиб боради. Айни соҳаларнинг ҳар бирига биттадан бир нечтагача мутахассис жалб этилиши мумкин. Компания артистнинг концертларини уюштириш, томошаларини ташкил қилиш, томошабинлар билан таъминлаш, чипталарни сотиш, концертни ОАВда реклама қилиш ишларини ана шу мутахассислар ёрдами билан амалга оширади. Бугунги кунда аксарият санъаткорлар ўз томошаларини ташкил қилишда ана шундай йўл тутишмоқда.

Ғарб маданиятининг таъсири остида вужудга келган бундай усул бир қарашда ўз самарасини бераётгандек, аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, калаванинг учи айнан ана шу ерда эканлигини фаҳмламоғимиз зарур. Авваламбор, бозорнинг хусусияти талаб ва таклифдан иборат эканлигини

инобатга олсак, бундай услубни эстрада санъатига нисбатан қўллаш маъқул эмасдек кўринади. Бозорнинг вазифаси – талабни қондириш, санъатнинг вазифаси эса инсон маънавий дунёси, диди ва миллий ғурурини тарбиялашдир.

Шундай экан, ёш санъаткорлар эътиборини “оммавий маданият” таъсиридан узоқлаштириш, уларнинг миллий мусиқа, театр, рақс, анъанавий томоша санъати каби маданий меъросимизга бўлган қизиқишларини ошириш зарурдир. Бунга ёш авлоднинг адабиёт, театр, мусиқага бўлган эътиборини кучайтириш, ички маданияти ва маънавий оламини ўстириш, бадиий эстетик диди, кийиниш ва сўзлашув одобини шакллантириш, онгини сохта маънавий тушунчалардан холи асраш, санъаткорларимиз орасида соғлом ижодий муҳитни яратиш билан эришиш мумкин. Бугун ичимизда эстрада санъатининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаётган, унга “замонавий ғарб фалсафаси”га мувофиқ тарзда даромад манбаи сифатида қараётганлар ҳам учрамоқда. Айрим ёш ижрочилар ва гуруҳлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига умуман тўғри келмайдиган куй-қўшиқлар, клиплар, томошалар, адабий тилимизда учрамайдиган бақирлиқлар, “жумла”лар ва “сўз”лар жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, ижрочиларимиз орасида кийиниш, сўзлашиш, саҳнада ўзини тутиш, ижро давомида томошабинлар билан мулоқот қилиш каби оддийгина ҳолатларда ҳам замонавий ғарб маданиятида урф бўлган белгиларни учратишимиз мумкин.

Айни ҳолни бартараф этиш учун кўр-кўрона тақлиддан қочиш, ҳар қандай янгиликни ментал хослигимиз нуктаи назаридан таҳлил-талқин этароқ, санъатни, саҳнани бозор эмас, маънавият тарғиботи деб билиш лозим.

Фаррух ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти ўқитувчиси

Uyg'un ohanglar orasida

Жахон композиторлик мактабида фортепиано чолғуси алоҳида ўрин эгаллайди. Буни фортепиано воситасида кўплаб нодир асарлар яратилгани, ижодкорлар энг нозик туйғуларини айнан фортепиано орқали ифодалаб берганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Жахон классиклари қаторида Ўзбекистон композиторлари ҳам фортепиано чолғуси учун қатор етук асарлар яратишдики, улар миллий мусиқа мактабида ўзининг беназир ўрнига эга бўлди. Ўзбек композиторларининг йирик ва кичик жанрдаги фортепиано асарлари, жумладан, Б.Надеждиннинг "Кичик сюита", "Дўмбира", Б.Гиенконинг 24 прелюдияси, Х.Изомовнинг "Токката", "Ноктюрн", М.Ашрафийнинг "Сўзсиз кўшиқ"лари, Х.Азимовнинг "Дилбар", "Чаманда гул", И.Акбаровнинг "Карвон", "Алла", "Қувноқ кайфият", С.Ҳайитбоевнинг прелюдия ва фугалари, вариациялари, Р.Абдуллаевнинг прелюдия ва фугалари, А.Набиевнинг "Муножот" ва "Тановор"лари бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган ҳолда ёш ижрочилар томонидан мунтазам ижро этиб келинмоқда. Мана шундай таниқли композиторлар қаторида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, устоз композитор Георгий Мушел ижоди ҳам Ўзбекистонда фортепиано чолғу мусиқасини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди.

Георгий Александрович Мушел фортепиано бўйича дастлабки кўникмаларни онасидан ўрганади ва бу борадаги назарий билимларини 1930-1936 йилларда Москва давлат консерваториясида композиторлик йўналишида профессорлар Н.Я.Мясковский ва М.Ф.Гнесин, фортепиано бўйича эса профессор Л.Н.Оборин синфида оширади. Талабалик даврида у концертларда яқка созанда ва концертмейстер сифатида тез-тез чиқиб, мусиқа жамоатчилигига танила бошлайди. Ўқишни тамомлаганидан сўнг мусиқашунос Ян Пеккер билан йўлланма бўйича Тошкентда янги ташкил этилаётган консерваторияга ишга келади.

Г.Мушел консерваторияда ўқитувчиликдан профессорликкача бўлган катта педагогик йўлни босиб ўтиб, Пўлат Холиқов, Телман Ҳасанов, Холмирза Азимов, Ғойиб Демесинов, Абдулазиз Ҳошимов каби қатор шогирдларни тайёрлади. Истеъдодли мусиқашунос ёш мутахассисларга таълим бериш билан бир қаторда ижодий жараёнда ҳам фаол иштирок этади. Композитор Ўзбекистон мусиқа санъатининг тараққиёт уфқларини кенгайтиришга, мусиқий асарнинг ифода воситаларини бойитишга интилиб, Шарқ ва Ғарб аънааларини боғловчи омилларга таянган ҳолда катта ижодий ютуқларга эришди. Г.Мушел биринчилардан бўлиб, мураккаб чолғу жанрларига мурожаат қилди ва ўзининг бетакрор асарларини яратди. Композиторнинг "Гулнора", "Туфелька Дин", "Кашмир афсонаси", "Бибиҳоним" балетлари, учта симфония, скрипка ва симфоник оркестр учун концерт, "Мусиқали вернисаж", 6 та миниатюра, орган учун "Ария", "Токката", "Фуга" сингари вокал асарлар, "Равшан ва Зулхумор", "Гул ва Наврўз", "Паранжи сирлари" мусиқали драмалари ўзбек мусиқа санъатининг дурдоналарига айланган.

Г.Мушел ҳаёти ва ижодидида фортепиано чолғуси алоҳида аҳамият касб этади. Ижодкорнинг моҳир фортепиано ижрочиси эканлиги унинг бу чолғуга бўлган алоҳида муҳаббатини яна бир бор тасдиқлайди. Фортепиано чолғусига бағишлаб композитор кичик ва йирик жанрларда кўплаб асарлар ёзди. Фортепиано ва симфоник оркестр учун 6 та концерт, фортепиано учун 24 та "Прелюдия ва фуга", "Пуштиранг сонатина", 26 та пьеса, 8 этюд, болалар учун альбом, "Токката", 4

қўл пьеса ва сюита, иккита фортепиано учун 2 та сюита – композиторнинг мазкур чолғу учун яратган асарларининг энг саралари ҳисобланади.

Георгий Мушелнинг фортепиано учун яратилган асарлари нафақат мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа коллежлари ва махсус академик лицейларда, балки олий ўқув муассасаларида ҳам ижро этилмоқда. Бу асарлар концерт дастурларидан ўрин олиб, кўрик-танловларда ҳам ўқувчиларимизга ютуқлар олиб келмоқда.

Г.Мушелни Ўзбекистонда фортепиано учун яратилган концерт адабиётининг асосчиси десак, муболаға бўлмайди. Унинг 1-фортепиано концерти консерваторияда ўқиб юрган йилларида яратилган бўлиб, унда умумий анъаналар ўз ифодасини топган эди. Кейинги фортепиано концертларида эса композитор ўзбек мусиқа мероси намуналаридан иқтибос келтириш, миллий оҳанг, вазн, усул ва парда хусусиятларини гармоник ва полифоник воситалар билан уйғунликда йўналтира олишга сазовор бўлди. Шу тариқа янги, ўзига хос ва такрорланмас мусиқа тилини яратди. Композиторнинг концертларида абадий мавзулар бўлмиш яхшилик ва ёмонликнинг кураши, муҳаббатнинг турли жилоларда мадҳ этилиши, қайғунинг хурсандчилик билан алмашинуви, лириканинг тетиклик ва жўшқинлик билан кетма-кет келишини кузатамиз. Композитор мусиқий тилидаги бундай бетакрор асарлар машҳур дирижёрлар ва пианиночиларни ўзига маҳлиё айлади. Таниқли ижрочилар, ўқитувчи ва талабалар Г.Мушелнинг асарларини ўз ижро дастурларига киритдилар. Композиторнинг 2-, 3- ва 4-фортепиано концертлари Ўзбек филармонияси симфоник оркестри жўрлигида илк бор ижро этилган бўлса, 4-концертнинг навбатдаги ижроси Москвада А.Козловский дирижёрлигида янгради. Концертдан олинган таассуротлар бу асарнинг ва бошқа концертларнинг Д.Башкиров, И.Аптекарев, Рудольф Керерлар томонидан кўплаб чет элларда ижро этилишига замин яратди.

Г.Мушелнинг фортепиано учун ёзган кичик шаклдаги асарлари ҳам диққатга сазовордир. Бу йўналишда композитор ўзига хос янгиликлар ярата олди. Г.Мушел ижоди фортепиано концерти билан бир қаторда фортепиано учун мўлжалланган бошқа барча жанрларни ҳам қамраб олди, десак муболаға бўлмайди.

Композитор ижодидаги этюд, баллада, элегия, скерцо, интермеццо, марш, токката, эртақ ва бошқа жанр асарлари ўзбек миллий мусиқий тилига ўгирилгандай таассурот уйғотади. Бу жиҳат нафақат Г.Мушелнинг фортепиано концертларида, балки бутун ижодий фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлди.

Г.Мушелнинг фортепианодаги ижодига қисқа саёҳат қилар эканмиз, унинг барча жанрлардаги асарларининг ташқи анъанавий кўриниши остида нисбатан янги, ноанъанавий талқинга дуч келаемиз. Ҳар бир асари талқинининг ўзига хослиги ва бадиий моҳияти, халқ миллий илдизлари билан узвий боғлиқлиги Г.Мушелнинг фортепиано концерт ҳамда ўқув-педагогик репертуарига киритган ҳиссаси катта эканлигини тасдиқлайди.

Муборак ЁҚУБОВА,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси ўқитувчиси



Ustoz yodi

Чинакам фидойи, жонкуяр инсон ўзига маънавий ришталар ила боғланган одамларнинг ташвишини ўзиники билади, ютуғидан қувониб, хатосидан қайғуради. Шу боис бундай зотлар орамиздан кетганидан сўнг ҳам қалбимизда яшайверади. Қайноқ ижодий фаолиятининг аксарият қисмини Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга билим беришга бағишлаган, меҳрибон ва жонкуяр устоз, кўплаб шогирдларнинг мусиқа илмидаги устози, беназир ижодкор Дилбар Дониёрхўжаевани ҳам санъат

ҳамда илм аҳли доим эҳтиром билан ёдга олади.

1938 йили Тошкентда санъатсеварлар оиласида туғилган Дилбар опа болалигиданоқ мусиқага ўзгача меҳр қўяди. Қизиқишларини қадрлаган ота-она далдаси билан у 1946-1956 йилларда В.А.Успенский номидаги мусиқа мактабида таҳсил олади. Сўнг консерваторияда ўқишни давом эттирган Дилбар Ҳикматовна бу ерда мусиқа санъатининг машхурнаомояндалари: З.Тамаркина, Афанасьеваларнинг маҳорат сабоқларини эгаллайди. Бу изланишлар натижаси секин-

аста юз кўрсата бошлайди. Чунончи, Дилбар Республика Ёшлар фестивалида иштирок этиб, оркестр билан энг яхши ижро этгани учун биринчи даражали диплом билан тақдирланади.

Ўз ишининг устаси бўлган Дилбар Дониёрхўжаева ўзбек маданияти ва санъатининг фаол тарғиботчисига айланади. У нафақат юртимизда ўтказиладиган санъат байрамларида, шу билан бирга, чет мамлакатларда ташкил этиладиган ўзбек маданияти декадаларида ҳам фаол иштирок этиб олқишга, эътирофга сазовор

Unisondan polifoniya sari: o'zbek xor san'ati tarixi

Ўзбекистонда хор санъати бир овозли кўшиқлардан йирик шаклдаги кўп овозли хор асарларигача бўлган анчайин мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Халқ байрамлари, маросим ва тадбирлар, ҳарбий юришларга мусиқа, кўшиқ, рақс, чолғу доимий ҳамроҳ бўлган. Шунингдек, кўпчилик халқ кўшиқлари меҳнат жараёнида юзага келган. Улар битта ёки бир нечта ижрочи, баъзан жамоа бўлиб ижро этилган бўлса-да, хор тушунчаси бўлмаган, чунки ўзбек мусиқасига бир овозли (унисон) кўриниш хос эди. Кенг тарқалган хор кўшиқлари бўлмиш ялла фақат аёллар ижросида айтилган бўлиб, кўшиқнинг банди яккахон, нақорати эса хор бўлиб ижро этилган. Тўй-маросимларда, келинни кувёв уйига кузатиш вақтида аёллар аввал яккахон ижро этган кўшиқни бошқа аёллар қўшилиб давом эттирган. Кўшиқ ижросига айрим чолғулар ҳам жўр бўлган. Чолғу ашулачилар куй йўлига, баъзан алоҳида вокал йўлига қўшилиб, икки овозликнинг жуда оддий тури ҳосил қилинган.

XX асрнинг 20–30 йилларида ўзбек мусиқашунослари олдида кўп овозли янги мусиқани ривожлантириш, миллий кўп овозли мусиқа асарларини яратиш вазифаси қўйилди. Бунда халқ кўшиқ асосларини умумевропа композиция усуллари билан боғлаш анча қийинчилик туғдирар эди. Ўзбек халқ кўшиқларининг тузилишида куйнинг кўп овозли кўринишини яратиш учун имкониятлар қидириш муҳим эди. Бу масалани ҳал этишда ўзбек композиторлари учун вокал ва чолғу

ўртасидаги оддий икки овозли, дутор, дўмбира ва танбур ижросидаги кварта-квинта садоси, аёллар ва эркакларнинг октавали икки овозли ижроси асос бўлди.

Асосий муаммолардан яна бири янги мусиқий йўналишни халқ ўртасида оммалаштириш, кўп овозли асарларни ижро этишга жалб этиш, халқнинг мусиқа маданиятини замонавий талабларга мувофиқлаштириш бўлди. Мусиқа ўқув масканлари фаолиятини йўлга қўйиш, миллий композиторлар ва ижрочи кадрларни тайёрлаш, кўп овозли мусиқани кенг тарғиб қилиш муҳим вазифага айланди.

Республиканинг қатор шаҳарларида мусиқа мактаблари ва ўқув юртлари очилди. 1928 йили Самарқандда мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институти ташкил этилди ва у 1932 йили Тошкент санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. Кейинроқ Тошкентда Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилди ва у хорижий мусиқа тарғиботида муҳим роль ўйнади. Ўзбек санъатида янги бўлган мусиқий драма ва комедия жанри кенг тарқалди. Бу жанрда илк бор кўп овозли хорлар яратилди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қўқон ва Наманганда мусиқали драма театрлари ташкил этилди.

Ўзбек мусиқа маданияти ривожи, янги шакл ва услубларнинг пайдо бўлиши миллий опера жанрининг туғилишига сабаб бўлди. 1939 йилда М.Ашрафий ҳаммуаллифлигида биринчи ўзбек операси – “Бўрон” яратилди. 1940 йилда Р.Глиэр ва Т.Содиқов “Лайли

бўлади.

Маҳоратли созанда Дилбар Дониёрхўжаева 1961 йил Консерваториянинг махсус фортепиано кафедрасида иш бошлайди. У талабаларга мусиқа санъатининг сир-синоатларини ўргатишда куч-ғайратини аямайди. Бир неча шогирдлари халқаро танловларда юксак ютуқларни қўлга киритгани ҳам Дилбар Ҳикматовна яратган ижодий мактабнинг меваси, десак муболаға бўлмайди. Камина ҳам у кишининг қайноқ меҳридан баҳраманд бўлганимдан, маҳоратли устознинг шогирди эканимдан фахрланаман.

Дилбар опа нафақат устоз, балки инсон сифатида ҳам барча шогирдларга ўрнат, намуна бўла оладиган шахс эдилар. Шу

маънода, уларнинг умр йўллари ҳаётини тамойиллари билан уйғун кечганини таъкидлаш мумкин. Қобилиятли, зеҳни ўткир бир курсдошимиз, нимадир бўлдию моддий қийинчиликка дуч келиб қолди ва ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигига қадар ҳам шартнома маблағини тўлай олмади. Шунда Дилбар опа унинг жонига оро кириб, “руҳи синмасин, кайфияти тушса, ижоддан кўнгли қолиши мумкин”, деб пулни ўзи берганига гувоҳимиз. Бунга ўхшаш ҳолатлар устоз ҳаётида кўп бўлган.

Устозимиз касбга садоқат, фидойилик, инсонийликда ҳам барчага ибрат эди. Дилбар Дониёрхўжаева биз, шогирдларига ўз фарзандларидек қарарди. Ҳамон эсимда, бир нимадан хафа бўлиб,

кўнглим чўкиб юрганимда Дилбар опа секин ёнига чақириб, ҳаёт йўллари доимо текис эмаслигини, қиз бола эса чидамли, оғирроқ ва ақлли бўлиб, оқилона йўл тутиши лозимлигини мулоимлик билан тушунтирган. Бу ўғитлар менга ҳамон қўл келади.

Дилбар Дониёрхўжаева ҳаётни эрта тарк этган бўлса-да, биз учун ҳамон барҳаётдир. Зотан, у кишининг мусиқа санъатига доир илмий изланишларини бугун шогирдлари давом эттирмоқда. Шогирдлар номига айтилажак ҳар бир яхши сўз, олқишда устозимизнинг ҳам ҳиссаси борлигини доим ёдда тутамиз.

Сауле АШИРОВА

ва Мажнун” операсини ёзишди. Опера жанрининг пайдо бўлиши ўзбек мусиқасида кўп овозли йўналиш қарор топганидан далолат бўлиб, республикада хор санъатининг ривожини учун муҳим аҳамият касб этди.

Бу давр ўзбек мусиқасида кантата, сюита каби йирик шакллардаги янги асарлар ҳам пайдо бўлди. Г.Мушелнинг “Фарҳод қурилиши”, М.Ашрафий ва А. Козловскийнинг “Буюк саркарда”, Б.Арапов ва А.Козловскийнинг “Жалолиддин” каби асарлари шулар жумласидандир. Ўзбек халқи ўтмишига бағишланган “Улуғбек” (А.Козловский), “Маҳмуд Торобий” (О.Чишко) опералари ҳам ўша йиллар маҳсулидир.

Хор жамоалари раҳбарларини тайёрлашни яхшилаш ва сонини кўпайтириш мақсадида Тошкент давлат консерваторияси ва мусиқа билим юртининг мусиқий-педагогика бўлимлари хор дирижёрлиги бўлимларига айлантирилди. 1945–1949 йиллар давомида “Ғалаба” (С.Юдаков), “Ўзбекистон” (М.Ашрафий), “Ёруғ йўл” ва “Пахта” (М.Левиев) каби кантаталар яратилди. Бу асарлар хор маданиятининг ўсиши, ўзбек мусиқасига кўп овозли мусиқанинг кўпроқ сингдирилиши, полифоник ижод услубларининг кенг татбиқ қилинаётганидан далолат берди.

Биринчи миллий хор жамоаси Ўзбекистон давлат филармонияси қошида 1952 йили тузилди. Қисқа давр ичида жамоа сезиларли муваффақиятларга эришди. Ўзбек тингловчилари турли халқларнинг ажойиб хор асарларини тинглаш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон композиторлар уюшмаси даъватига кўра, кўплаб композиторлар ўзбек акапелла хор асарларини ярата бошлади. Натижада, кўплаб халқ кўшиқлари қайта ишланиб, акапелла асарлари пайдо бўлди. Бу соҳада, айниқса, М.Бурҳонов самарали ижод қилди. Композитор халқ оҳанглари колоритини сақлаган ҳолда, кўп овозли тарзда уларга янги бўёқларни сингдира олди.

Ўзбек мусиқасида янги жанрлар пайдо бўлиши билан бир қаторда опера ва кантата – оратория

жанрлари янада ривожланди. “Тошкент ҳақида ҳикоя” (И.Ақбаров) ораторияси, “Менинг Ватаним” (С.Юдаков), “Пахта байрами” (С.Бобоев), “Баҳор” (Ҳ.Раҳимов), “Ўзбекистон аёллари” (Ф.Назаров), “Дунёга киринг” (Р.Вильданов) кантаталари ва бошқа вокал-симфоник асарлар яратилди.

60–70-йилларда Алишер Навоий, Умар Хайём каби буюк мутафаккирлар ижодига мурожаат қилинган асарлар пайдо бўлди. Булардан М.Бурҳоновнинг “Алишер Навоийга қасида”, И.Ақбаровнинг “Хамса” саҳифаларидан, М.Ашрафийнинг “Рустам ҳақида дoston” эпик ораторияларини келтириш мумкин.

Кўп овозли мусиқани ижро эта оладиган миллий ҳаваскор жамоалар (асосан ўқув юртинларида) тобора кўпайиб борди. Ўтказиб туриладиган хор-қўшиқ байрамлари, фестиваль ва кўриклар кенг оммани хор ижрочилигига жалб қилиб келди.

Шу билан бирга, болалар бадиий ижодкорлиги, ҳаваскорлиги ҳам ривожланди. 1970 йилда “Бойчечак” (кейинчалик “Булбулча”га айлантирилди) болалар хор студияси ташкил этилади. Таниқли хор дирижёри ва композитор Шермат Ёрматов ташкил этган бу жамоа Ўзбекистонда болалар хор ижрочилигининг янги босқичини яратди. Республика миқёсида ҳар йили “Санъат байрами” болалар конкурси ўтказилиши янги-янги болалар хор жамоаларининг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўзбек хор маданияти, айниқса, мустақиллик йилларида баравж ривожланди. Хор ижрочиларимиз жаҳоннинг кўплаб катта саҳналарида ўзбек хор санъатини намойиш қилиб, кўрик-танловлар ғолибларига айланди. Ўзбек композиторларининг мазмун ва моҳияти бўйича миллий бўлган хор ижодида катта ютуқларга эришилди. Бу ижод мусиқий драмалар учун яратилган хорлар, кантаталар, ораториялар, сюиталар, оммавий хор асарлари ҳамда қайта ишланган халқ кўшиқларидан иборатдир.

Феруза МАНСУРБЕКОВА



Устоз-шогирдлик анъаналарининг инсоният камолотида аҳамияти катта. Ўсиб келаётган ёш авлодни башарий ғоялар билан улғайтиришнинг муҳимлигига Шарқнинг буюк мутафаккирлари ҳам эътибор қаратишган. Хусусан, Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий асарларида шарқона маънавият асослари ифодаланган. Уларнинг асарларидаги ҳикматли сўзлар, устоз-шогирдлик қоидаларини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, узок даврлар синовидан ўтиб бизгача етиб келган тажрибаларни замонавий педагогик жараёнларга татбиқ этиш келажак эгалари бўлган ёшларнинг тарбиясида ижобий самара бериши шубҳасиз.

Абу Наср Форобий: “Устоз шогирдларига катта зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб кетади”, дея таъкидлаган бўлса, Ибн Сино болага билим бериш устознинг масъулиятли бурчи эканини уқтиради. Унинг фикрича, болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар томонидан қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш ҳам муҳим.

Бу борада Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўзининг “Қутадғу билиг” асарида фикр билдириб ўтган:

*Тагин бир тоифа – донишманд,
доно,*

*Улар илми элга машъал доимо,
Эъзозла уларни то имкон*

*боринг,
Билимларин ўрган, токи бор
онинг.*

*Булардир ҳақиқат, таянч,
тирғагинг,*

O'qitishda an'analarning o'rni

*Билимли диёнат асос ўзаги,
Олимлар йўқ эса эди дунёда,
Келиши ҳам кулурми эди*

бунёда.

*Улар илми бўлди халойиққа нур,
Эриси бу нурдан кими йўл*

топур.

Абу Райҳон Беруний, Хусайн Воиз Кошифий, Кайковус ҳам ўзларининг таълим-тарбия ва фарзанд ўстириш асосига бағишланган асарларида қимматли ўғитларини ёзиб қолдирган. Уларнинг асарларида ростгўйлик, адолат, мардлик, ботирлик, ҳиммат каби инсоний фазилатлар қадрланиб, кишилар инсонийлик ва комилликка чорланади.

Буюк саркарда Амир Темур ҳам ўз ҳукмронлиги даврида илм аҳли, муаллимларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига илмининг ўрнини муҳим деб билади. Кўплаб мадрасалар барпо этиб, таълим ишларига энг билимдон, зукко муаллимларни жалб қилади, ўзига устоз деб билган кишиларни жуда қадрлайди.

Ўзбек халқининг буюк шоири, дунё адабиётининг буюк сиймоси, мутафаккир ва давлат арбоби Али-

шер Навоий ҳам ўз ижодида айна масалага кенг ўрин ажратган. У ёшларга билим бераётган муаллиму мударрисларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. Нодон, мутаассиб жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқувчиларнинг билим эгаллаши учун ўқитувчи самарали усуллардан фойдаланиши жуда муҳим эканини таъкидлайди. Устознинг ҳурмати, қадри борасида эса шундай дейди:


*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқитмиш ранж ила,*

Айламак бўлмас адо онинг

ҳақин юз ганж ила.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёш авлод тарбиясида устоз-шогирд анъаналарининг давомийлигида улуғ алломаларимизнинг бой меросидан ибрат олиб, уларни ёшлар онгига сингдириш ҳар бир устознинг вазифасидир. Бунинг учун эса ўзини ёшлар тарбиясида масъул деб биладиган ҳар бир ўқитувчи юқоридаги асарларни чуқур ўрганиши, аввало, ўзи ундаги қоидаларга амал қилиши ва бу билимларни ёшларга сингдириш ишига сидқидилдан киришмоғи лозим.

Набижон ҚОДИРОВ



San'atdan yaralgan saodat

Аёлни улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатиш инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири. Айниқса, ўзбек миллатида аёл янада қадрли ва эъзозли. Унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши аёлларга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Замонамиз аёллари ўзларида мавжуд ва яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Муסיқа санъатимизнинг ривожланишида ўзбек аёлларининг ҳам улуши борлиги, айниқса, эътирофга сазовордир. Дилбар Маликова ана шундай аёллар сирасидан. Ҳаётининг аксарият қисмини санъат ва санъаткор ёшлар тарбиясига бағишлаган Дилбар опа дирижёр, санъатшунос сифатида ўзбек муסיқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Дилбар Маликованинг барча ҳаётий принциплари ва амалга оширган ишлари бевосита муסיқа билан боғлиқ. Бунга унинг санъаткорлар оиласида таваллуд топгани сабаб бўлса, ажаб эмас. Дилбар опанинг муסיқага бўлган меҳри болаликданоқ шаклланган ва бу қизиқиш уни Глиэр номидаги махсус муסיқа мактабига етаклаган. У ерда фортепиано синфини муваффақиятли тугатгач, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Хор дирижёрлиги факултетида билим олишни давом эттиради. Консерваторияни имтиёзли тамомлаган Дилбар Маликова ўзининг дастлабки ижодий фаолиятини Ўзбекистон радио ва телевидениеси қошидаги хор жамоасида бошлайди. Айни жамоа раҳбари, ўзбек хор санъатининг дарғаси Ботир Умиджонов Дилбар Маликовадан касб сирасорларини ўрганишда ёрдамини аямайди.

1982 йилдан 2001 йилгача “Булбулча” болалар хор жамоасида хормейстер вазифасини бажарган Дилбар опа бир қанча ёш истеъодларни кашф

этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Илҳом Фармонов, Севара Назархон, Дилфуза Раҳимова; “Ниҳол” мукофоти совриндорлари: Исмоил Саидумаров, Дилноза Исмияминова; қатор болалар эстрада ансамбллари раҳбарлари: С. Музаффарова (“Севинч”), Н. Суяркулова (“Камалак”), Фотима ва Зухра Зиёмухаммедовалар (“Тантана”)нинг сермахсул ижодида Дилбар Маликованинг ҳам ҳиссаси бор.

Кейинчалик Дилбар опа “Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси”да ижодий фаолиятини давом эттиради. У қайси хор жамоасида ишлагани, изланувчан, меҳнатсевар, истеъодли эканини намойиш қилиб, ҳурмат қозонади ва хор санъатини тарғиб этишдан чарчамайди.

2003 йилдан Дилбар Маликова ўзи ишлаётган жамоада бадиий раҳбар ва бош дирижёр сифатида фаолият юрита бошлайди. Унинг бошчилигида сермахсул ижод қилаётган хор жамоаси мамлакат миқёсидаги барча байрамларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Фидойи педагог сифатида у ёш хор артистларига куйлаш, ижро услубини ўргатишда ҳам тинмай меҳнат қилади. Дилбар опа махсус хор кўшиқчилигининг ўзига хос илмини эгаллаб, билимдонлик билан вокал соҳасида ҳам Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Вокал” кафедрасида бир неча йиллардан буён бўлажак актёрларга сабоқ бермоқда.


Дилбар Маликова ўзбек хор ижрочилик санъати бўйича кўзга кўринган дирижёр, етакчи мутахассис. Унинг бу соҳадаги шарафли ва машаққатли меҳнати муносиб эътироф этилиб, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

*Шерзод ПИРМАТОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини профессори*



Nurbola

(ertak)



Uning yoshi salkam bir milliardda edi. Shu yoshida endi bu tirmizakning ortidan chopishi qoluvdi. Qayoqqa yo'qoldi ekan?.. Millionga kirgan og'a-inilari orasida ko'rinmaydi. Ularni unchalik xushlamasligini yaxshi biladi. Hoynahoy mingyillik akalari yonidadir. Yo'q, u yerda ham emas. Yaralganiga qirq yil bo'lmay shuncha tashvish orttirsaya. Hali ta'zirini berib qo'yadi. Barkash bobosiga aytib bir tartibga chaqirtirmasa...

Nurbola Oftob momoga duvara edi. Shu avlodi sal boshqacha – ta'sirchanroq chiqdi. Butun qavmini eslaydi. Qaysi bir ajdodiga tortganini bilmaydi. Faqat tafti bor, xolos. Yoqimli, judayam yoqimli, ammo o'ta muloyim. Yomonligi yo'q hech. Ba'zan o'zining ham havasi keladi unga. Dunyodan zerikkan paytlari erkalab, kuch oladi.

Qorong'i tushayotgan edi. Zaminni tark etishlariga birmuncha fursat bor. Uzoqdan ummonda mavjlanayotgan yaltiroq aksni ko'rdi. Nurbola, deb o'yladi. Borib qaradi. U emas. Og'asining erka avlodi. Delfinlar bilan o'ynashib, sho'xlik qilib yuribdi. Yana qayerdan izlasin?! Boshi qotdi. Quyoshli yurtlarni ko'rsachi! Bu fikri tuzuk tuyuldi. Bordi. Qir-adirlar orasidagi bir ko'rimsiz kulbadan miltillab nur taralardi. Asta tirqishdan ko'z tashladi. Zimistonda Nurbola to'shakda ma'yusgina yotgan bolaga termulib charaqlayapti. Shunchalar berilib shu'la taratardiki, hatto uning kelganini ham sezmad. Xona sovuq edi. U kirganda biroz ilidi. Shundagina ortiga qaradi Nurbola. Oftob momosini ko'rib yanayam yorishib ketdi.

– Eplolmayapman, – dedi mahzun qarab. – Sovqotib titrayapti.

– Hechqisi yo'q. Senday paytim menda ham shunday bo'lgan, – dalda berdi.

– Uch kun oldin nurlarimga chalg'ib, daraxtdan yiqilib tushgandi, – dedi aybdorlarcha.

– Ketish kerak. Hademay qorong'i tushadi, – dedi Oftob momo.

– Uni shunday tashlab hech qayoqqa bormayman. U mening do'stim, – qat'iy turib oldi u. – Biroz isiting, yordam bering!

– Iloji yo'q. Odamlarning ishiga aralashma, – dedi yana beparvo Oftob momo. Lekin Nurbolaga termilib rahmi keldi. Beixtiyor uning aytganini qildi. Bolakayning tanasi qizib, biroz jon kirganday bo'ldi.

– Rahmat, – dedi Nurbola.

– Endi qaytamiz. Kech qoldik, – deb achchig'landi Oftob momo.

– Yashaydimi? – yana so'radi umidvor.

– Buni Yaratganning o'zi biladi, – dedi jiddiy.

Ular chiqib ketishdi. Orlaridan zaminni zulmat qopladi. Yo'lda Nurbolaga nisbatan yanayam mehri jo'shdi. O'ziga tortgan. Insonga taft beribdimi, demak, ezgu ish qilyapti. Ammo ular bilan do'stlashish juda qaltis. Tartibga-qoidalarga rioya etishi shart.

Ertasiga sharros yomg'ir yog'di. Bu ayni muddao bo'ldi. Barkash bobo bilan maslahat qildi momo. Ming urug'larini to'pladi. Nurbolani yoniga o'tqizishdi. Barkash bobo hammasidan xabardor edi.

– Kenja avlodlarning inson bilan do'stlashibdi, – dedi u. – Kecha Oftob momoglarni ancha xavotirga qo'yibdi.

– Kim ekan u Nurbolaning taftini olgan odam bolasi? – hayron bo'lib so'rashdi qavmdagilarning bari.

Nurbola g'ujanak bo'lib doira shakliga kirib oldi. Shu ko'rinishda u Porloq quyoshning kichkina bir aksini eslatardi.

– Yaxshi-ku! – dedi orqa tarafdin Oltin nur.

– Nimasi yaxshi?! – hayron bo'lishdi Shafaq nurlar.

– Koinotda insondan boshqa tashvishlarimiz ham yetarli, – deyishdi ming yillik nurlar.

– Kengashga million boshilarni ham chaqirish kerak edi. Yuz million yillar oldin bunaqa gaplar yo'q edi, – dedi Siniq nurlar. – Inson dunyoni halokat yoqasiga olib kelib qo'ydi.

– Kuydirib tashlash kerak barisini, – deyishdi So'niq nurlar alam bilan.

– Bizning ishimiz inson zoti bilan kurash emas. Aksincha, dunyoni isitish, yashnatish. Unutmang, muz qavmining abadiy muzliklar makonini ham eritib yuborish bizning maqsadimizga kirmaydi. Yoki shamol, qor, yomg'ir, sovuq harakatlariga; osmon, yer va boshqa sayyoralarning taraqqiyotiga hech qachon g'ov bo'lmaymiz, shuni bilib qo'yinglar! – dedi qat'iy Barkash bobo.

– To'g'ri. Biz insonlarga hali kerakmiz. Ular yomonlikni istashmaydi. Faqat koinotni bilishga intilishyapti. Buning nimasi yomon? – deyishdi Shaffof nurlar ham.

Oftob momo kengash fikri o'zgarib borayotganidan xavotirga tushdi. Suhbatning bu yo'sin chuqurlashib ketishi yaxshilikka emas.

– Men Nurbolani biroz tartibga chaqirib qo'yishini Barkash bobosidan so'ragandim, xolos. Bu yerda dunyoning ishlarini muhokama qilishimiz shart emas. Faqat zaminda tun kechikyapti. Bu muvozanatni buzayotgan Nurbola. Kuni kelib arzi hol bo'lmasin deyman-da.

– Inson koinotga intilyapti. Bunga jim qarab turishimizni xohlaysanmi? – dedi alamzada keksa So'niq

nur. U Oftob momo bilan tengqur edi. So'nganiga ancha bo'lgan. Shu sabab butun borliqqa nafrat bilan qaraydi. Lekin u bilan ham hisoblashish kerak. So'niq nurlar ham otash qavmining a'zolari.

– Inson hali yerning o'zini tushunib yetganicha yo'q. Koinotga intilishga nima bor?! – qo'shilishi Siniq nurlar.

– Nurbolaning inson bilan do'st tutinishi yaxshi emas. Ular oxirgi yuz yillikda judayam shiddat bilan rivojlanib ketishdi. Odamlar Oyga intilishyapti. Sirlarimizdan voqif bo'lishsa, hademay porloq nurlar makoni bo'lmish Quyoshni ham zabt etishga kirishadi, – dedi mingyillik nurlar ichidan Qizil nur.

– Kuydirib kul qilish kerak. Kuyik hidini ham sog'indik, – dedi Olov nurlar.

Hech qaysi biri indamadi. Na Barkash bobo, na Oftob momo ularga qaradi. Bu kengashda ularning qatnashishi noo'rin edi.

Olam yaralgandan buyon Olov nurlarining niyati shu. Hamma yoqni yondirib kulga aylantirsa.

Kengash bir to'xtamga kelolmadi. Yaxshiyamki, yomg'ir tinib, bulut tarqay boshladi. Kengash yana biroz cho'zilsa, tortishuvga aylanib ketishi aniq edi. Mingyillik nurlar sekin-asta bulutlar ortidan shu'la tarata boshladi. Qolganlar ham o'z yumushlariga tarqalishdi. Oftob momo Nurbolani qidira boshladi. Barkash bobosidan so'radi. U ham hayron bo'ldi. Nurbola allaqachon yer sari enib bo'lgan edi. Oftob momo ikkilanib qoldi. Tinch qo'ygani ma'quldir. Hartugul, vaqt o'tib o'zi hammasiga tushunib yetadi. Baribir xavotir oldi. Nurbola izidan yo'l soldi. Uni yana o'sha kulbada uchratdi. Bola o'rnida yo'q edi. Yotgan joyi nam. Bolaning suv-suv bo'lib oqqani bilinib turardi. Yostigi ustida qalpoqchasi yotardi. O'zi esa mehrob ichiga kirib olib:

– Menga yordam ber, ey Xudo! Boboquyoshga ayt. Hammayog'im muzlab ketyapti. Men yashashim kerak. Yolg'iz onam, kichkinagina singillarim bor. Otam yo'q. Bog'larga qarashim, ishlashim, onamga yordam berishim kerak. Men ularni tashlab ketolmayman. O'tinib so'rayman, Quyoshjon! Menga yordam bergin. Sovqotyapman, – derdi qaltirab.

Nurbola Oftob momoga mahkam chirmashib oldi.

– Kuyinma, – dedi zo'rg'a Oftob momo. Boshqa hech narsa deyoilmadi.

Lekin million yillar oldingi kabi shunday nur taratdiki, buni yuqoridan turib Barkash bobo ham qo'llab-quvvatladi. Zaminga iliqlik taraldi. Bolakay chehrasi yorishib tashqariga chiqdi. Osmonga termulib minnatdorchilik bildirdi. Nurbola inson bolasining quvonganini ko'rib xursand bo'ldi. Oftob momo bo'lsa ularga qarab o'y surdi: dunyoda issiqlik taftidan tashqari sovuq yoki shamol singari kuchlar ham mavjud. Inson shularning bariga chidashi kerak hali. Buni Nurbola ham, Porloq quyosh nurlaridan to'yib-to'yib bahra olayotgan bolakay ham vaqt-soati kelib bilib oladi. Axir olamning o'zi shunday yaralgan.

Baxtiyor NURIDDINOV



Зумрад МАШАРИПОВА

*Сиз ким, руҳми ё пари, айтсангиз нетар,
Нечун тушларимга кирасиз ҳар тун?
Кўзингиз кўзимга ўхшабми кетар,
Термуласиз маъюс! Қайдан шунча мунг?*

*Даста-даста гулни кучоқлаб маҳкам,
Уй тўрида бирдан бўласиз пайдо.
Сиз менинг ёшлигим эмасми ўтган,
Нега жавоб бермай айлайсиз видо?*

*Кетманг, бироз туринг, саволлар қийнар.
Пардалар, йўлимни тўсманг, даф бўлинг.
Бунчалар лоқайдсиз, совуқ деворлар,
Сизни муштлаб, ахир, оғриди кўлим.*

*Кўчага чопаман, йўл хўрсинади,
Дарахтлар ортимдан судралар беҳол.
Зулмат нигоҳимдан нур ўмаради,
Вужудимни совуқ этади ишғол.*

*Дарбадар кезаман тун кўчаларни,
Урилиб жимликни этаман безор.
Тонмай, ахир, ютиб гунг кечаларни,
Қайтаман хонамга чеккани озор.*

*Шу тахлит кунларим ўтади учиб,
Тушларимдагина бўласиз меҳмон.
Боқасиз бир даста гулларни кучиб,
Кўзингиз кўзимга ўхшайди ҳамон!*

*Ишқнинг саҳросида куйдим, адашдим,
Жавзода рақс тушдим, ёндим, туташдим.
Ҳаловат шаҳрини даштга алишдим,
Азизим, мен сизни алишганим йўқ!*

*Дарёлар кўнглимга солди беланчак,
Баҳорлар сочимга тақди гул-чечак,
Ўзгаларнинг сўзи туйилди эртақ,
Азизим, мен сизни алишганим йўқ!*

*Йиғлаган оҳунинг кўзини кўрдим,
Шу ёниқ тақдирнинг кўзини кўрдим,
Кимларнингдир кўзёш, бўзини кўрдим,
Азизим, мен сизни алишганим йўқ!*

*Ширин тушларимни сувдан қизғондим,
Севгимни олғиру қувдан қизғондим,
Дилимни юз минглаб кўздан қизғондим,
Азизим, мен сизни алишганим йўқ,
Ёлғон дунёсида адашганим йўқ.*

Фасллар алмашиб борар экан, либослар ҳам унга мос эврилади. Ана шундай пайтда кўпчилик фаслга мос ва ўзига хос либос танлашга қийналиши табиий. Орамизда бу фаслда қандай рангдаги ва бичимдаги либосларнинг урфга киришига қараб кийим танлайдиганлар ҳам бор. Баъзилар замонавий кийинишни ёқтирса, баъзиларга миллий услуб маъқул. Кийинишда ҳам ўзига хос меъёр ва мезонлар борми, умуман, дид ва услуб масаласига аралашин мумкинми? Санъатшунос Бинафша Нодир билан суҳбатимиз шулар хусусида.



– **Айтинг-чи, либосларимиз ҳам замонавий, ҳам миллий кўринишда бўлиши учун нималарга эътибор қаратиш керак?**

– Миллий матолардан тикилган, бунинг устига, замонга мос бичимдаги либослар кишининг кўркига кўрк қўшади. Афсуски, мутахассисларимиз кундалик

ланган. Бичимнинг соддалиги унинг гўзаллигини таъминлаган. Агар эътибор берсангиз, ўша коллекцияларда бачканалик сезилмайди. Қайтага ўзимизнинг дизайнерларимиз матоларимиз асосида мураккаб конструкцияли ёки кўпқатламли бичимда либос тикаман, деб бачканаликка йўл қўйишмоқда. Адраснинг



ҳар бир нухаси бетакрор, бири иккинчисини такрорламайди, безак, ранг жиҳатидан сержило. Бундай матодан мураккаб бичимда либос тикишнинг ўзи нотўғри. Агар мато гулдор ва жимжимадор бўлса, содда бичим мақсадга мувофиқ.

Либос танлаётган кишининг миллий мотивларга таяниши яхши, албатта. Аммо адрас ёки атлас мато фақат либосда эмас, аксессуарларимизда акс этса ҳам бўлади. Масалан, замонавий клач (сумкача) адрасдан бўлиши мумкин. Бугун бу борада бизнинг дизайнер ва брендларимиз анча яхши меҳнат қилмоқда. Маҳаллий брендларимизнинг клач, сумка, ўзбек шойиларидан тайёрланган спорт оёқ кийимлари юсак дид ва нафосат эгасининг талабига жавоб беради. Ҳаттоки, уларнинг

Libos – har kimda o'ziga xos

кийимларни яратаётганларида бунга кўп эътибор қаратмайди. Биз назарда тутаётган либосларни эса фақатгина подиумлар учун, замонавий либослар коллекцияси устида ишлаётганда ёки қандайдир оқшомлар учун яратишади. Табиийки, биз бу сингари хос либосларни кундалик юмушларга, ишга, ўқишга кия олмаймиз. Яна шунга таъкидлаб ўтишни истардимки, баъзан дизайнерларимиз ўз коллекцияларини яратишда ёппасига миллий матоларга ёпишиб олишади. Фикримча, бу йўл ҳам тўғри эмас. Ахир, бир хиллик кишини зериктириб қўяди.

Ғарбий Европанинг замонавий модельерлари, машҳур “VERSACE” бренди биринчилардан бўлиб ўзбек миллий матолари: атлас, адрасларни подиумга олиб чиқишган. Уларнинг ютуғи матолардан ўринли фойдаланишганида. Либоснинг бутун гўзаллиги кичик бир деталга жой-

Нигина ҒУЛОМОВА
суҳбатлашди



коллекцияларига хорижликлар ҳам катта қизиқиш билан қарашади. Миллий жавонимизда турли тақинчоқларнинг ҳам аҳамияти катта. Аммо уларни ҳам ўрнида ишлатган маъқул. Масалан, уларни гулдор, адрас, шойи кўйлақларда ишлатиб бўлмайди. Ёрқин, жудаям мураккаб конструкциядаги либосларга ўзбек миллий тақинчоқлари мос тушмайди. Чунки бу тақинчоқларнинг ўзи жимжимадор, кўп шокилалли. Шунинг учун ўша тақинчоқлар гўзаллигини кўрсатиш учун кўйлақ бичими одми ёки ранглари бироз босиқ бўлиши керак. Қувонарли томони яна шундаки, ҳақиқатан ҳам, ҳозир дизайнерларимиз нафақат подиумга олиб чиқадиган либослар, балки кундалик ҳаётда киядиган либослар дизайни устида ҳам ўйлашмоқда. Ўзимизнинг дизайнерлар адрас, шойилардан замонавий ёзги шимлар, кундалик кийимлар яратмоқда. Бугун юртимизда нафақат аёллар учун, балки эркекларга атаб ҳам чиройли коллекциялар яратилляпти.

– Фикрингизча, миллийлик либосдами ёки кийинишда?

– Албатта, миллийлик кийинишда, либосда эмас: одамнинг ўзида бўлиши керак. Икки кун олдин бекатда бир қизни кўриб қолдим. У замонавий кийинган, лекин сочлари узун, қирққокил қилиб ўрилган, бошида ироқи дўппи. Масалан, у атлас лозим, кўйлақ, дўппи кийиб тургани йўқ, замонавий кийинган. Лекин унинг сочини майда ўриши, ироқи дўпписи киши эътиборини тортиб турибди. Бу ҳам замонавийлик, ҳам миллийликнинг бир кўриниши.

Бизга миллийлик эмас, кийиниш маданияти етишмайди. Энг асосий муаммо – кийиниш маданиятида. Ёшларимизга эътибор берадиган бўлсак, ҳар доим ҳам ўринли, бир-бирига мутаносиб бўлмаган либосларни кийишади. Кийим-кечак, либос деганда бизлар фақатгина кўйлақ ёки шимни тушунмаймиз, яъни оёқ кийим, аксессуарларга ҳам эътибор берилиши керак. Афсуски, бу нарсаларга кўпчилик етарли аҳамият қаратмайди. Ундан кейин, одам ёшига қараб либос танланиши керак. Ёшларнинг либоси бор, кексалар, қариялар ёки

ўрта ёшдагиларнинг кийими бор. Дизайнерларимиз либос яратганда одамнинг ташқи тузилиши, қомати, мато гули, юз тузилиши, соч, кўз, ҳатто тери рангига қараб мато ёки бичим танлашади. Кимгадир ёрқин, кимгадир босиқ ранглар ярашади. Бунга эътиборимиз кам. Аксарият ёшлар бачкана кийишади: бир-бирига мос бўлмаган кийимлари замонавийликдан бачканалик, дидсизликка ўтиб кетади. Айримлар оёқ кийим қизил, демак, сумка ҳам, лаб бўёғи ёки соч турмагидаги аксессуар, шарф ҳам қизил рангда бўлиши керак, деб ўйлашади. Бу – мутлақо нотўғри! Кўйлақка мос туфли олиними, демак, сумка бошқа рангда бўлиши керак. Сумка, лаб бўёғи ёки сочдаги тақинчоқ либоснинг гули рангига мос келса кифоя. Бу либос композиция дейилади, яъни ҳаммасида мутаносиблик бор, ортиқчалик йўқ. Аслида, кийиниш маданияти ҳақида кўп гапирилади. Телевизорда дизайнерларимиз маслаҳат беради, ана шу қоидаларга амал қилиш керак. Ундан кейин, инсон ўзидан келиб чиқиб кийингани маъқул. Модалага кўр-кўрона эргашиш нотўғри. Дизайнер олиб чиқаётган янги услуб ҳаммага ҳам мос келавермайди. Бу жиҳатларни эсдан чиқармаслик керак.

– Эркеклар кийиниши ҳақида нима дейсиз?

– Менимча, бу борада эркекларимизда ҳам, йигитларимизда ҳам битта муаммо бор: модала ортидан қувиб, ярашадими-ярашмайдими, бачкана кийимларни кийишади. Тор, танага ёпишган кийимлар, менимча, эркек киши табиатига тўғри келмайди. Ваҳоланки, миллий матолардан ҳам жуда яхши коллекциялар тайёрлаш мумкин. Чунки барча матоларимиз табиий тола: пахта, ипақдан қилинган. Уларнинг танага ижобий таъсир кўрсатиши тиббий жиҳатдан аллақачон тасдиқланган.

– Ўзингиз либос ҳақида муҳим деб ўйлаган мулоҳазалар.

– Келинларимиз ҳам, ёш қизларимиз ҳам, ортиқча аксессуарларни, жимжимадор, ялтироқ деталларни яхши кўришади. Унинг устига, кўпчилик ялтироқ, синтетик матоларга ўч. Кундуз кунги, ишга кийиладиган

кийимлар ҳам жуда ёрқин. Тақинчоқларни ҳам ўринсиз тақинчади. Масалан, кундуз кунли олмос тақиб бўлмайди, буни эса кўпчилик билмайди. Замонавий этикет бўйича, олмос икки қаратдан ошмаслиги керак. Айримлар эса қўш-қўш узук, олмос тошли тақинчоқ тақиб, кечки турмақдан фойдаланиб ишга келишади. Бундай номувофиқликларга секин-аста барҳам бермоғимиз керак.

Мутахассиснинг фикрлари билан танишар эканмиз, баъзилар урф деб ҳисоблайдиган рангларнинг ҳар бирини эгнига солиб кўрувчиларга “мода” урфдаги ранглар ёки бичимлар эмас, балки либос эгасини камчиликларсиз кўрсата биладиган кийим, дегимиз келди. Аввал бошда ҳам либоснинг асл мақсади биз назарда тутаётган “мода” эди. Шундай экан, ранглар ва бичимларнинг ичида фақат ўзимизга мос ва хос бўлганини танлашда адашмайлик! Зеро, эгнимиздаги ярашиқли кийим ҳам ўзимизнинг, ҳам атрофимиздагиларнинг кўзларига қувонч бағишлайди. Либосдаги ўринли, ярашиқли бетакрорлик, фақат ўзигагина хослик кўркем кўринишнинг асосидир.



Sahnada urg'u san'ati

Бугунги кунда ёши улуғ театр ихлосмандларининг театр томошаларидан кейин бошларини чайқаб: “Қани ўзбек тилининг гўзаллиги, товушларнинг ипақдай товланиши, сўзларнинг таровати?” мазмунидаги гина ва андишаларини эшитиб қоламиз.

Чиндан ҳам тарихнинг қай бир даврига назар солманг, сахна нутқиға биринчи галдаги масала сифатида ёндашилган. Ўзбек тилининг хассос устаси Маннон Уйғур ҳам бу жиҳатни доим муҳим билиб, ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам айна масалада талабчанлик билан муносабатда бўлган экан. Адабиётдан ҳам анчайин бохабар бўлган Маннон Уйғур “Туркистон табиби” номли пьесани ёзиб, сахналаштиради ва бош ролни ижро этади. Бу жараёнда у билан бирга ишлаш бахтиға муяссар бўлган театр актёрлари уни тил борасида зукко, билимдон дея эътироф этишган. Унинг актёр тилидан чиқаётган ҳар бир сўзнинг устида ишлаши, драматург ва таржимонлар билан то спектакл томошабинга кўрсатилгунгача бўлган даврда асарни сайқаллаш устида қилган тинимсиз меҳнати шогирдлар ва жамоадагиларга ўрнак бўлган. Маннон Уйғур ва Чўлпон ҳамкорлигида сахна юзини кўрган “Ҳамлет” спектакли чинакам сахна асари бўлиб, то бугунги кунга қадар бу спектаклнинг чинакам ихлосмандларини топиш мумкин.

Манбаларда келтирилишича, Чўлпон “Ҳамлет”ни кўнгилдагидек таржима қилиш мақсадида рус тилиға ўгирилган ўнлаб таржималарни ўрганиб чиққан. Ҳаттоки, Наим Каримовнинг таъкидига кўра, 30-йилларда Москвада бир рус ёзувчиси ёрдамида “Ҳамлет”нинг инглизчасини ҳам мутолаа қилган экан. Ана шундан кейингина у энг мақбул вариантда “Ҳамлет”нинг ўзбек тилдагисини яратади ва бу асар қарийб ярим аср давомида театрларимиз сахналарида намоиш этилади.

Улуғ санъаткор Зикир Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, Чўлпон 1937 йили ҳибсға олинди, отиб ташлангач, “Ҳамлет” пьесаси қайта таржима учун Мирзакалон Исмоилийға топширилади. Бир неча бор пьесани ўқиб чиққан ёзувчи Чўлпондан ошириб таржима қиладиган одам ҳали туғилмаганлигини айтиб, жуда керак бўлса, ўз номини афишаға ёзишға розилик беради. Мирзакалон Исмоилий ҳибсға олингач эса “Ҳамлет”нинг янги таржимасини тайёрлаш ишлари академик Воҳид Зоҳидовға топширилади. У ҳам бир неча бор “Ҳамлет” таржимасини қайта-қайта ўқиб, Чўлпон таржимасиға ўз номи кўйилишиға қарши эмаслигини айтади.

Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов ўша пайтдаги цензуранинг тазйқига қарамай, доим Чўлпоннинг куйидаги таржимасини қўшиқ қилиб айтган эди:

*Бир замонлар ёш эдим,
Севгиға йўлдош эдим.
Шуларға йўлдош эдим,
Ундан ортиқ нима бор?
Не қайғу бор, на ҳасрат,
Фақат ҳузур-ҳаловат,*

*Эрта роҳат, кеч роҳат,
Ҳар куни кўклам, баҳор.*

Театр тилининг бетакрор ва дилға яқин бўлиши учун “Отелло” спектаклини сахналаштириш жараёнида Маннон Уйғур ҳаттоки қайсар ва бир сўзли шоир, академик Ғафур Ғуломни ҳам мулоиймлиқ ва назокат билан бир неча марта сўзларни қайта-қайта таржима қилишға ундаган. Репитиция чоғида Отеллонинг “Мен қораманми?” деб бошланувчи монологини Маннон Уйғур “Қораманми, мен?” деб ўқийди. Урғунинг охириги сўзға кўчирилиши билан таъсирчанлик янада кучайишини сезган улкан шоир режиссёрнинг зукколигиға тан берган ва унга ён босиб, сўзлар ўрнини ўзгартирган.

Хулоса ўрнида буюк истеъдод соҳиби, маҳоратли актёр, ўзбек дубляжи санъатининг қироли Ҳамза Умаровнинг сўзға муносабати, унга жон бахш эта билишдаги, керак бўлган ўринларда сўзға миллий тўн кийдира билиш санъатини-да намоён этгани, чет эл филмларига овоз берганида унинг иқтидори туфайли ҳатто хорижлик актёрлар ижросидан кўра фильмнинг дубляж вариантыда образ кучлироқ чиққани ҳақидаги ҳақиқатни эътироф этароқ, шоир Тўра Мирзонинг “Ҳамза Умар монологи” шеърдан парча келтириш жоиз топилди:

*Санъат томир-томиримгача
Қон дарёсин юборар таъмиз.
Санаб тушдим мингдан биргача,
Саннаб юрдим саналар сассиз...
Ипакмиди, бўзми овозим?
Пешонамға танғий олмадим.
Кўпим нураб, қолганда озим,
Ёзим тугаб, қишға қолмадим.
Санъат, санъат – буюк мамлакат,
Фуқароси эдим, мен фақир,
Измамадим иззатни фақат,
Санъат йўли тошлоқ, чанг, тақир....*


Туронбека ЖАББОРЛИ

“МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофиға соат мили йўналишида: 1. Англия. 2. Марказ. 3. Аҳмедов. 4. Венгер. 5. Инилеев. 6. “Витесс”. 7. “Селтик”. 8. Дуранг. 9. Байроқ. 10. “Таврия”. 11. Шацких. 12. Эрматов. 13. “Сантос”. 14. Марадона. 15. Байтар. 16. “Маракана”. 17. Гуайта. 18. Дарвоза. 19. Робсон. 20. “Машъал”. 21. Агасса. 22. “Суонси”. 23. “Динамо”. 24. Рибери. 25. Аршавин. 26. “Адидас”. 27. Скарали. 28. Бақоев. 29. “Севинч”.

МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1. Абдураимов. 2. Кўқон. 3. “Олмалик”. 4. Чех. 5. Хужум. 6. Финт.

Рақамларда: “Футбол – қувончим, дардим, фаҳрим”. Аҳбор Имомхўжаев.



“ЎЗБЕК ТЕАТРИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Алишер Навоий сиймосини театр сахнасида узоқ йиллар гавдалантирган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти. 2. Ҳинд адиби Рабиндранат Тагорнинг “Ҳалоқат” романи асосида сахналаштирилган “Ганг дарёсининг қизи” драмаси бош қаҳрамони. 3. Ҳамид Олимжон қаламига мансуб шёрий драма. 4. Уйғуннинг “Парвона” драмаси қаҳрамони. 5. Уильям Шекспирнинг устоз актёр Аброр Ҳидояттов бош қаҳрамонни сахнада маҳорат билан гавдалантирган трагедияси. 6. У. Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясида Полоний образи ижроچиси, Ўзбекистон халқ артисти. 7. Мамлакатимизда ташкил этилган илк театр труппаси. 8. Атоқли адиб, етук олим, “Абулфайзхон”, “Арслон” каби драмалар муаллифи. 9. Ёзувчи Н.В. Гоголнинг республикаимиз театрларида сахналаштирилган комедияси. 10. Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асаридаги образ. 11. Алишер Навоийнинг сахналаштирилган достонидаги вафодор маъшуқа образи. 12. “Алишер Навоий” драмасида Абулмалик образини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти. 13. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сиёвуш” сингари мусиқали драмалар муаллифи, ғазалнавис шоир, драматург ва таржимон. 14. Саҳна асари жанри. 15. Журналист, театр танқидчиси,

катагон қурбони. 16. Асарда персонажлар ўртасидаги суҳбат. 17. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари қаҳрамони. 18. Воқеалар кулги асосида тасвирланадиган саҳна асари. 19. Шухрат Ризаев Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асари оҳанглирида ёзган “Искандар” икки пардали фожеа асари персонажи. 20. “Отелло” трагедиясидаги Дездемона образи ижрочиларидан бири, театр санъатида оид илмий-методик асарлар муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. “Тошболта ошиқ” мусиқали драмасидаги пари образи – 5, 2, 14, 16, 7, 1, 4.

2. Театр асарини сахналаштирувчи бадиий раҳбар – 3, 12, 15, 2, 14, 14, 6, 3.

3. “Алпомиш” достони қаҳрамони – 9, 1, 3, 18, 2, 5.

4. Театр зали қисми – 14, 1, 11, 5, 1.

5. Саҳна асарининг тугал бир қисми – 10, 1, 3, 13, 1.

6. Адабий асарнинг хотимаси – 17, 10, 2, 7, 16, 8.

Энди шаклнинг ички қисмларидаги рақамларни калит сўзлар жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида муаммонотани ҳал этинг. Бунда улардан ибратли сўзлар аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

YARIM ASRDA YECHIM TOPGAN KOMPOZITSIYA



Тасвирий санъат тарихи, машхур рассомлар ижодига тасниф берилганда, одатда, уларнинг ижодида у ёки бу жанрнинг устуворлиги қайд этилади: Ўрол Тансиқбоев – манзарачи рассом, Абдулҳақ Абдуллаев – портретчи рассом, Раҳим Аҳмедов маиший жанр устаси. Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси, профессор Малик Набиевнинг ижодида универсаллик элементлари кузатилса-да, уни ҳам, шубҳасиз, портретчи рассомлар сирасига қўшиш мумкин. Бошқа портретчи рассомлардан фарқли равишда Малик Набиев буюк тарихий шахслар сиймосини яратишда баракали ижод қилиб, Ўзбекистон тасвирий санъатида машхур кишилар портретлари галереясини яратди. Бу галереядан Беруний, ибн Сино, Ал-Хоразмий, Жомий, Навоий, Бобур каби алломаларнинг сиймолари ўрин эгаллаган.

Рассомнинг шоҳ асари, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур портретидир. Устознинг ҳаётлик давридаги ҳикояларидан маълумки, у киши Амир Темур портретини ишлашга жуда узоқ тайёргарлик кўрган.

1941 йилда Амир Темурнинг даҳмаси очилиб, унинг бош суяги Тошкентга олиб келиниб, М.Герасимов томонидан Соҳибқироннинг бюсти ишланган. Малик Набиев шу жараённинг

жонли гувоҳи бўлган. Бу воқеани рассом шундай хотирлаган эди: “М.Герасимов музей биносида жаҳонгирнинг бош суяги асосий ҳайкал-портретни ишлашни бошлаб юборди. Мен бу жараённи ўз кўзим билан кўрганман. Начора, замон тақозоси экан. Албатта, бу воқеа ростдан ҳам даҳшат! ...Ўша 1941 йилдан бери улуғ саркарда сиймосини яратиш нияти мени бир дақиқа ҳам тарк этгани йўқ...” Рассом бу ниятни амалга ошириш учун ярим аср мобайнида изланишлар олиб борди. Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб унинг портретини яратиш бўйича танлов эълон қилинганда рассом тушундики, йиллар давомида қалбининг тўрида сақлаб келаётган композицияга ечим топиш вақти келди. Изланишлар давомида рассом турли мамлакатларда Амир Темур ҳақидаги материалларни синчковлик билан ўрганди. Жумладан, Ҳиндистоннинг Калькутта, Бомбей, Эроннинг Техрон, Исфохон, Туркиянинг Истамбул, Измир, Күнё, шунингдек, Англия, Испания ва Франция музейларида сақланаётган Шарқ миниатюраларида тасвирланган Амир Темур образларини синчковлик билан ўрганди. Малик Набиев тарихчи академиклар Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов, шарқшунос Шоислом Шомуҳамедовлар билан маслаҳатлашган ҳолда Соҳибқирон портретининг бир неча вариантларини ишлади. Қолаверса, рассомга йиллар давомида тўплаган тарихий шахслар портретларини ишлаш борасидаги бой тажрибаси ҳам қўл келди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтказилган танловда Малик Набиев ишлаган Амир Темур портрети эталон сифатида тасдиқланди. Эндиликда бу образ Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби шаҳарларда ўрнатилган Амир Темур ҳайкалларида ҳам акс эттирилган.

Малик Набиев тасвирий санъатда буюк сиймоларнинг образларини яратиш орқали маънавий ҳазинамиз олтин фондини муносиб асарлар билан бойитди. Бу асарлар, шубҳасиз, узоқ йиллар ўзбек халқи маънавияти, маданияти ва санъатининг олтин фонди бўлиб қолади.

Асқарали СУЛАЙМОНОВ



Malik NABIYEV. Amir Temur portreti.

Xp 7582



"Yagonasan, muqaddas Vatan!" ko'rik-tanlovining O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi tizimidagi g'oliblari



Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

OBUNA DAVOM ETMOQDA
ISSN 2091-5330